

МАЖБУРИЙ НУСХА


Исҳокжон НИШОНОВ

# ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

ҚИССА

БИРИНЧИ КИТОБ

«Наманган» нашриёти  
2012 йил



84(54)7 - Узб. араб.

УДК: 821.512.133-3  
КБК (84) (5Уз6) 7  
Н-69

ISBN-978-9943-4051-3-4

НГ 1063-3196,0-1549800 2012  
1064-(10,0)-(09)

10 42243/1  
2

|                      |  |
|----------------------|--|
| 2014/12<br>A<br>1024 | Alisher Navoiy<br>nomidagi<br>O'zbekiston MK |
|----------------------|--|

*Хар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,  
Хар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.*  
**БОБУР.**

- Салом, Қоплонбек!

Эшикдан кириб келган нозик гавдали, ёши ўтиб қолган бўлса-да, олмадек таранг юзида ўзининг бир сўзлиги ҳамда қайсарлиги билан қачонлардир манаман, деган йигитларни маҳлиё айлаган гўзаллиги сақланиб қолган аёл чарм ўриндиқда ўтирган йигитга шундай сўз билан мурожаат қилди. Қоплон бошини кўтарди ва ўзи томон келаётган аёлнинг юмaloқ, маккорона боқиб турган кўзларига тикилди. Унинг нотанишлигини бир боқишдаёқ англади. «Эркак башара бу фаришта ким бўлди?», деган савол кўнглидан ўтди. Хаёл дафтарини зўр бериб титкиласа-да, саволига жавоб тополмади. Кейин ёдига тушди: боя котиба «Ризонинг одами келаркан», деб айтганди. Қоплонбек унинг одамларини яхши танирди, лекин улар ичидаги аёл киши борлинини билмасди.

- Келинг!

Қоплоннинг совуқ қарши олиши аёлни аччиқлантириди. «Ризонинг хурмати йўқ экан-да», деган фикрни хаёлига келтириди. Истамай унинг ёнига борди.

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР //

- Мени «Бой ота» жўнатди, исмим Султонхон, - деди бошлигининг лақабини тилга олиб.

- Хуш келибсиз!

Аёл курсига ўтирас экан, хонага кўз ташлади. Бу ердаги нарсалар файзли кўринди.

- Менинг келишимдан хабардормидингиз?

Қоплон унинг мақсадини тушунди.

- Котибам айтганди, - деди. - Аммо Ризонинг сиздек одами борлигини билмас эканман!

Жувоннинг бетига заҳарханда кулгу ёйилди.

- Нима, сиз фақат эркаклар билан гаплашасизми, «Тилло йигит?» - Султонхоннинг сурма суртилган қошлари чимирилди. Қоплон бир пайтлар Ризо томонидан қўйилган лақабини эшишиб ғапи келди. Аммо аччиқланганини сездирмади.

- Ўртамиздаги ишларни фақат эркаклар ҳал қилали, - деди у.

Унинг жавоби аёлнинг қулогига ҳақоратдек эшитилди, бироқ ўзини босди.

- Энди мен билан гаплашасиз!

Қочиримли сўз Қоплоннинг юрагига тиғдек санчилди. Лекин таранглашган асабига эрк бермади. Аёл унинг аччиқланганини қиёфасидан илгади.

Ризо «Қоплон билан эҳтиёт бўлиб гаплаш, аччиғи бурнининг учida туради», деб қулогига қўйганини эслади. Тилига ортиқча эрк бермаслик учун овозини мулойимлаштириди.

- Ризонинг айтишича сизлар бир қишлоқда туғилиб, катта бўлган экансизлар?!

- Нафақат бир қишлоқда, балки бир мактабда ўқиганмиз.

- Синфдош экансизларда, нега унда бир-бирла-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

рингдан узоклашиб кетдиларинг?

- Сабабини «Бой ота» сизга айтмадими?!
- Қизиқмадим. - Султонхон ноўрин гап айтганини тушунди. - Менимча ўрталарингдаги гина-кудуратни унутсаларинг яхши бўларди.

- Менинг адоватим ҳам йўқ, опа. Ризо билан бирга ишлашга ҳамиша тайёрман!

Қоплоннинг «опа», деб мурожаат қилиши аёлга хуш ёқди ва қайсиdir жиҳатдан ўзини эркин тушишiga имкон яратди.

- Мен сизларнинг ўрталарингда бўлиб ўтган гап-сўзлардан бехабарман, Қоплонбек! Ризо сиз тўғрингизда яхши фикрда. Ҳамкорликни давом эттириш ниятида. Бирлашсаларинг ёмон бўлмайди.

- Нима учун мен билан ҳамкорлик қилишни истаб қолганининг сабабини тушунириб беролмайсизми?

Савол жувонга ёқмади.

- Ҳамма нарса аҳилликда! Ризони шаҳарда ҳамма ҳурмат қиласи. Таниш-билишлари етарли. Кўлини чўзган жойдан насибасини юлиб олади.

- Фақат шунинг учун бирлашишимиз керакми?
- Ҳозирча бизга сизнинг розилигингиз керак, қолган гапларни Ризо билан учрашганларингда ўзи айтади. Мен олдингизга бир-бирларингни яраттириш мақсадида келдим!

Қоплоннинг қошлари чимирилди. Ризони бирлашишга ундашининг сабабни билишни истади. «Бекорга «Элчи» жўнатмаган. Менинг аралашувим билан битадиган иши чиқиб қолган-ки, ярашиш ҳаратига тушган. Нега ўзи келмади? Ўртага одам қўйиш шартмиди?» Тўғри, ўзи келолмайди. Қоплон

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

унга ҳеч қаңон ёмонликни раво күрмаган. Аммо Ризо дўстининг ортидан фийбатнинг кўринмас тошларини отиб юрибди. Қоплонни «синдириш»га, обрўсини «тўкишга уринялти. Наҳотки, Ризо ўзининг қабиҳ ишларини эсдан чиқарган бўлса! Бу унинг галдаги ҳийласи эмасми? Қоплон яна қоқилишни истамайди.

- Қандай масалада ҳамкорлик қилишни билмасдан туриб сизга розилик беролмайман. Яххиси Ризонинг ўзи келсин, очиқчасига гаплашиб оламиз.

Қоплон гап тамом, дегандек қўллари билан столни уриб қўйди. Унинг бу ҳаракатидан Султонхон, «кетишинг мумкин», деган маънони тушунди. Аёл ўрнидан туришга шошилмади. Мақсадини ошкор қилишга мажбур бўлди.

- Хорижлик дўстларимиз Ризо билан қизиқиб қолишган. У билан ишлаш истагида юришибди. Ишнинг кетиши чакки эмас. Биз уларнинг топшириқларини вақтида бажариб турсак, каттагина даромадга эга бўламиз. Бунинг учун Ризога сиздек бир сўзли йигитлар зарур. Хорижлик ҳомийларимизнинг талаби шундай.

Қоплон Султонхоннинг нима мақсадда келганини тушунди. «Ризога ақл кириб қолгандир, хатоларини тушуниб етгандир», деб ўйлаганди. Демак, ҳали ҳам ақли кирмабди. Ўзининг қора мақсади йўлида ундан фойдаланиш мақсадида юрган эканда?

- Бориб бошлиғингизга Қоплон бундай ишларга кўшилмас экан, деб айтинг! Үқдингизми? Шу мақсада мен билан ярашмоқчи бўлса, яххиси кўзимга

## Исҳоқжон НИШОНОВ

кўринмагани маъқул.

Султонхон Қоплоннинг кутилмаганда ловуллаб кетишига ишонмаганди. Юзлари чўғдек қизиб кетган аёл ўрнидан турди ва қовоқ-тумшуғини осилтириб хонадан чиқиб кетди.

Қоплон билан Ризонинг ўртасидаги муносабатнинг бузилишига Олма-Отадаги воқеа сабаб бўлганди...

\*\*\*\*\*

Икки йил аввал Қоплон Олма-Отага тушганди. Ризони ҳам ўзига шерик қилиб олиб кетганди. У пайтлар иккисининг ўртасига бугунги адоварат, гина-кудурат губор ташламаганди. Қоплонбекнинг ишлари шу ерлик Барон лақабли олтмиш беш ёшлардаги лўли чол билан боғлиқ эди. Гарчи Барон унинг маҳсулотларига харидор бўлмаса-да, ўрталаридағи эски қадрдонлик туфайли ёрдам бериб келарди. Ризо Бароннинг бой-бадавлат яшашини билгандан кейин, қандай қилиб бўлмасин, чолнинг ишончига киришни истаб қолди. Орадан бир ой ўтиб, Қоплондан яширинча Олма-Отага учди. Барон меҳмонни яхши эслаб қолганди. Уйидан жой берди. Зиёфат ташкил этди. Машваратга чол қизини ҳам таклиф қилганди. Дастурхон атрофида ҳаммалари бирга ўтиришди. Қизни кўриб, Ризонинг ҳуши бошидан учайди. Бундай оғатижон жононни шу пайтгача учратмаганди. У мисоли қўғирчоқقا ўхшарди. Хипча белли, кўзлари катта-катта, дудоқларини худди очилиб турган фунчага қиёслаш мумкин бўлган бу санам эртаклардаги маликаларга ўхшар-

## ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

ди. Ризо лўлиларнинг бунчалик ёқимтой бўлишини тасаввурига ҳам сифдиролмаганди. У ўзининг боқишилари билан Ризонинг ҳушини ўғирлаганди. Йигитнинг қўли ҳам, кўзлари ҳам ўзига итоат этмасди.

Киз Ризонинг ёнида ўтиради. Йигитнинг нигоҳлари ихтиёrsиз унга кетарди. Барон бир-икки қараб, ҳатто томоқ қириб қўйганига ҳам Ризо аҳамият бермади.

- Бу менинг яккаю-ягона қизим, Алёна, - деди қария қизини таништирап экан. - Молиявий ишларимни бошқаради.

- Танишганимдан хурсандман, - Менинг исмим Ризо, - деди йигит қизга қўл чўзиб.

Улар узоқ вақт гурунглашиб ўтиришди. Бир-икки қадаҳ конъяк ичишгандан сўнг Ризонинг томиридаги қон қизиб кетди. У қизга яқин сурилиб, қўлидан ушлади.

- Кайфингиз ошиб қолди чоғи, - деди Барон қизига суйкалиб турган йигитга.

- Вақт ҳам алламаҳал бўлди, энди турсак бўлади!  
- деди Алёна ўртада зиддият келиб чиқмаслигининг олдини олиш мақсадида.

Бу таклиф ўтирганларнинг барчасига маъқул тушди. Ўринларидан туришди.

Эртаси куни Ризо чол билан ўз ишлари ҳақида маслаҳатлашди. Баронни кўп йиллардан буён рангли металл савдоси билан шугулланишини Қоплондан эшигтанди. Келишидан мақсад чол билан ҳамкорлик ўрнатиш, унга металл келтириб бериш эканлигини айтди. Йигитнинг таклифи чолга маъқул келди. Бегона юртдан ҳамкор топилганидан қувон-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

ди ҳам.

- Мен сизга бир ҳафта ичиди икки юз килограмм металл етказиб бераман, - дея ўйламасдан ваъда бериб юборди.

- Агар мени металл билан таъминлайдиган бўлсангиз, сизга олдиндан ҳақини бериб қўйишим мумкин, - таклиф қилди қария.

- Оддин мен юкни келтирай, кейин пул масаласини ҳал қиласмиш. Балки иккимиз ҳамкорликда бу ишни давом эттирамиз.

- Сиздек йигит билан ҳамкорлик қилишдан мамнунман. Тўғриси мени қўшни давлатларда ҳам дўстларим бўлишини истардим.

- Сиз ўзингизга содиқ дўст топдим, деб ўйланг. Ҳамма гап ҳалолликда. Ҳалоллик бор жойда барака бўлади. Ишга ҳаром аралашгудек бўлса, ишимиз орқага кетади.

- Гапларингиз менга маъқул. Назаримда сиз анчагина ҳалол ва яхши оиласда тарбия кўрган йигитга ўхшайсиз.

- Отам савдогар ўтганлар.

- У киши нима иш билан шуғулланганлар? - қизиқиб қолди Барон.

- Россиядан вагонларда тахта олиб келиб пуллардилар.

- Бугун металлда иш катта, йигит. Айниқса, рангли металлнинг нархи кун сайин осмонга сапчи-моқда. Агар иккимиз бир мақсад йўлида ишласак, қисқа фурсат ичиди довруғ таратамиш.

Улар нима ишлар қилиш кераклиги, металлни қаердан ўтказиш тўғрисида келишиб олишди.

- Ҳозир чегаралардан бундай рангли металларни

## /// // ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР // // //

олиб ўтиш амри маҳол. Яхиси биз яширин йўллар орқали бу ишни амалга оширамиз. Мен ўз одамларимни чегарага жўнатаман, Улар сизга ёрдам беришади.

- Ҳожати йўқ, амаки, ўзимнинг йигитларим етарли. Қўлларидан кўп иш келади. Чегарачиларга тутқич беришмайди.

- Шундайми, унда сизни металл билан шу ернинг ўзида кутар эканманда.

Ризо сўзининг уддасидан чиқди. Уйга қайтиб келган куниёқ танишларини ишга солиб, қишлоқлардан икки юз килограмм рангли металл жамлади. Яқинларининг ёрдамида уни чегарага жўнатди. Қингир-қийшиқ йўллар билан чегарадан олиб ўтди.

Барон Ризога ҳақиқатан ҳам қойил қолди. Келишилганидан кўпроқ ҳақ берди.

- Булар мендан совға, - деди Ризо қария узатган пулни рад этиб.

Барон металлни текинга олганидан эмас, йигитнинг кўнгли очиқлигидан суюнди.

Орадан бир ой ўтиб, Ризо яна Олма-Отага ташриф буюрди. Бу гал ёлғиз эмасди. Шерик бошлаб олганди. Чолга уни «рангли металл билан шуғулланувчи дўстим», деб таништириди. Барон меҳмонларни дала-ҳовлисига таклиф қилди. Катта зиёфат уюштириди. Бундай бекаму-кўст дастурхонда Ризонинг илк бор ўтириши эди. Гап орасида одамлар қўлида анчагина рангли металл борлигини айтди.

- Уларни тезда йиғишириб олиш керак, ҳозир чегаралар унчалик қаттиқ қўриқланаётгани йўқ. Яқин кунларда божхоналардан бир килограмм ҳам темирни ноқонуний олиб ўтиб бўлмайди.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Буни тушунаман, амаки, аммо одамлар насияга иш қилишмайди. Нақд пул керак.

- Пул ҳаммага керак. Одамлар нақдига иш қилишга ўрганиб қолишган. Лекин сиз бундан ташвишланманг. Пулни мен топиб бераман.

- Шу масалада сиз билан очиқчасига гаплашиб олиш мақсадида келгандик. Мана бу йигит металл билан шуғулланади.

- Топилган фойда ўртада, - деди Барон. - Сизлар юкни тўплаб, жўнатиш билан шуғулланасизлар!

- Катта иш қилишимиз керак. Арзимаган нарсадан қоладиган фойда уччаламизнинг чиқимимизни қопламайди. Бунинг учун сармоямиз ҳам етарли бўлиши лозим, - деди Ризо. - Биз ўз одамларимизнинг қўлига пул бериб қишлоқларга жўнатамиз. Улар металл йигади.

Барон ҳушёр ва ақдли одам эди.

- Чегарачилар юкни мусодара қилишса, зарар кимнинг зиммасига тушади? Мен фақат фойдага шерикман. Пулга тушиб қолишни истамайман! - деди.

- Бу томондан хотиржам бўлинг. Уларнинг ҳам кўнглига йўл топса бўлади. Чегарачиларнинг тилини топишни мен ўз зиммамта оламан.

Чол таклифни ўйлаб кўриб маъқул топди.

- Қанча пул керак?

Ризо шериги билан кўз уриштириб олди.

- Ишни бошлишимиз учун юз минг доллар кифоя, деб ўйлайман!

Барон учун бу катта пул бўлмаса-да, ўйланиб қолди. Шунча дастмояни бегона, қолаверса, ўзга юртнинг одамларига ишониб берса бўладими? Ризо

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

билан танишганига ҳали ярим йил бўлмади. Унинг кимлигини билмаса-да, ваъдасининг улдасидан чиқди. Икки юз килограмм тоза металлни текинга ташлаб кетди. Агар у фирибгар бўлганнида, чолнинг ҳамёнини шилиш ниятида бўлганда пул талаб қилган бўларди. Барон меҳмонларнинг таклифини рал этмасликка қарор қилди.

- Яхши, мен қизим билан маслаҳатлашиб кўраман. Ўйлайманки, у отасининг фикрини қуватлайди, - деди.

Чолнинг сўзлари меҳмонларни қувонтиргмаган бўлса-да, юракларидаги умидни сўндиримаганди.

Алёна отасининг сўзларини диққат билан тинглаб эътиroz билдириди:

- Уларга ишонманг, дада, - деди бошини чайқаб,  
- Кўринишидан иккиси ҳам товламачига ўхшайди.  
Пулга тушиб қоламиз!

- Адашдинг, оппоғим. Қоплон билан эски қадр-  
донман. Унинг дўстлари ҳам ўзига ўхшаган яхши  
одамлар бўлиши керак. Қолаверса, олдимга ёмон  
одамни бошлаб келмайди. Ризо бизга икки юз  
килограмм металлни текинга ҳадя қилди. Ундан  
қанча фойда топганимни ўзинг яхши биласан.  
Ризонинг мугомбирлигини сезмадим. Ўйлайманки,  
у бизни алдамайди!

- Қоплон бирор маротаба сизга панд бермаган.  
Сизни ўзининг устозидек яхши кўради. Ризони  
таниганингизга ҳали ярим йил бўлгани йўқ. У  
келтирган темир балки бизга қўйилган тузоқдир?  
Арзимас фойдага алданиб, миллионлаб маблағдан  
айрилиб қолмайлик.

- Сен янглишдинг, қизим. Ризо бизни алдайдиган

## Исҳоқжон НИШОНОВ

бўлганда каттароқ пул сўрарди.

Алёна отасининг хафа бўлганини сезди. Кўнглини оғритмаслик мақсадида ноилож рози бўлди.

- Агар сиз уларга шу қадар ишонган экансиз, нима ҳам дердим? Майли айтганларини беринг. Фақат қисқа муддат кўйинг.

Чол пулни олиб уйига қайтди. У қизидан олган долларларни Ризонинг олдига қўйди.

- Санаб олинг, юз минг!

Ризо пулга қайрилиб ҳам боқмади.

- Маҳмуд, ол, бунга сен жавобгарсан! - деди шеригига.

Барон эрталаб меҳмонларни кузатиб қўйди. Қайтиб келишган куниёқ Ризо пулларни ўзининг савдо-сотиқ ишларига ишлатиб юборди. Темир йиғиши хәёлига ҳам келтирмади. Рангли металл бу ерда ҳам анқонинг уруғига айланиб қолганди.

Орадан бир ой ўтди. Барон ташвиш гирдобига тушиб қолди. Ризонинг ишхонасига кўнгироқ қилди. Бироқ гўшакни кўтарадиган одам топилмади. Яна бир ой кутди. Ноилож Қоплонга сим қоқишига мажбур бўлди:

- Ризо металл олиб келаман, деб пул олиб кетганди. Ҳалигача дараги йўқ. Кўнгироқларимга жавоб бермаяпти.

- Мен билан маслаҳатлашмасдан унга пул бериб чакки қилибсиз, - хафа бўлди у.

- Сиздан илтимос, топиб гаплашинг, менга кўнгироқ қилсин!

- Албатта топаман, суҳбатлашаман, - чолни ишонтирди Қоплон.

У дўстидан қаттиқ дили ранжиди. Чолни «туши-

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР //

риб» келганига ўзини сабабчидек пушаймон бўлди. Кечки пайт унинг ишхонасига ўtdи. Ризо Қоплоннинг келганини деразадан кўриб турганди. Котибасига «йўқ», дегиздириб қайтариб юборди. Икки ҳафтача кўринмай юрди. Қоплон унинг ҳийла ишлататёганини сезди. Хонасига кириб борди. Ризо њеч нарса билмагандек уни кутиб олди.

- Бу қанақаси, Ризо, нега Баронни алдадинг? Лўлилар ёлғонни ёқтиришмайди. Тезда пулини қайтар! Акс ҳолда бошингга ит азобини солади!

- Бу гапни кимдан эшилдинг?! - аччиқланди Ризо. - Пулни чолнинг қўлидан Маҳмуд олган. Бу гапларингни бориб унга айт. Ўша тўласин. Мен ўртада турганман, холос!

- Барон пулни сенга ишониб берган! Қолаверса, металл олиб ўтиш фикри сендан чиқсан!

- Менга қара, Қоплон, қозиликни сенга ким кўйибди? Битта чол, деб ўртамизга совуқлик солмоқчимисан?

- Мен бирорларнинг ҳақини ейдиган текинхўрларни ёқтирамайман!

- Катта кетма, ҳар гапнинг жавоби бўлади!

- Айтган гапимга истаган жойингда жавоб беришга тайёрман! Ҳозироқ чолга қўнгироқ қил, кечирим сўра, пулни қайтар. Акс ҳолда... - Қоплонбек ўртадаги йигирма беш йиллик дўстлик пойdevори дарз кетиши мумкинлигини ўйлаб, газабини ичига ютди.

- Акс ҳолда нима қилмоқчисан? - ранги кўкарған Ризо ўрнидан туриб кетди. - Битта лўли чол, деб орамиздан ола мушук ўтсинми? Икки қулогинг билан эшил, Барон менга пул бермаган!

- Номард экансан! - Қоплон Ризонинг ёқасидан

## ||||| Исҳоқжон НИШОНОВ |||||

тутди. - Сенинг пасткашлигингни билардим, энди виждонсизлигинг ҳам аён бўлди! Агар пулни қайтармасанг, мендан яхшилик кутма!

Қоплон хонадан чиқиб кетди.

Ризо унинг феълини яхши биларди. Ноҳақликларни, бирорларнинг ҳаққига хиёнат қилганларни кечирмасди. Эсида: бир пайтлар унга кўп ёрдам қилган. Фирма очишида, ишларини ривожлантиришида кўмаклашган. Ҳатто сармоя ҳам берган. Ўшанда Ризонинг ишлари ҳақиқатдан ҳам юришиб кетди. Киссасидан пул сочилиб юрганда Қоплонни унуди. Борди - келдини эсдан чиқарди. Унинг ишларига аралашадиган, мижозларини ўз томонига оғдириб оладиган, ортидан бўлмағур гап-сўзлар тарқатадиган бўлди. Қоплон буни сезарди, аммо аччиқланмасди. Аксинча дўстининг иши юришаётганидан суюнарди... Лекин орадан кўп ўтмай Ризонинг ишлари чаппасига кета бошлади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатсизлиги билан мижозларни ранжитиб қўйди. Бошқа соҳаларда ҳам омад юз ўғирди. Банкротлик гирдобига келиб қолди. Бойваччалик даврида орттирган таниш-билишларининг, ошининг ёғини ялаган танишларининг олдига чопди. Бироқ ҳеч бири Ризога қайрилиб боқмади... Шунда хаёлига кекса лўли чол келди. Унинг қўли очиқлигини биларди. Юкни чегарада ушлаб қолишиб, «ўзим бир ой панжара ортида ўтириб чиқдим», деса, ишонар, кечирав. Олийжаноблиги тутиб, ҳақидан кечар, ишни қайтадан бошлаш учун дастмоя берар, деб ўйлади ва ниҳоят Баронга сим қоқди. Чол ундан аразлаганини сездирмади. Яхши муомала қилди.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Олдингизда уятли бўлиб қолдим, - деди Ризо худди Бароннинг рўпарасида турғандек юзи қизариб. - Кимдир бизни сотиб қўйибди. Чегарада тутиб олишди. Ўйлаб боқсам бу ишда Қоплоннинг қули борга ўхшади. Маҳмудга катта миқдорда жарима солишиди. Сиз хафа бўлманг. Ваъда ваъда. Заарни ўзим тўлайман. Бир ой кутинг. Ишни қайтадан бошлаймиз!

- Нега Қоплондан гумонсираяпсан? - сўради Барон.

- У юк олиб кетаётганимиздан хабардор эди. Бу ишинг яхшиликка олиб келмайди, деб айтганди...

- Балки янгишаётгандирсан, Қоплоннинг пасткашлик қилишига ишонмайман.

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, афуски гувоҳларим бор...

Бароннинг оқ оралаган қошлари чимирилди.

- Энди нима қилмоқчисан?

- Пулингизни қайтариб бераман. Аммо жиндай кутишингизга тўғри келади.

Ризонинг кўнғироқ қилганидан, қолаверса, пулни тўлайман, деганидан Бароннинг кўнглидаги шубҳалар ёйилиб кетди.

- Худо сенга инсоф берсин!

- Раҳмат, олдингизга Маҳмудни жўнатаман. Ҳамма гапни сизга айтади. Фақат бизни яна бир бор қўллаб юборасизда, амаки!

- Яна пул сўрамоқчимисан?

- Танишларим металлни қайтариб олиш учун озгина қистиришим лозимлигини айтишди.

Барон ўйланиб қолди. Кейин фикрини билдириди.

- Шу гапга ишоняпсанми?

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Ўртага ишончли одамлар тушган!
- Қанча металл бор?
- Уч тонна!
- Чакки эмас... У ҳозир қаерда?
- Чегарада!

Барон бироз ўйланиб турди. Ризо шундай синиқ овоз билан гапирдики, унинг сўзларига Барон ишонишга мажбур бўлди.

- Сизга илтимосим бор...
- Гапир!
- Ўртадаги гапларни Қоплонбек эшиитмагани дуруст...
- Маъқул! Сенга қанча керак?
- Юз минг!
- Катта пул, тушиб қолмайсанми?
- Айтдим-ку, ўртада ишончли одамлар турибди, деб!
- Ўйлаб иш қил!
- Юкни чегарадан ўтказиб бериштандан кейин тўлайдиган бўлдим.
- Яхши, Маҳмуд қачон келади?
- Икки кун ичида сизни топади.

\*\*\*\*\*

Ризо меҳмонни тоғдаги дала - ҳовлисига олиб кетди. Саиднинг болалиги тоғли қишлоқда ўтган бўлса-да, кейинчалик шаҳарга кўчиб кетганди. Туғилган гўшасига бормай қўйганига ҳам узоқ йиллар бўлганди. Ризо тоқقا олиб чиқаман, деганида қаршилик қилмаганининг сабаби шунда бўлса ажаб эмас. Иши тиқилинч бўлса-да, таклифини рад

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР //

этмади. Эрталаб енгил машинага ўтириб йўлга чиқишиди. Икки соатдан кейин тоғли қишлоққа етиб келишиди. Баланд-паст адирлар ва ниҳоят оппоқ қор билан қопланган чўққилар кўзга ташланди. Улар машинадан тушиб тепаликка пиёда чиқишиди. Бир ярим соат юришиди. Ризонинг далаҳовлиси шу ерда эди. Сайд қулочини ёйиб, ўпкасими тўлдириб нафас олди. Тоза ҳаво қалбига ҳузур олиб кирди.

Ризо азиз меҳмоннинг шарафига қўй сўйдирди. Овқат пишгунча уйча ортидаги темир қафасда боқилаётган бир жуфт бўри боласини томоша қилишиди. Бўричалар ёш эди. Икки ойлик ҳам бўлишмаганди.

- Бўри болалари-ку? - ҳайратдан қувониб кетган Сайд қафасга яқин борди. - Мунча ширин бўлмаса...

Меҳмон қўлини қафас ичига тиқди.

- Буларни қаердан тутдингиз? - сўради бултуруқлардан кўз узмай. Жониворлар унга ёқиб қолганди.

- Шу ерда ов қилиб юриб, бўри инига дуч келиб қолдим. Қарасам, арча даражтининг панасида она бўри оёқларини кериб, сутга тўлган елинини болаларига тутиб, эмизаётган экан. Уларга маҳлиё бўлиб қолибман. Бўри исимни олди шекилли, бетоқатланиб, тушмуғи билан болаларини туртиб, бошини кўтарди. Унинг қўзларини кўриб, кўрқиб кетдим. Шошиб милтиқни қўлимга олдим. Мўлжални хато олмаган эканман, она бўри ердан бир қулоч телага кўтарилиб, болаларидан анча нарига бориб тушди. Бўричалар ўқ овозидан қўрқиб, ётган жойларида қотиб қолишиди. Кейин оналарининг олдига чопқ-

## Исҳақжон НИШОНОВ

илаб борищди. Қоринлари тўймаган бўлса керак, қонга беланганд эмчакни оғизларига солиб сўришда давом этишди. Уларни ёнимга чақирдим. Фингшиб, акиллашиб келишди. Битта-битта бўйниларидан бўғиб, қопга солиб, шу ерга олиб келдим. Она сутисиз ўлиб қолса керак, деб ўйловдим. Яшашялти.

- Катта бўлса бирини менга берасиз? - сўради Сайд бултуриқлардан кўз узмай. - Уйимда боқаман.

- Янаги сафар келгунингизча катта бўлиб қолишади.

Бўричалар Саиддан кўра кўпроқ Ризога тикилиб туришарди. Уларнинг кўзлари совуқ ялтиради.

Зиёфатдан сўнг улар шаҳарга қайтишди.

\*\*\*\*\*

Султонхон қайтганда котиба Ризонинг хонасида меҳмон борлигини айтди. Аёл кутишдан ўзга чора-си йўқлигини тушунди ва деразанинг олдига курси кўйиб ўтирди. Кўзлари ташқарида бўлса-да, хаёли Қоплонбекда эди. Яқин ўртада унинг дилини ҳеч ким хуфтон қилмаганди. «Тилла бола»нинг сўзларини эслаганда танаси қизиб, асаблари тўзиради. «Вақти келиб сенга оёғимни ялатаман. Сен мишиқи ким бўлибсанки, мени жеркийсан?».

Султонхон ўзини босолмади. Ўрнидан туриб кетди. Шу пайт эшик очилди. Меҳмон чиқди. Ризонинг кўзи унда тўхтади..

- Султонхон шу ерда эканлар, - деди шеригига. Меҳмон аёлга юзланди. Ризо уни чақирди.

- Берироқ келинг!

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР ///

Аёлнинг қиёфаси ўзгарди. Ийманибина уларнинг олдига борди.

- Боя сизга айтган аёл шу киши бўлади, - Ризо меҳмонга Султонхонни таништириди. Саида у билан саломлашди.

- Сиз тўғрингизда яхши гапларни эшитдик, Султонхоним. Аллоҳ насиб қилса, сиз билан ҳамкорлик қилиш истагидамиз! - деди меҳмон юзига ярашиб турган соқолини силаб. У бошқа гапирмади. Хайр дегандек, бошини силкитиб пастга тушиб кетди.

Султонхон уни изидан кузатиб қолди. Сайднинг афти-ангоридан, тилидаги шевасидан ўзга юртдан келганини сезди. Ризо меҳмонни кузатиб, хонасига қайтди. Ортидан аёл эргашди. Йичари сигарета тутунига тўлганди. Ризонинг кайфияти чоғлиги юз-кўзидан сезиларди.

- Қандай янгилик олиб келдингиз, кўндиридингизми? - сўради Ризо жойига ўтирас экан.

- Кўнмади, - жувон қўлини силтаб деди. - Айиқдек қўпол экан. Мени ҳақоратлаб, эшигидан ҳайдаб чиқарди!

- Нима деди?!

Султонхоннинг афти қалампир чайнагандек буришли.

- Сиз одамларни талаётган ўғри, каззоб эмишсиз. Шунинг учун ҳамкорлик қилишдан ор қиласмиш!

Султонхон бу гапларни ошириб-тошириб айтди. Ризонинг юзидан қон қочди.

- Шундай дедими, нас?!

- Бундан баттар гапларни айтди! - жувон Ризонинг қалбида «Тилло йигит»га битмас - туганмас нафрат уйготмоқчи эди. Аммо фазабини оширади-

## ||||| Исҳоқжон НИШОНОВ |||||

ган сўз тополмади.

- У наснинг бизга илакиши маслигини билгандим. Аммо шайтон дилимга умид солиб, сизни жўнатишга мажбур бўлгандим. Хафа бўлманг, дунёда ҳар бир ишнинг интиҳоси бўлади. Мен ўйлаган режа амалга ошса, Қоплон бир ойдаёқ бор - бурдидан айрилиб, тўрва халтасини елкасига илиб, гадойдек тиланчилик қиласди.

- Уни менга қўйиб беринг! У билан ўзим ҳисобкитоб қиласман. Бундай одамларни тўрга илинтиришни яхши биласман! Оч қолган кўплакдай сёғими ни ялайди!

Ризо бошқа пайт бўлганда Қоплоннинг бу қилмиши учун ўч олишга ҳозирлик курган бўларди. Аммо Саид олиб келган хушхабар ҳозир бу тўғрида ўйлашга имкон бермасди. Унинг фикри меҳмон ваъда қилган бойлиқда эди. У хонимни юпатишга уринди.

- Сичқоннинг ўлгиси келса мушук билан ўйнашади, дейишади. «Тилло бола» биз билан ўйнашиб, омонлик топмайди. Биз ўзимизнинг нималарга қодирлигимизни кўрсатиб қўямиз. Аслида унинг олдига бормасангиз бўларкан. Бояги одам мен айтган каттанинг югурдаги. Катта бизга яхшигина иш таклиф қиласпти. Рози бўлсангиз нафақат чўнталингиз, балки уйингиз ҳам тиллога тўлади.

- Қандай иш экан? - Султонхон Ризонинг кўзларига термулди.

- Нозик иш, бу ишнинг тепасида ўзингиз турасиз!

- Юрагимни ёндиrmай айта қолинг?!

Ризонинг кўзлари чақнади.

- Бу йигит қўшни давлатдан. Катта деганимнинг

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

исми Мирхолдор. У билан беш йил бурун Москвада танишганман. Бой одам. Мени унутмабди. У «қорадори» билан савдо қиласы.

- Нашами? - Ризонинг сўзини бўлди аёл.
- Биззи тилимизда «дори» дейилади. - изоҳ берди «Бой ота».
- Бу хатарли иш, қўлга тушсак, турмада суюгимиз чириб кетади...

- Биламан, аммо хатарли иш, деб мўмай даромаддан қуруқ қолишимиз яхши эмас! Мирхолдор қудратли одам. Дунёнинг истаган бурчагида казо-казо дўстлари бор. Қўлга тушсак қараб турмайди. Шунинг учун бу фикрни миянгиздан чиқариб ташланг. Муҳими бизга тўлайдиган пулни ўйланг. Келажагимизни, эртанги порлоқ кунларимизни ўйланг. Сизни эшигидан кувиб солган Қоплоннинг хор-зор бўлишини ўйланг. Биз бой бўлсак, билингки, шу даражада қудратли бўламиз. Кучлилар олдида кучсизлар емишдир! Биз билан ҳамма ўйлашиб гаплашади. Мирхолдор бизга имконият яратиб бермоқчи.

Султонхонимнинг кўнглида бадавлат бўлиш истаги йўқ эмасди. У ҳам ўзининг рақиблари олдида бошини баланд кўтариб, хорижнинг донгдор машиналарида юришни орзу қиласди. Қаср уйларда ўтиргиси келарди. Аммо пулсизлик уни Ризонинг ҳузурига келтирмадими? Унинг хизматини қилишга мажбур қилмадими? Ҳатто унинг тўшагида тунаб қолишга мажбур қилмадими? Шундай экан, нега пулдан юз ўгириши керак? Мирхолдорнинг дўстлари қамоқдан кутқаришга қодир бўлса, бу ишдан қош қайтариб бўладими?

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Мен нима қилишим керак? - жувон Ризога юzlаниб сўради.
- Сизми, айтарли ҳеч нарса қилмайсиз, нима қилиш кераклигини Мирхолдорнинг ўзи олдига борганингизда қулоғингизга қуюб қўяди.
  - Ҳали мени унинг олдига жўнатмоқчимисиз?
  - Юрган дарё дейдилар. Шу иш баҳона четни кўриб келасизда...
  - Қачон жўнайман?
  - Бу ҳақда унинг ўзи хабар қиласди. Фақат сиз жўнашга шай бўлиб турсангиз бас.
  - Демак, ҳозирча аниқ гап йўқ, шундайми?
  - Ундай эмас, Султонхон, балки эртага хабар қилишар.
  - Қанча хизмат ҳақи тўлашади? - жувоннинг кўз олдига пул келди.

Ризо ўйланиб қолди. Тўғрисини айтса, ўзига тегиши мумкин бўлган улуш оз қолади.

- Бориб келишингиз уч юз доллардан!
- Уч юздан? - аёлнинг лаби буришди.
- Бошланиши, кейин кўпайтирамиз!
- Бу чой чақамга ҳам етмайди. Кўча супурсам ҳам бундан кўпроқ топаман!

Султонхон кўнмаса, Ризо каттанинг олдида бебурд бўлишдан чўчиди.

- Бу ҳаммаси эмас, - деди шошиб. - Хўжайн мукофот пули ҳам тўлайди.
  - Чайналмай, менга берадиганингизни айтинг!
- Хотин киши бўлсан ҳам дангал ишни ёқтираман!
- Ризонинг юзи қизарди.
- Яна икки юз долларини мендан оласиз, - деди овози титраб. - Жами беш юз доллар, розимисиз?!

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Бошқа одам топинг! Арзимас пулга мени сарсон қилманг!

Ризонинг тилини тош босди. Султонхон кетиб қолса, одам тополмаслигини яхши биларди. Ризо уни тўхтатди.

- Минг доллар оласиз! - деди овозини баландлатиб.

Аёл тўхтади ва ортига ўғрилди. Юзида бояги ғазаб қочган, майин табассумдан ёришиб кетганди.

- Бу бошқа гап, - деди. - Лекин бир шартим бор!

- Хўш?

- Қулга тушсам, қамалсам, қутқариш кимнинг бўйнида?!

- Ёмон хаёлларни каллангиздан чиқаринг, қўлга тушмасликни ўйланг. Ортингизда катта одамлар турганини ўйланг! Ҳар бир қадамингизни қурқмай, далил босинг!

- Энди топширифингизни тушунтиринг?

Султонхоннинг саволи катта пулни ваъда қилиб юборган Ризонинг асабларини қитиқлади. Шундай бўлса-да, ўзини қўлга олди. Унинг саволларига жавоб қайтариши, тушунмаган нарсаларини тушуниши лозимлигини ҳис этди.. Ахир аёлнинг хатарсиз бориб келиши Ризонинг ҳамёнига мўмай даромад келтиради-ку?!

- «Юк»ни Мирхолдордан олиб, поездга ўтирасиз, чегарадан ўтганингиздан сўнг каттанинг одамлари олдингизга келиб, ўргатилган сўзни айтишади. «Юк»ни уларга топшириб, изингизга қайтасиз.

- Уйгами?

- Уйни унунинг! Мирхолдорнинг олдига қайтасиз. Мана шу арзимас топшириқни бажарганингиз учун

## Исҳоқжон НИШОНОВ

сизга минг доллар ҳақ тұлаймиз.

- Ҳақимни кимдан оламан?
- Мендан!
- Үнгача нима қилай?
- Дамингизни олинг!
- Дам олиш күнгилга сиғармиди, энди хаёлим ўша томонда.

- Истасангиз бугун тоққа - дачамга олиб кетаман.  
Иккимиз маза қилиб чарchoқ чиқарамиз.

Ризо ўрнидан турди. Шкафдан конъяқ, шоколад ва тарелкачада майдаланган қазини олиб, стул устига қўйди. Пиёлага ичимликдан қўйиб, Султонхонга узатди.

- Нима учун ичамиз? - сўради аёл «Бой ота»нинг кўзларига тикилиб.

- Сизнинг соғлигингиз учун, - деди Ризо.
  - «Тилло йигит»нинг қони учун!
- Улар пиёлаларини уриштиришди.
- Бугуноқ одамларимга топшириқ бераман. Улар Қоплоннинг изига тушишади. Бир ойдаёқ у сирли равишда йўқолади.

Султонхоннинг чехраси ёришди. Бўйини чўзиб, Ризонинг юзидан ўпди.

- Бу йигит сўзингизми?
  - Шу пайтгача сизни алдаганманми?
  - Негадир ишонгим келмаяпти!
- Ширақайф Ризо пўлат сандиқ олдига борди.
- Мени ранжитяпсиз...
- Ризо сандиқдан тўппончасини олди.
- Мана шу тўппончадаги ўқлардан бирини «Тилло йигитга»га атаб қўйганман...
- Султонхон Ризони бағрига босди.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Ишондим, арслоним, ишондим! Мардлигингизни, дагарлигингизни билардим! Лекин азизим, бир нарсани унутманг, уни отиб ўлдирсангиз, тўс-тўполон кўтарилади. Мелиса бутун шаҳарни авра-астарини чиқариб ташлайди. Менинг хаёлимга бошқа фикр келди.

- Хўш, ақлли каллангизга қандай фикр келди?
- Аввал юзтадан отайлик, бургутим!

Ризо пиёлаларга ичимлик қуиди. Султонхоним қадаҳни қўлига олди.

- Кўтардик!

Ўйлайманки, менинг режам сизга маъқул кела-ди, - деди Султонхон бир парча қазини Ризонинг оғзига солар экан. У шароб томчилари ўтириб қолган лабини чўзиб, аёлнинг упадан оқарган юзи-га босди.

- Режангизни айтинг? - «Бой ота» бироз қизарган, сузилган кўзларини аёлга тикди. Унинг қизиқиши-ни кўзларидан билса бўларди.

- Душманинг сиртида эмас, ичида бўл, деган мақолни эшитганмисиз? Бу гапни бошидан ўтган-лар, биз каби душмандаридан озор чекканларга нисбатан айтилган. Қоплоннинг идорасига ўз одам-мимизни жойлаштирамиз. Унинг сирларини била-миз, шу йўл билан нима ишлар қилаётганлигидан хабар топамиз, илдизини қуритамиз, вассалом!

Ризонинг юзи ёришиди.

- Сизнинг каллангиздан ҳам яхши фикр чиқар-кан, Султонхоним. Таклиф ўринли. Сиз айтган ўша одамни ўзим топаман!

- Лекин хотин киши бўлиши шарт! Аёллар макрга уста бўлади.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Мен ўйлаган одам ҳам аёл.
- Ландавур бўлмасин!
- Унда сиз билмаган ҳийлалар бисёр.
- Ким экан?
- Билишингиз шартми?

Бу гал Султонхоннинг ўзи пиёлаларга шароб қуиди.

- Балки танирман?
- Эҳтимол.
- Кўтардик!

Улар яна пиёлаларни бўшатишиди.

Ризо Шарофатни назарда тутганди. Ўч-тўрт йил бурун у Ризонинг фирмасида фаррошлик қилганди. Кўл-оёғи эмас, тили ҳам чаққон эди. Ризо уни идорадаги ходимлари ўртасида бўлиб турадиган хуфя ишлардан хабардор қилиб туриш шарти билан ишга олганди. Афсуски, Шарофат кўп ишламади. Уйини сотиб, Қоплоннинг ишхонасига яқин жойга кўчиб кетганди. Ҳозир душманининг фирмасида ишлаётганидан хабар топганди.

- Унинг исми Шарофат! - деди Ризо аёлнинг қиёфасини кўз олдига келтириб. - Илгари қўлимда ишлаган!

- Мен танимас эканман, - жавоб қилди жувон бироз ўйланиб тургач.

- Эртага чақиртираман, қўрасиз!

Султонхоннинг кўнгли тўқ эди. Ўч олишни Ризо зиммасига олди. Энди пул топишиш йўлини ўйлаш керак. Чегарадагиларни, божхона ходимларининг эътиборига тушмаслик ҳамда ўзида шубҳа уйғотмаслик учун нима қилиш керак? Кутилмаганда миясига келган фикр уни ҳамма жазодан сақлаб қолади-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

гандек эди. У Ризога юзланди.

- Қонунда ҳомиладор аёлларни қамамаслик тўғрисида модда бор эмиш. Шу гап чинми?

Ризо мийигида кулди.

- Ҳомиладормисиз?

- Ҳозирча йўқ, аммо тез орада ҳомиладор бўлишим мумкин!

- Болангизнинг отаси ким бўлади ?

- Саволингиз қизиқ, - кулди Султонхон. - Сиздан ўзга менинг шайдойим бормиди, шунқорим...

\*\*\*\*\*

Тоғдан қайтгандан сўнг Ризо машинасига ўтириб, Шарофатнинг уйига жўнади. Совғани хуш кўришини биларди. Бозорга кириб, майда-чуйда харид қилди. Қўлида иккита халта кўтариб собиқ ходими-нинг эшигига пайдо бўлди. Шарофат ишдан яқинда қайтганди, Ризони кўриб, қувонди.

- Қайси шамол учирди сизни, Ризожон? Наҳотки, мени унутмаган бўлсангиз?

- Сизни унутиб бўлармиди, опажон. Икки-уч йил бирга ишлаб, чойингизни ичганман!

- Минг бор қуллиқ, иним. Мен ғарибни йўқласангиз, сизни Эгам қўлласин!

- Олдингизга кичкина илтимос билан келдим, опажон, - деди Ризо ичкарига киришгандан кейин.

- Кечаю-кундуз хизматингиздаман!

- Ҳали ҳам Қоплоннинг идорасида ишлайпсизми?

Ризо Қоплонни ёқирмаслигидан Шарофат хабардор эди, ўпкалагандек гапирди.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Не қилай, иним, иш тополмай ўша ерда фаррошлиқ қиляпман!

- Яхши ҳақ тўлаяптими?

- Кўлда берганга күш тўймас, деганлар, иним. Эрталабдан кечгача белим саккиз букилиб, саккиз ёзилиб, юз минг оламан. Рўзгорга учма-уч етяпти.

- Оз-ку, опа?

- Бошқа ишга ярамасам, ўлганимнинг кунидан қимиirlаб турибманда, иним!

- Хафа бўлманг, опа, энди ўзим сизни ёлғизлатиб қўймайман, Бугундан эътиборан муҳтожлик сезмайсиз!

Бу сўзларни эшишиб, Шарофат опанинг кўзлари ёшдан намланди.

- Илоҳим умрингиз узоқ, мартабангиз янаем зиёда бўлсин, иним!

Ризо ниятини айтди.

- Хабарингиз бор, Қоплон икковимизнинг ўртамиздан оламушук ўтган. Қисталоқнинг ёши бир жойга бориб қолсаям эси кирмайди. Чаёндай пайт пойлаб, зиён етказишга уринади. Куни кеча одамларимдан бирини хапа қипти.

- Бурни шишиб қолган-да, иним. Пул қутуртирган. Ўтган куни шаҳарнинг катталаридан бири келиб, икки соатча гаплашиб ўтириди. Нимани бунчалик узоқ гаплашиштыйкин, деб сўзларини тингласам, бу Қоплон дон комбинатининг акцияларини сотиб олаётганмиш. Келган одам акцияларни менга беринг, деб Худонинг зорини қилди. Бағри тош экан, кўнмади.

- Қўлида қанча акция бор экан, билдингизми? -  
Бу Ризо учун кутилмаган янгилик эди.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Бизга айтармиди, иним, - маъюс оҳантда жавоб қилди уй эгаси.
  - Билишга ҳаракат қилинг! Бу мен учун муҳим.
  - Қийин иш-да, Ризобек. Майли сазангиз ўлма-син, кўлимдан келганча ҳаракат қилиб кўраман!
  - Кўлингиздан келганча эмас, опа, жонингиз чиққунча урининг! Бундан ташқари, хонасиға кимлар кириб чиқаётганини, нима ҳақда гаплашганини ҳам менга етказиб турсангиз!
  - Зиммамга оғир ишни юклаяпсиз, айланай. Бу топшириқларингизни бажариш кўлимдан келмасмикин...
- Ризо ҳамёнини ковлади. Бир боғлам мингталикни Шарофатнинг олдига ташлади.
- Камингизга ишлатарсиз...
  - Барака топинг, иним. Доим оғир кунларимда ёрдам берасиз-да. Менга бирни берсангиз, Яратган эгам сизга мингни юборсин!
  - Хонамнинг эшиги сиз учун доим очиқ, опа. Бирор янгилик эшитсангиз, ўша заҳотиёқ мени хабардор қилинг!
- Шарофат оғзини Ризонинг қулогига яқин келтириб, деди.
- Икки кун ичида Қоплон акцияларини қаерда сақлаётганидан хабар топасиз! Хи.. хи.

\*\*\*\*\*

Қоплон йигитлари билан гаплашиб бўлгач, вақтлироқ уйига кетмоқчи эди. Бироқ котиба қишлоқдан келган мўйсафид хузурига кирмоқчи бўлиб турганини айтди.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Қаердан келибди?
- Ўзингизни қишлоғингиздан экан, - деди котиба.
- Ёрдамчимга учрасин!
- Айтдим, кўнмади. Ўзига айтадиган гапим бор, деди.
- Кирсин!

Юпун кийинган муйсафид кирди.

- Мумкинми, ўғлим, - қария озғин гавдасини қўлидаги асога ташлаб ичкарига кириб келди.
- Келинг, ота!

Қоплон ўрнидан турди, чолнинг билагидан тутиб, столга ўтказди.

- Хизмат?! - у мўйсафидни танимади.

Қишлоқдаги қариялар Қоплоннинг олдига тез-тез келиб туришар, қишлоқни ободонлаштиришда ёрдам сўрашарди. Қоплон уларнинг уларнинг сазасини ўлдирмай, кўнгилларини олар, қўлидан келганча ёрдам берарди. Бироқ чолнинг бошқа юмуши борлиги юз-кўзларидан сезилиб турарди. Нимадандир безовта эди.

- Олдингга бир ташвиш билан келдим, болам,
- Хуш келибсиз, ота, - Қоплон пиёлага чой қуиб, чолга узатди. У чойдан хўплаб, нафасини ростлаб шундай деди:

- Уч ой бурун катта ўғлимни уйлайман, деб Хайриддин дўкончидан беш юз минг қарз кўтарувдим. Кеча пулини қистаб келди. Бузофим бор эди, шуни сотиб, пул қилдим. Қарзимни кўтариб борсам олмади. Мен сенга «процент»га берувдим, яна икки юз минг қўшасан, деб оёқ тираб олди. У десам кўнмайди, бу десам кўнмайди. Охири келин-куёв ўтирган уйнинг томини кўчириб кетаман, деб туриб

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

олди. Шиферни күчирса, қудалар олдида шарманда бўлиб қоламан, ўелим. Хайриддин деганларининг бошлиғи ўзимизнинг қишлоқдан чиққан Ризо исмли йигит эмиш. Унинг олдига ҳам ўтдим. Даюс қўпол бола экан, гапимга қулоқ солмади. «Олгандан кейин тўлайсан-да, йўқса кечқурун йигитларимни жўнатиб томингни бузаман», деб ҳайдади. Одамларга нима бўляпти, ўғлим? Инсоф, диндиёнат қолмапти.

Қариянинг гаплари Қоплоннинг кўнглини тўнтарди. Ризонинг худбинлигидан нафрати қўзиди. Арзимаган пул деб, отасидек улуг ёшдаги мўйса-фиднинг дилини оғритиш пасткашликтининг ўзи эди.

- Сиз хафа бўлманг, ота. Томингизни ҳеч ким бузмайди! Мен йигитларимга айтаман, улар Хайриддин билан гаплашишади.

- Раҳмат, болам. Илойим камлик кўрмагин! Худо умрингни зиёда қилсин.

Қоплон котибани чақирди.

- Жабборни топинг!

Жаббор кирди.

- Отахонни уйларига ташлаб қўй. Хайриддинни топиб айт. Агар томдан битта мих кўчса, сочини юлиб оламан, бир сўм ҳам фоиз олмайди!

- Хўп бўлади!

Жаббор чол билан қишлоқقا қайтганда шом бўлганди. Эшик олдида Хайриддин турарди.

- Келдингизми, бобой. Ярим соатга кечикканингизда томда бир дона ҳам шифер қолмасди. Пул қани, олиб келдингизми? Тезроқ узата қолинг. Ишим бошимдан ошиб ётибди. Бошқа одамлар билан ҳам учрашишим керак.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

Хайриддин Жабборни танимасди. Унга қайрилиб ҳам қарамади. Жаббор машинадан тушди. Хайриддиннинг олдига келди.

- Отaxonда қанча ҳаққинг бор? - сўради.
  - Икки юз минг!
  - Икки юз минг берганмидинг ёки бу фоизими?
- Хайриддин бир чолга, бир Жабборга қаради.
- Фоизи, - деди дудуқланиб.
  - Фоизини олмайсан, тушундингми?-

Хайриддин пўрим кийинган бу йигитни милициядан бўлса керак, деб ўйлади. Ортида Ризо борлинини, кимдир хафа қилса у кор келишини ўйлаб, ўзини қўлга олди.

- Сиз кимсиз?
- Танимадингми?
- Кўрмаганман!
- Мен Жабборман, «Тилло йигит»нинг ёрдамчиси!

Хайриддиннинг лабида масхараомуз табассум пайдо бўлди..

- Нега бизнинг ишимизга тумшуғингизни сукъпиз? «Бой ота» эшитиб қолса, сизларни кечирмайди!

- Гапни айлантирма, - деди Жаббор унинг сўзини кесиб. - Ҳозироқ бу ердан қорангни ўчир! Яна отахонни хафа қилганингни эшитсам, ўзингга қийин бўлади!

- Кўрқитиб юбордингиз-ку, Жабборбек, - Хайриддин унга таслим бўлишни истамасди.

- Гапимни тушунмадингми? - Жаббор Хайриддин томон хезланди.

Жабборнинг важоҳати қўрқинчли эди. Судхўр

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

бошини чайқаб, машинасига ўтирди. Қария дуога кўл очди.

- Умрингдан барака топ, болам!

Жаббор қоронғу тушганда идорага қайтди. Қоплон кетган бўлса қерак, деб ўйлаганди. Қоровул унинг шу ердалигини айтди. Жаббор тепага кўтарилиди.

- Нима гап, тинчликми ? - Жаббор бошлигининг ёнига ўтирди.

- Орифни мелиса олиб кетибди. - деди Қоплон маъюс оҳангда.

- Бирор айб қилгандир-да?

- Ёнидан наша топишибди.

- Наша? У чекмасди-ку?

- Мен ҳам шунга ҳайронман, - деди Қоплон уфтотриб.

- Шериклари бор эканми?

- Ҳозирча номаълум. Ҳар қалай ёлғиз бўлмаса қерак!

- Бу иш атайин уюштирилмадимикин? - деди Жаббор бироз жимлиқдан сўнг.

Қоплоннинг қошлари чимирилди.

- Ким уюштирган бўлиши мумкин?

Жаббор тахминини айтди.

- «Бой ота»нинг иши бу, кўнглим сезиб турибди. Ахир у сендан ўч олиш учун бундай пасткашликка боришдан ҳам тоймайди. Айниқса, ўтган ҳафта олдингта келган сатанг хотинни ҳайдаб чиқарганинг унга ёмон алам қилган!

- Алами бўлса, мендан олмайдими, нима қиласи одамларимга осилиб. Агар бу ишда «Бой ота»нинг кули бўлса, уни соғ қўймайман. Онасининг қорни-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

дан тушганига пушаймон едираман!

- Ўзингни бос, Қоплон, бу ишда шошма-шошарлик кетмайди. Ориф билан сұхбатлашай, ким билан бирга бўлганлигини аниқлай...

- Унгача мен ич-этимни еб, ўзимни ўзим қуртдай кемириб адо қиласман. Ҳамма нарсага чидасам ҳам ноҳақликка, одамларим мен туфайли қийналишига чидаёлмайман.

Жаббор унинг ҳолатини тушунди.

\*\*\*\*\*

Ризо кейинги пайтда Қоплонни қанчалик ёмон кўриб қолган бўлса, нефть базаси директори Фозил Жамоловни ҳам шунчалик ёқтирасди. Уни ўз чилдирмасига ўйнатиш йўлини изларди. Бироқ Жамолов унга яқинлашишни истамасди. Бир-иккита илтимосини ўнчаки бажарди, аммо кейингиларини очиқчасига рад этди. Шундан кейин Ризонинг юрагида қасос алангаси ўт олди. Пинҳона равишда унинг изига одамларини солди. Улар бир иш чиқаришолмагач, олдига ўзи кириб борди.

- Менга иккита машинада юк қилиб берасан! - деди.

Директор қачондир унинг шу мақсадда кириб келишини биларди.

- Ўн тонна ёқилғи қарзингиз бор. Шу ой тўлашингиз керак!

- Бу менга нисбатан ишончсизликми? - Ризо асабийлашди.

- Қандай тушунган бўлсангиз, шундай қабул қилинг!

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Пулинг кўпайиб, кўзингни шира босиб қолибди, чоғи?
- Мен давлат мулкини талон тарож қилмайман!
- Ҳали сен ўзингни давлат билан тенг қилиб кўрсатмоқчимисан?
- Менинг идорам давлатнинг бир парчаси!
- Парчаси эмас, қаламушиман, десанг тўғри бўла-ди!

Бу гап Жамоловга ҳақоратдек таъсир қилди. Ўрнидан туриб кетди.

- Сен ўзи кимсан, ҳаммани ўғри, қаллоб дейсан. Ўзингнинг кимлигингни биласанми? Нари борса битта судхўр, фирибгарсан. Сенинг топшириғингни бажарадиган, ҳар гапингга «хўп бўлади», лейдиган аҳмоқ йўқ. Хонамни бўшатиб қўй.

Мулзам бўлган Ризо юрагида муштдек адоват билан чиқиб кетди. Шундан кейин яна унинг пайига тушди. Одамларини ишга солди. Лекин уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмади. Алам ўтида қовурилиб юрган кунларнинг бирида вилоят нефть базаси директори ишдан бўшади. Ўрнига Ризонинг таниши Собир ишга тайинланди. Ризо катта совсалом билан унинг уйига борди. Гап орасида Жамоловни косовга илиб, кулга санчиди.

- Жамолов ўзининг ёқилғи қўйиш шаҳобчасига ҳар куни икки машина бензин тўқтириб сотади. Пулининг ярмини ҳам кирим қилмайди. Бунинг ўрнига фермер ва ташкилотларга бериладиган ёқилғининг бир тоннасидан юз литрдан уриб қолади, - деди у ҳаммасини ўз кўзи билан қўргандек.

- Шу одам менга ҳам ёқмади. Назаримда столда узоқ йил ўтириб қолганга ўхшайди. Ҳамма бошлиқ-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

лар келиб, қутлаб кетишиди. Жамолов телефон қилишдан нарига ўтмади. Бир ой ўтсин, ўзим танобини тортиб қўяман!

- Ўрнига одам топаман. Хизматингни қилиб юради.

- Бирорта ишончли одаминг борми?

Ризонинг кўз олдига Баҳром исмли таниши келди.

- Ишга олсанг пушаймон бўлмайсан. Бир сўм сўрасанг, беш сўм ташлайди. Дастурхони бор.

Собир унинг таклифини рад этмади.

- Сен айтганча бўлсинг, аммо ой охирида олдимга кириб туриш эсидан чиқмаса бўлди!

- Ўзим кафилман! - деди Ризо қўлларини бирбирига ишқалаб.

Ризо ишхонасига қайтгандан сўнг Баҳромни йўқлади.

- Нимага чақиртирганимни биласанми?

- Сиз мени ҳамиша яхши ниятда чақирасиз-да, «Бой ота», - деди вужудини қамраб олган қўркувни яшириш мақсадида.

Ризо совуқ кулди.

- Ернинг тагида илон қимиirlаса биласан, итвачча!

- Бу сизга содиклигимдан, «Бой ота», - ялтоқланди Баҳром.

- Содиклигингни исботлайдиган пайт келди.

- Буюринг...

Ризо қаршисидаги йигитни истаган йўлига солиш мумкинлигига ишонди.

- Идорада ишлар яхши эмас, Баҳром.

Баҳром бошини кўтарди. Ризонинг сўзлари унинг

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

қулогига маслаҳат оҳангига айтилгандек эшитилди.  
Чеҳраси очилиб, кўнглидаги ҳавотир тарқалди.

- Билибсиз, «Бой ота», идорадаги ишлардан ўзим  
ҳам сизни хабардор қилмоқчи бўлиб юргандим.
- Гапир

Баҳром шошилганидан афсусланди.

- Хўжайнинг нафси шаталоқ отиб кетди.  
Кунига иккита машинада ўзининг шаҳобчасига  
ёқилғи чиқаради.

- Пулинин кирим қиласими?
- Буниси ёлғиз Худога аён!
- Бойиб кетди. Бизларни назарга илмай қўйди!
- Билибсиз, «Бой ота».
- Уни йўқотиш учун нима қилиш керак? -  
Илондай айёр бўлган Ризо унинг кўнглига қўл  
солди.

- Атрофимизга содик одамларни тўплашимиз  
зарур, бой бува.

- Яна нима қиласми?
- Баҳром «Бой ота»нинг мақсадини тушунмади.
- Еқилғиларга керосин кўшиш керак...
  - Яна нима қилиш лозим?
  - Хўжаликларга берилаётган ёқилғилардан оз-  
оздан чўтал қилиш шарт.
  - Ақдингга тасанно, боқса одам бўласан!
  - Энди, сизга тўғрисини айтсан, «Бой ота»,  
Жамолов, шу узоқ ишлаб қолди-да. Иложи бўлса  
ўрнига бошқа одам топсакмикин дейман!

- Мўлжалингда кимни қўйсак бўлади? - Баҳром-  
нинг кўнглини овлашда давом этди Ризо.

У бундай саволни кутмаганди.

- Мен бандай ожиз, кўнглингиздаги одамни

## Исҳоқжон НИШОНОВ

қайдан билай?

Ризо кулди.

- Биласан, Баҳром, биласан, сен итвачча ернинг тагида илон қимирласа биласан! Ҳатто қачон ўлишингни ҳам биласан! Тилинг бошқа, дилинг бошқа!

Ризонинг сўзларидан унинг кўнгли оғримади. Юраги қандайдир хушхабарни сезгандек эди.

- Унчалик деманг, «Бой ота».

Ризо кўзларини қисиб, Баҳромга тикилди.

- Жамоловнинг сафари қариди, итвачча! Яқинда бўшайди, ўрнини сен эгаллайсан!

- Мен-а? Ҳазиллашманг, «Бой ота»! - Баҳром бу сўзни тил учида, шунчаки айтган бўлса-да, юраги шодликдан яйраганини юзига ёйилган табассум ошкор айлади. - Мени бошлиқ бўлишимга ҳали бор!

Ризо унинг гапига аҳамият бермади.

- Билиб қўй, курсида сен ўтирасан, имзо чекасан, ишни эса мен бошқараман! Ишқал чиқарсанг, кўлга тушсанг, жавобини ўзинг берасан! Тушундингми? Одамларим менинг номимдан гапиради. Уларнинг талаби менинг буйругим!

- Сиз нима десангиз шу, «Бой ота»! Тепамда сиз турсангиз бас.

- Эртадан бошлаб корхонада нима ишлар бўлиб турганидан мени хабардор қиласан. Кейин битта юмалоқ хат уюштирасан. «Жамолов ўзининг ёқилғи қувиш шаҳобчасига ҳар куни икки машинадан бензин олиб чиқиб кетади, аммо пулини кассага кирим қилмайди», деган мазмунда, тушундингми?

- Буни текширишадими, «Бой ота»?

- Думалоқ хатни ким ҳам текшириарди, аммо

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

Жамоловни ишдан олиш учун дастак бўлади. Тушундингми?

- Тушундим, «Бой ота»!

Баҳром ўрнидан турди, Ризонинг қулини ўпиб, чиқиб кетди.

Ризо мақсадига эришди. Орадан бир ой ўтиб, Жамолов бошқа ишга ўтказилди. Ризо ўша пайтнинг ўзидаёқ Баҳромни чақирирди.

- Эртага ишга яхшироқ кийиниб бор, - деб тайинлади.

Эртаси куни Баҳром янги кўйлак кийди. Шимини дазмоллатди. Бўйнига талабалик даврида тақиб, сандиққа солиб қўйган бўйинбогни боғлади. Худди амалдорга ўхшаб қолди. Ишга ҳам ҳаммадан вақтли келди. Уни қандайдир хушхабар кутаётгандек эди.

- Уйланмоқчимисиз, Баҳром ака, - ҳазиллашди котиба қиз. - Худди куёв йигитлардек ясаниб олибсиз - а! Лекин нега соқолингизни қирдирмадингиз?!

Баҳром кўллари билан иягини силади. Соқол олиш эсига келмаганидан афсусланди.

- Сенга ўхшаган жонон бўлганда йўқ, демасдим,  
- Баҳром ҳам ҳазил қилмоқчи бўлди. Лекин котиба қовоғини солиб олди.

- Учта болангиз бўлсаям эс кирмабди, - деди лабини буриб.

Баҳром индамади. Лекин «Бу гапинг учун ҳали пушаймон бўласан, ойимтилло. Бугун бошлиқ бўлишимни билмайсанда, акс ҳолда бу гапни айтманг бўлардинг. Хуш келибсиз, Баҳром Ҳамидович, деб ёнимда капалакдек лилдирадинг», деб пичирлади.

Жамолов идорага кечикиб келса-да, ходимлари-

га, жумладан, Баҳромга ҳам тегишли топшириқларни берди. Баҳром ўзи кутган воқеа бўлмаганидан «Ризо айниб қолгандир», деган фикрга келди. Тушдан кейин ишчилар ўз жойларида хизмат қилишди. Иш вақти охирлаб қолганда Баҳромнинг умиди саробга айланди. Бироқ ишчилар уйларига жўнашаётганда котиба уларни йигилишга чақириб қолди. Баҳромнинг юраги патиллади. Наҳотки, Ризонинг гали рост бўлса?

Йигилишда орқароқда ўтирди. Вилоят нефть базаси бошлиғи йигилишни очиб, режалалар бажарилмаётганлигини, ходимлар ўртасида тартиб-интизом издан чиққанини гапирди. У қисқа гапирди, сўзининг охирида Фозил Жамоловнинг «бетоблиги боис» ўз илтимосига биноан ишдан бўшаётганини, унинг ўрнига шу жамоанинг иқтисодчиси Баҳром Жўраев раҳбар этиб тайинланганини эълон қилди.

Эртаси куниёқ Ризонинг югурдаклари база атрофига айланиб қолиши. Улар кимни ишдан четлашиб, кимни янги лавозимга қўйиш тўғрисида Ризонинг топшириғини янги бошлиққа етказиши. Шаҳардаги шаҳобчаларга фақат Ризонинг кўрсатмаси билан маҳсулот бериладиган бўлди. Ўзи ёқтирамаган, шу жумладан, аввалги бошлиқнинг шаҳобчасига маҳсулот берилмаслигини айтиши. Ризонинг мақсади шу йўл билан рақобатдош шаҳобчаларни сотиб олиш эди. Қайсиdir томондан у мақсадига ҳам эриши. Баъзиларини арzon - гаровга харид қилди. Ўғирлик ёқилғи унинг шаҳобчаларида сотила бошланди.

Ризо Жамоловни ишдан бўшаттириб, ўч олган бўлса-да, бу билан алами босилмади. Бир пайтлар

## ///// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР /////

жанжаллашиб қолишганида «сени кафангадо қиламан», деб айтган гапи бот-бот ёдига тушиб қоларди. Ризонинг дили хуноб бўлиб юрган кунларнинг бирида олдига Султонхон кириб келди. Ўзининг бозори касодга учраб, кўп жойлардан қўли қинғирлиги туфайли ишдан ҳайдалган бу аёл Ризодан паноҳ сўраб келганди. Ризо унга қули пул санацдан толмайдиган юмуш топиб беришига ишонарди.

- Сиз бол иш бор, - деди унинг келганидан хурсанд бўлган Ризо. - Факат бу сир сақланиши шарт!

- Ўша сир сақланадиган иш нима экан? - ҳайрон бўлди Султонхон.

- Нозик иш, бу ишни уддаласангиз, иккимиз миллионерга айланамиз.

Султонхоннинг қизиқиши ортди.

- Айта қолинг тезроқ, кутишни ёқтирмайман?

- Фозил Жамоловни танийсизми?

- Қайси Жамолов?

- Нефть базанинг илгариги бошлиғи-чи?

Султонхон уни танимасада, аммо эшитганди.

- Хўш?

- Одамларимнинг айтишича, унинг уйида бир килограмм тилласи, беш юз миллионга яқин пули бормиши,

- Шу гапга ишондингизми? - ҳайрон бўлди Султонхон.

- Ишончли одамлар етказишиди.

- Ўша одамлар бойликни қаерга беркитганини айтишмадими?

- Афсуски, уларга кўрсатмаган экан, - бош чайқади Ризо.

## Исҳоқхон НИШОНОВ

- Одди-қочди гапларга ишонманг, - деди Султонхон. - Жамоловни кўрмаган бўлсан ҳам у ҳақда яхши гап эшитганман, пул тўплайдиган одати йўқ. Бирордан олмайди ҳам бермайди ҳам. Ойликка кун кечиради.

- Нефть база қайнар булоқ, бойиш манбаси эканлигини кичкина бола ҳам билади. Ўн йил «қора олтин» ичидаги юради-ю пул жамғармайдими? Анчагина бойлиги бор, фақат ўзини камсуқум қилиб кўрсатиб юради. Бир эмас, иккита «заправка»си бор. Уша ердан ҳам оламжаҳон пул ишлаган.

- Беркитган жойини айтинг? Бир кунда тозалаймиз.

- Билганимда ҳозиргача ўзим тозалаган бўлардим, афсуски, кўрмаганман!

- Унда нима қилиш керак? - Султонхон «Бой ота»нинг мақсадини билишга қизиқди.

- Хийла ишлатишга тўғри келади. Шундай найранг ўйлаб топайликки, Жамоловнинг ўзи хазина яширган жойни фош қилсин!

Султонхон Ризонинг айёrona кулиб турган кўзларига боқди-ю бу иш яхшиликка олиб келмаслигига ақли етиб, бошини чайқади. Ризо унинг мақсадини тушунди.

- Ҳозир ҳаммамиз пул, деб яшаяпмиз. Пул - бу обрў, ҳурмат! Пулинг бўлмаса, ҳеч ким эмассан. Бирор ҳурмат қўлмайди, олдингда қўл қовуштириб турмайди. Уйнинг тўри, дастурхоннинг гули ҳам пулдорники! Шундай бўлгач, пул топиб, бойлик орттиришимиз керак-да. Дунёда ҳеч ким меҳнат қилиб, ҳалол яшаб, бойимаган. Агар Жамоловнинг хазинасини қўлга киритолсак, билингки, итимиз-

## /// / ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР // //

нинг идиши ҳам олтиндан бўлади!

Пулни жонидан ортиқ яхши кўрадиган Султонхон учун бу гаплар мойдек ёқди. Уни бу ерга судраб келган нарса ҳам пул ишқи эди. Ризо билан ишласам, пул топсам деб ниятлаганди...

У режани амалга оширишга рози бўлди.

Фозил Жамолов тун ярмида ухлашга одатланганди. Боши ёстиқقا текканида кўча эшик тақиллаб қолди. Ўрнидан туриб ташқарига чиқди.

- Ким у? - Дарвазани очмасдан сўради Жамолов.
- Менман, ўғлингизнинг тарбиячиси!
- Жамоловнинг кичик ўғли лицейда ўқирди. Шошиб эшикни очди. Қархисида бегона аёл турарди.
- Тинчликми? Нима гап?
- Ўғлингизнинг тоби қочиб қолди. Докторлар касалхонага олиб кетишиди.
- Нима бўлди, қаери оғрияпти?! - шошиб сўради Жамолов.

- Кўнгли айнияпти. Шифохонага бориб, докторлар билан ўзингиз гаплашсангиз яхши бўларди.

Жамоловнинг хаёли ўғлига кетди. Аёл келган машинага ўзини урди. Кабинада ҳайдовчидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Жамолов ундан тезроқ юришини илтимос қилди. Машина қишлоқдан чиқиб, овлоқ жойга келганда тезлигини пасайтирди.

- Нима гап? - сўради бетоқатланиб ўтирган Жамолов.

- Суви тугабди...

Машина тўхтар-тўхтамас орқа эшиклар очилди, икки ёндан икки нотаниш йигит ўзини ичкарига урди. Жамоловни ўртага олишиди. Шундагина у қопқонга илинганини, қаршилик кўрсатиш фойда-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

сизлигини тушунди. Бу ерда жонига ким ҳам оро киради?

- Мендан нима истайсизлар? - суради Жамолов йигитлардан. Уларнинг ўрнига Султонхон жавоб қилди.

- Сиздан кўп нарсани сўрамаймиз, муҳтарам бошлиқ. - Битта илтимосимиз бор!

- Сўра!

- Эллик миллионга муҳтоjemиз. Кўллаб юборасиз, деган умиддамиз!

- Эллик миллион? Шу ёшга кириб бунча пулни кўрмаганман!

- Камтарлик қилманг, бошлиқ. Шунча пулни кўрмаганингизга ишонамиз, бироқ пулларингизга нима олиб қўйганингиздан хабаримиз бор. Пулнинг ўрнини босадиган нарса бўлса ҳам қабул қиласерамиз.

- Нимани назарда тутяпсиз? - ҳайрон бўлди Жамолов.

- Назарда туваётганимни яхши билиб турибсиз, тулкилик қилманг!

- Гапимга ишонмаяпсизми?!

- Пулингиз йўқдигига ишонаман, аммо тилло буюмлар сақлаётганингиздан хабардорман! - деди Султонхон. У ўзини танитмаслик учун қишлоқча шевада гапиради.

- Пул бўлмаган одамда тилло нима қилади, ўйлаб гапирсангизчи?

- Ун йил нефть базада бошлиқ бўлиб пулим йўқ, десангиз ким ҳам ишонарди? Сиз қўрқманг, биз органга етказадиган «қулоқ»лардан эмасмиз!

- Гапимга ишонмаяпсизми?

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Ишонадиган гапни айтмаяпсизда, Жамолов.
- Қасам ичайми?!
- Қасамни ўзига ишонмаганлар ичади.

Султонхоннинг ишораси билан маскали йигитлар Жамоловни судраб пастга туширишди. Совуқ эди. Жамолов юпқа кийиниб олганди, дағ-дағ қалтиради.

- Агар бизнинг талабимизни бажаришдан бўйин товласангиз, билиб қўйинг, шу жойда қолиб кетишингизга тўғри келади.

Жамолов сўзида туриб олди. Бироқ Султонхон ишонмади. Унинг сабр-тоқати тугади. Йигитларга ишора қилди. Улар Жамоловни дўппослашди.

- Билиб қўйинг, Жамолов, пул ва тиллоларни қаерга яширганингизни айтмагунингизча йигитларимнинг оёқ-кўли тўхтамайди.

Жамолов яна Султонхоннинг газабини қўзфатадиган сўзни айтди.

- Уйимда бўлмаса энангникidan оламанми?!

Йигитлар дўппослашда давом этишди. Жувон четроқда кузатиб турди. Назарида йигитларнинг зарбаси унга таъсир қилмаётгандай эди. Жамоловнинг «бас, айтаман», деган сўзини кутганди. Бироқ ўша сўз айтилмасди. «Нима бало, тилини тишлаб олганми», ўйларди Султонхон.

Йигитлар толиқишли. Жамолов инграмай қўйди. У бўш қопдек ерда букланиб ётарди..

- Бас қилинглар! - деди ниҳоят Султонхон йигитларга, гарчи улар Жамоловни дўппосламай, ўзларини бир четга олишган бўлишсада. - Яширган жойини айтмай ўлиб қолмасин!

Султонхон тупроқقا беланиб, қонига бўялиб ётган

## Исҳоқжон НИШОНОВ

Жамоловнинг тепасига келди.

- Бойликлар қаерда? - сўради паст овозда.

Жамоловнинг очиқ кўзлари шишадек қотганди. Султонхон унинг нафас олмаётганини билди.

- Тугабди, - деди у йигитларга. - Сойга ташлаб юборинглар!

Жамоловнинг ўлимидан кейин Ризонинг олдида аёлнинг тили қисишиб қолганди. Мана шу воқеа уларни бир-бирига боғлаб қўйганди. Султонхон ўзининг кўп вақтини Ризонинг қўпчилик билмайдиган уйида ўтказар, қиласидиган ишларни шу ерда маслаҳатлашиб олишарди. Бироқ бу яқинлик уларни душманлик сари етаклаётганини хаёлларига келтиришмасди.

\*\*\*\*\*

Қоплон кундуз кунлари ишхонасида бўлмасди. Кечки пайт келиб, ходимлари билан учрашиб, қилинадиган ишларни режалаштиради. Йил бошида шаҳар марказида спорт мажмуаси курилишини бошлаб юборганди. Бокс ва ўзбек курашининг довруги дунёга ёйилиб, жаҳоннинг нуфузли давлатларида бу кураш бўйича халқаро турнирлар ўтказилаётгани Қоплонни қувонтирганди. Шаҳар болалирини спортнинг бу икки турига жалб этишни, улар орасидан машҳур боксчи ва курашчиларнинг етишиб чиқишини истарди. Шу мақсадда ўз ҳисобидан спорт мажмуасини қуришга киришганди. Бино битиб қолганди. Усталар пардозлаш ишларини олиб боришаарди.

Ризо ўз рақибининг спорт мажмуаси қураётгани-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

дан огоҳ эди. Қоплон пулларини ишлаб чиқариш корхоналарини сотиб олишга эмас, фойда келтирмайдиган ишларга сарф қилаётганидан хурсанд эди. Аммо Шарофат «дон маҳсулотлари комбинатининг акцияларини сотиб оляпти», деганда Ризо тирноғигача музлаб кетди. Бу корхонага ўзи ҳам ҳаридор эди. Акцияларнинг купи Қоплоннинг қўлига ўтиб кетганидан хафа бўлди. Қандай қилиб бўлмасин, уларни тортиб олишни ўйларди.

Дон маҳсулотлари комбинати нефть базадан кейинги «ёғли жой» эканлигини у яхши тушунарди. Одамларнинг ун ва ун маҳсулотларига, чорва ҳайвонлари учун омухта емга бўлган талаби кучли. Буни Ризо ҳисоб-китоб қилиб чиққанди. Бироқ маблағи етмасди. Қолаверса, бу ишда Қоплоннинг рақиб бўлишини ўйламаганди.

«Спорт мажмуаси қурилиши учун анчагина маблағ кетади», деб ўзича хомчўт қиласарди Ризо. «Балки у қурилиш ишларига пулни сарфлаб, акцияларини сотиб юборар», деган фикр безовта юрагига таскин берарди. Аммо одамлари акцияларини қайтариб топширмаганини, аксинча, ишчилар қўлидаги акцияларни йиғиштириб юрганини айтишди. Ризонинг асаби баттар таранглашди. Қоплон уларни сотмаса, қурилишга пулни қаердан топяпти? Қарз кўтардими? Кимдан?

Эшик очилиб, Шарофат кирганда ўй-хаёллар осмонида сузиб юрган Ризо ўзига келди. У «икки-уч кундан кейин келаман», деб ваъда бериб кетганди. Ризо ундан янгилик кутаётганди. Кўрганда дили хуш бўлди. Ўрнидан туриб, кутиб олди. Аёл ниманидир айтишга чоғланаётганини юзлари ош-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

кор қилиб турарди.

- Опам йўқ бўлиб кетди, деб мендан ўпкалаётган бўлсангиз керак, Ризобек!

- Шошадиган жойимиз йўқ. Муҳими соғ-саломат бўлсангиз бас!

- Кеча Қоплонни сўраб Тожикистондан бир одам келди.

- Испмини билдингизми?

- Сўрамадим, ёши сиздан улуғроқ, юмaloқ юзли, мўйлови бор, қорачадан келган, серсавлат йигит.

- Қоплон билан учрашдими?

- Учрашмади. Қоплон курилишга арматура излаб, Бекободга кетганди.

- Учрашмагани яхши бўпти, - Ризо ўзича хурсанд бўлди.

- Яна қандай янгиликлар бор?

- Байрамда спорт мажмуасининг очилиши бўларкан. Курилишнинг тепасида ўзи турибди. Уйига ҳам бормаяпти. Идорада ётиб қоляпти.

- Ўтган сафарги учрашувимизда Қоплон акцияларини қаерда сақлашини билиб бераман, дегандингиз? Аниқладингизми?

- Аниқладим, иним, уйида сақлаётганимеш. Хонасини тозалаётганимда Қоплон темир сандикдан бир даста қофозларни олиб, шоғёрига «акцияларни уйга олиб бор, бу ерда турмасин», дегани қулогимга чалиниб қолганди. - деди Шарофат рўмоли орасидан чиқиб турган қулогини ушлаб.

- Бу яхши хабар, опа, - Ризо чўнтағидан бир чангал пул олиб Шарофатнинг олдига ташлади. - Қоплоннинг ҳар бир гапи, қилаётган ишлари, ким билан учрашаётганини, албатта, билишим керак!

## /// // ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР //

Шарофат пул чангаллаган құлларини күксига босди.

- Ҳали мендан күп янгиликтарни эшитасиз, иним!  
Аёл ўрнидан турди.

Ризонинг миясига ўрнашиб қолган фикр тинчлик бермай қўйди. «Акциялар уйида сақданаётган бўлса, вақтни чўзишнинг кераги йўқ. Бу ишни уддалайдиган одам топиш керак», деб ўйлади. Ёдига Аҳмад тушди.

Ризо кечки овқатта уни таклиф қилди. Атайин стол устини ширин таомлар ва ичимликларга тўлдирди.

- Оқиданми, қизилиданми? - Ризо конъякни қўлига олди.

- Менга барибир, шеф, - Аҳмад қўл силтади.  
- Қизилидан ичамиз!

Аҳмад бир йил аввал Қоплон билан бирга ишлажган, аммо ораларидан оламушук ўтиб ажраб кетишганди. Шунда Ризо уни қанотига олганди. Сафарга чиққанда ёнида олиб юрди. Бу орада тоғдаги далаҳовлининг қурилиши охирлаб қолди. Аҳмадни ўша ерга жўнатди. Лекин у тезда зериқди. Шаҳарга қайтиб тушди. Бир ойдан бери шу ерда бўлса-да, Ризо унга бирор вазифа топширмаганди. Бир кунига кор келишини билиб, пул билан таъминлаб турарди.

Иккинчи қадаҳдан сўнг Ризо мақсадини айтди.

- Эшитишимча, Қоплон уйига бормаётганмиш. Сенинг хабаринг бўлдими?

- Бўлса бордир, хўжайин, биласизку, мен уни ёқтирамайман.

- Уни сени эмас, балки мен ҳам ёқтирамайман.

## ||||| Исҳоқжон НИШОНов |||||

Босган қадамидан хабардор бўлишим шарт. Эшитдингми, йўқми дон комбинатига харидор бўлаётганмиш!

- Миш-миш эмас, ишчиларнинг қўлидаги акцияларни сотиб оляпти.

- Мен ҳам харидорман, Аҳмад! Комбинат унинг ихтиёрига ўтса, ичимдаги ўт вужудимни куидириб юборади.

- Нега олдинроқ ҳаракат қилмадингиз, шеф?

- Ярамга туз сепма. Биринчи бўлиб мен иш бошлаганман. Тирик эканман, ҳеч ким уни мендан тортиб ололмайди.

- Тезроқ ҳаракат қилинг, бунақа ўтиришда бой берасиз, хўжайин.

- Шу мақсадда сени чақиртирдим...

- Мен нима қилиб берардим?

- Буюраман, сен бажарасан?

- Унда буюринг?

- Миямга бир фикр келди...

- Хўш?

Ризо бўш қадаҳларни ичимликка тўлдирди.

- Олдик!

Улар ичишди. Ризо узилиб қолган галини давом эттириди.

- Қоплоннинг қўлидаги акцияларни олишимиз керак.

- Қандай қилиб?!

- Акциялар уйида эмиш.

- Фикрингизга қўшилмайман, шеф.

- Нечук?

- Акцияларни тортиб олганингиз билан у йўқолганилиги тўғрисида судга ариза бериб, эгалик ҳуку-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

қини тиклаши мумкин. Банкда акцияларнинг рақамлари бор.

- Бўлса бўлар. Бу мени қизиқтирмайди. Муҳими унга руҳий зарба бериш!

- Зарба бериб нимага эришасиз? Узоги билан бир-икки ой қийналади, кейин ҳаммасини унутади. Сизни эса юрагингизда алам қолаверади.

- Қийналсин, югурсин, асабийлашсин, ўзини ўзи еб адо қилсин. Мен шунда хурсанд бўламан. Ҳовримдан тушаман!

Аҳмад кулди.

- Бошқа йўлини топиш керак, хўжайин!

- Маслаҳат бер, зора сенинг каллангдан ҳам дурустроқ фикр чиқиб, юрагимдаги аламни босса!

- Ўчингизни ўзидан ёки хотинидан олинг!

- Яна олинг дейсан-а. Оламан десангчи, даюс!

Аҳмад қадаҳга ичимлик қўйди. Ундан хўплаб, оғзига газак ташлади.

- Хўжайин, урган эмас, ур, деган балога қолади!

- Томоғингдан озгина ўтса, елкангга шайтон миниб олади. Гапимни эшит....

Аҳмад қулофини Ризо томон чўзди...

\*\*\*\*\*

Жаббор аҳдидан қайтмади. Орифнинг қамалишида Ризонинг қўли борлигига қаттиқ ишонарди. Ориф билан гаплашиш мақсадида милиция бўлимига ўтди. Бироқ тергов тугамаганлиги сабабли уни айбор билан учраштиришмади. Шундан кейин Жаббор Ориф қўлга тушган чойхонага борди. Чойхоначи билан суҳбатлашди. Аммо у ўша куни ишда

## Исҳоқжон НИШОНОВ

бўлмаганлигини, ўрнида Сарвар исмли йигит ишлаганини айтди. Жаббор уни уйидан топди. Ориф йигитнинг ёдида қолган экан. Кўрган-билгандарини айтиб берди.

- Ориф акани чойхонага малла сочли йигит бошлаб келганди. - деди Сарвар. - Улар ош буюришиди. Ичкарига жой қилиб бердим.

- Иккиси нима ҳақда гаплашишди?

- Малла сочли йигит Ориф акани ҳоли-жонига қўймай ичирди. У ош пишмай маст бўлиб, ухлаб қолди. Малла соч ярим соатча йўқ бўлиб кетди. Ортидан иккита мелиса келди. Мени чақиришиди. Ориф аканинг чўнтакларини титишиди. Қофозга ўроғлик наша топишиди. Кейин уни мелисаҳонага олиб кетишиди. Менинг билгандарим шу, - деди Сарвар.

Жаббор бу иш атайлаб уюштирилганини тушуниди. Шу куниёқ у малла сочнинг изига тушди. Бироқ Ризонинг йигитлари орасидан излаган одамини тополмади. Хаёлига «Ризо бу ишни ўз одамларига қилдирмаган, кимнидир ёллаган», деган фикрга келди. Жаббор кузатувни унинг ишхонаси арофидавом эттириди. Қилаётган иши тўғрисида Қоплонга оғиз очмади.

Қоплон Орифнинг тақдирига бефарқ эмасди. Одамлари орқали изоляторга озиқ-овқат киритарди. Қоплоннинг умиди суддан эди. Ориф бу ишнинг уюштирилгандарини исботлай олса, ўзини оқлаши мумкин, деб ўйларди.

Ниҳоят, Жаббор излаган одамини учратди. Базор олдига Ризонинг машинаси келиб тўхтади. Бегона одам тушди. У ёлғиз эди. Малла соч дўконга кирди. Жаббор унинг изига тушди. Бироз ўтиб у ичкаридан

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

чиқди ва орқага қайтди. Жаббор унинг кўзга кўрин-масликка ҳаракат қилди. Малла соч таксига ўтири-ди. Жаббор кузатиша давом этди.

Машина шаҳардан чиқиб кетди. Жаббор уни қаёққа кетаётганини билмасди. Бир ҳисобдан четта чиқиб кетаётгани яхши эди. Тутиш осон бўлади. Уч-тўрт чақирим масофа юрилгач, машина тўхтади. Малла соч тушиб қолди. Атрофда одамлар кўп эмасди. Жаббор таваккал қилди. Машинасини унинг олдидаги тўхтатди.

- Туман марказига қайси йўл билан борсам бўла-ди?

- Мен бу ерлик эмасман, - жавоб қилди малла соч. - Ҳув анови жойда гузар бор, ўша ердаги одамлардан сўранг!

- Гузар узоқми?

- Бир чақиримча нарида.

- Ўша томонга кетаётган бўлсангиз, ўтиринг?

Малла соч иккиланиб, кейин олдинги ўриндиққа ўтириди.

«Кўлга тушдингми, баттол», - деди Жаббор ичидава газни босди. Машина бир силкиниб, қушдек елиб кетди.

- Мунча тез ҳайдамасангиз ака, мен тушиб қоламан, - деди ранги-қути ўчган йигит. - Тўхтатинг, тушаман!

- Типирчилама! - деди Жаббор, - Ҳозир Ризонинг олдига борамиз!

- Мен унинг олдидан келяпманку, ака! - Малла сочнинг шашти пасайди. Аммо машина шаҳарга эмас, адирлик томон тирмашиб борарди. Бу пайтда қоронғулик чўкканди. Кўкдаги ой паст-баланд те-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

паликларни ёритиб турарди. Жаббор машинани қоя ортида тұхтатди.

- Пастга туш! - эшикни очиб, малла сочнинг күлидан тортди Жаббор. У билан шунчаки гаплашиб бўлмаслигини билганди. Оёғи ерга тегиши биланоқ қовуғига тепди. Йигит букилиб, ингради...

- Нима қилдим сизга?

- Кимнинг топшириғи билан Орифнинг чўнтағига наша тиқиб, мелисага тутиб берганингни айтмасанг, ўлигинг шу ерда қолади!!

- Қайси Ориф, мен уни танимайман! зўрға гапирди малла соч.

Жаббор яна тепди. Йигит йиқилди. Асаблари таранглашган Жаббор ўзини тўхтата олмасди. У фужанак бўлиб ётган малла сочнинг дуч келган жойига уради.

- Танидингми?! Эсингга тушдими?! - бақирди қасоскор.

- Танидим, урманг...

Жаббор унинг ёқасидан олиб, ўрнидан турғазди.

- Гапир, ит?!

- Сиз кимсиз?

- Орифнинг инисиман!

- Мажбур қилишди мени...

- Ким?

- Айтолмайман, ака, - инграб, ҳансирағ, букчай-иб турган малла соч унинг юзига қарай олмасди.

- Айтмасанг, аяб ўтирумайман, ўлдириб, шу ерга ташлаб кетаман! Гапир, ит!!

- Айтсан мени ўлдиришади...

- Ким?

- Шу ишга мажбур қилганлар.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Улар ким?!

Жаббор малла сочнинг ёқасидан ушлаб силтади.

- Ризо, - деди малла соч ва бирдан унинг номини айтиб юборганидан тилини тишлади.

- Баракалла, энди ўзингга келдинг, - деди Жаббор унинг ёқасидан қўлини бўшатиб. Адашмаганини билди. - Хўш, у сенга яна нималар деди?

Бўлар иш бўлганди. Буюртмачининг исмини айтди. Воқеани сўзлаб берди.

- Кўлимга гугурт қутига солинган наша беришди. Ичириб маст қиласан, чўнтағига нашани соласанда, кейин мелиса чақириб, Ориф менга наша сотмоқчи эди, дейсан, деди. Уни чойхонага бошлаб бориш, маст қилиш учун қўлимга эллик минг тутқазиши. Иккимиз ичдик. У тезда маст бўлиб қолди. Чўнтағига нашани солдим. Нозирнинг олдига бориб, чойхонада бир одам менга наша сотмоқчи бўляпти, деб айтдим.

- Нашани сенга ким берди? - сўради Жаббор.

- «Бой ота»нинг одамлари!

- Яшашни истайсанми?

Малла сочнинг кўзлари ялтираб кетди.

- Мени ўлдирмоқчимисиз?

- Агар менинг айтганимни қилсанг, жонингни сақлаб қоламан!

- Иқрор бўлдим-ку!

- Менга иқрор бўлдинг, аммо судда ҳам иқрор бўлишинг керак, - деди Жаббор. - Судда Ризонинг буюруғи билан Орифни қаматиш мақсадида ичирганингни, чўнтағига атайлаб наша солиб қўйганингни, сўнг мелисага хабар берганингни айтасан, гапимни тушундингми?!

## Исҳоқжон НИШОНов

- Бундай қилолмайман. - деди у кўз ёш тўкиб. - Ризони сотсан у мени ўлдиради.
- Ундан қўрқяпсанми? - сўради Жаббор малла сочнинг ёш тўлган кўзларига тикилиб.
- Қўрқаман, - иқрор бўлди йигит.
- Сенга яна бир яхшилик қиласман. Майли, Ризони сотма, у билан ўзим ҳисоб-китоб қиласман, аммо Орифнинг чўнтағига ўзинг наша согланингни айтиб берасан. У суд залидан озодликка чиқиши шарт.

Малла соч аро йўлда қолди.

\*\*\*\*\*

...Суд охирлаб қолганди. Жаббор малла сочни суд залига бошлаб кирди. Судья ҳукм ўқиш учун чиқиб келаётганди. У кўзойнагини тақиб, ҳукмни қўлига олганда Жаббор ўрнидан турди..

- Муҳтарам судья, - деб ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди. - Ушбу жиноят иши учун ўта муҳим бўлган бир маълумотни айтишга рухсат берсангиз?

Судья орқа ўриндиқда ўтирган иштирокчига қаради.

- Сиз кимсиз? Нега шу пайтгача айтмадингиз? - деди у Жабборга қараб.

- Ушбу жиноят ишига алоқадор далил ва гувоҳни етказиб келиш мақсадида кечикиб келдим.

- Биз суриштирув ишларини якунладик..

- Шундай бўлса-да, гапиришимга ижозат берсангиз. Бу билан сиз бир бегуноҳ одамнинг нохақ қамалиб кетишидан кутқариб қолган бўлардингиз.

Судья маслаҳатчиларига қараб олди. Кейин Жаб-

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР ///

борга юзланди.

- Марҳамат, гапириң!

Жаббор минбарга чиқди. Темир панжара ортида ўтирган Орифга қаради. У бошини эгиб олганди..

- Сиз кўриб чиқсан жиноят ишида айбланиб, суд қилинаётган Ориф Тоштемиров жиноят содир этмаган. У ўз ҳаётида бирор маротаба наша чекмаган. Олди-сотди билан ҳам шуғулланмаган. У туҳмат билан суд курсисида ўтирибди. Бу иш уюштирилган.

- Нимага асосланиб бу гапларни гапирияпсиз? Ахир Тоштемировнинг чўнтағидан ўн грамм наша чиққани далил эмасми?

- Йўқ, далил эмас, боя айтганимдек, бу иш уюштирилган!

- Ким томонидан уюштирилган, исботингиз борми?

- Ҳа, исботим бор, муҳтарам судья! Бу ишни уюштирган одам мана шу суд залида ўтирибди.

Жаббор бориб, малла сочнинг билагидан тутиб, уни минбар олдига олиб келди.

- Бу ишларнинг ҳаммасини мана шу нусха атайлаб, қасдан уюштирган. Орифни маст қилиб, унинг чўнтағига наша солиб, сўнг милиция бошлаб келган.

Судья малла сочга юзланди.

- Исмингиз, фамилиянгизни айтинг!

- Ўринбой Қаҳҳоров! - деди малла соч.

- Сиз ҳақиқатдан ҳам Ориф Тоштемировнинг маст ҳолда ухлаб ётганидан фойдаланиб, унинг чўнтағига ўн грамм наркотик моддани солиб, милицияга хабар берганингизни тан оласизми?

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Тан оламан, - деди бироз сукунатдан сўнг Ўринбой. - Орифда ҳеч қандай айб йўқ. Мен уни атайлаб чойхонага олиб келиб, ичириб, чўнтағига наша солиб қўйганимни, сўнг милицияга хабар берганимни тан оламан!

- Нашани кимдан олгансиз? - сўради судья.
- Нашани дарё бўйидан олганман. Соҳилда ёввойи нашалар ўсиб ётади. - жавоб қилди Ўринбой.
- Бу ишни бирор одамнинг топшириги билан қилдингизми??

Малла соч ўйланиб қолди. Кейин тилга кирди.

- Йўқ, ўч олиш мақсадида қилдим. Адоватим бор эди.

Суд залида Ризонинг одамлари ҳам бор эди. Орифнинг озод бўлганини, Ўринбой барча айбларни ўз бўйнига олганини Эшитганда уларнинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. Аммо уни сотмагани сабабли ҳовурдан тушдилар.

\*\*\*\*\*

Қоплон фарзандсиз эди. Оилани мустаҳкамловчи устун, эр-хотинни бир-бирига боғловчи ришта йўқ эди. Мана шу кемтиқ гоҳ эрни, гоҳ аёлни изтироб алангасида ёқарди. Қанчалик оғир бўлса-да, юракларини ўртаётган азоблар тўғрисида бир-бирларига оғиз очишмасди. Қоплон аёлидан яшириб, шифокорларга учради, текширувдан ўтди. Аммо шифокорлар ундан фарзанд кўрмасликка сабаб бўладиган касаллик топишолмади. «Аёлингизни ҳам кўрикдан ўтказишимиз керак», дейишди. Қоплон бу сўзни Дилдорага айттолмади. Эри айтмаса-да, кўн-

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР ///

гли сезди. Ўзи касалхонага қатнаб, текширувдан ўтди. Шамоллагани маълум бўлди. Бир ойча даволанди. Шифокорлар уни фарзандли бўлишига ишонтиришди. Дилдоранинг юрагидаги чигиллар ечилиди. Интиқлик билан зурриёт кута бошлади.

Қоплон Дилдора билан бир синфда ўқиди. Ўнинчига ўтишганда юракларида пинҳон сақлаб келаётган гапларини изҳор қилишди. Севги деган туйғу уларни бир-бирига боғлаб қўйганини тушунишди. Қоплон ўқишга кетди. Дилдора қишлоқда қолди. «Беш йил кутасанми, балки ўша ердан биротасини илинтириб олар, унда сен қари қиз бўлиб, ўтириб қоласан», дейдиганлар ҳам топилди. Қиз кутди. Иигит охирги курсга ўтганда, уларникига совчи жўнатди. Ўқиши битирмай тўйлари бўлди. Келин-куёв бир ойча қишлоқда туришди. Кейин шаҳарга кетишиди. Ижарада яшашди. Қоплон кундуз кунлари ўқиди. Кечқурунлари ишлаб пул топди. Дилдора ҳам бекор турмади. Шифохонага ишга кирди. Беморларнинг идиш-товоғини юмди.

Қоплоннинг топиши ёмон эмасди. Келин-куёв рўзфордан ортирган пулларини тўплашди. Институтни битираётганда ҳозир ўтирган ҳовлининг эгаси уйни сотмоқчи бўлди. Қоплонбекнинг жамғаргани етмасди. Ота-онасининг аҳволи аён. Нафақа пулига кўз тикиб ўтиришади. Курсдош дўсти, душанбелик Насимбек отасидан пул олиб келиб, Қоплоннинг қўлига тутқазди. Шу тариқа эр-хотин шаҳарда қолиб кетишиди.

Қоплон тадбиркорлик билан шуғулланди. Бу ишда яна Насимбек ёрдамга келди. Дўстини оёқقا туриб, тикланиб олиши учун кўмаклашди. Эски дўконни

## Исҳоқжон НИШОНОВ

сотиб олишди. Ёмон даромад олишмади. Бир йил ўтиб жамғарган сармоялариға музқаймоқ цехи очиши. Кейинчалик уни Ризога топширишди. У анча қийналиб қолганди. Тез орада үзини ўнглаб олди. Қоплоннинг ишларини кўриб файирлиги келди.

Қоплон ўқишини битиргандан сўнг, эр-хотин елиб-югуриб фирма очиши. Давлатдан ссуда олишди. Ишлари янада жонланиб кетди. Тўкувчилик цехини куришди. Бу уларга катта даромад келтирди. Дилдора фирманинг ҳисоб-китобларини юритди. Эрининг мулкдор бўлишида аёлининг ҳиссаси катта эди. Қоплон орттирган пулларини фақат эзгулик ишларига сарфларди. Етимхоналарга совға саломлар жўнатарди, қишлоқларни ободонлаштиради...

Ризонинг одамлари Аҳмадга Қоплоннинг идорада қолганлигини айтишганда тун ярим бўлганди. Аҳмад кўчага чиқди. Машиналар қатнови тўхтаганди. Аҳмад Қоплоннинг уйи томон йўл олди. Масофа узоқ эмасди. Ярим соатда етиб борди. Деворга ўрнатилган чироқлар йўлакни ёритиб турарди. Дарвозадан ошиб ўтишнинг иложи йўқ. Темир панжара билан тўсилганди. Деворга чиқиш учун нарвон даркор эди. Аҳмад бир кулоч таёқ топди. Уни деворга тираб, устига оёқ кўйди. Деворнинг тепа қисмига кўли текканда бармоқлари жиз этди, аммо ушлаган жойини кўйиб юбормади. Қийналиб, девордан ошиб ўтди. Атрофга аланглади. Ичкари жимжит эди. Ит хурмади. Аҳмад чаён чаққандек ачишаётган бармоғига қаради. Иккитаси узилиб кетадигандек осилиб турарди. Рўмолчани тиши билан иккига бўлди. Бир бўлагига қонни артиб гулзорга ташлаб юборди, иккинчиси билан жаро-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

ҳатни боғлади. Шарпа чиқармай ичкарилади. Дераза ойнасидан ичкарига мўралади. Диванда Дилдора ухлаб ётарди... Эшик ичкарисидан беркитилганди. Дераза хиёл очиб қўйилганди. Аҳмад шу ердан ичкарига кирди. Дилдоранинг тепасига келди. Аёл ички кўйлакда ётарди. Аҳмаднинг кўзларида хирс ўти чақнади.

Дилдора юзига урилган иссиқ нафасдан уйғониб кетди. Бегона одамни кўриб, кўрқанидан қичқириб юборди. Аҳмад кафтини аёлнинг оғзига босди.

- Қичқирма!
- Кимсиз? Нима керак сизга? - Дилдоранинг овози Аҳмаднинг бармоқлари орасидан зўрға чиқарди.
- Мендек одам уйингга нима мақсадда киришини ўзинг яхши биласан...
- Пул керакми?
- Йўқ демайман...
- Тортмала бор, керагини олинг!
- Додламайсанми?
- Тезроқ даф бўлинг!

Аҳмад тортмани очди. Икки боғлам мингталик турарди. Дилдора ўрнидан туриб олганди.

- Бу оз, жонидан, - деди аёлнинг ёнига қайтиб.
- Бори шу!
- Акциялар қаерда?!
- Уларни мен билмайман, эримдан сўранг!
- Эринг уйга келтириб, сени қўлингга топширган.

Буни биламиз.

Аҳмад аёлнинг соchlарини бўйнига ўради ва уни бўға бошлади.

- Айтишни истамадингми, демак, ўзингдан кўр, мегажин!

## Исҳоқжон НИШОНОВ

Юзи кўкариб, нафаси қайтган Дилдора босқинчи ўлдириб қўйиши мумкинлигини тушунди. Ҳолдан кета бошлади. Ноилож қўлини шкаф томонга чўзди. Аҳмад у кўрсатган жойга келди. Бироқ унинг эшиги қулфлоғлик эди.

- Калити қани?

Дилдора бироз ўзига келди, аммо Аҳмаднинг нима сўраганини қулоқлари илғамади.

- Калит қани? - такрорлади бояги сўзини йигит.

Дилдора гапиролмади. У ҳамон энтикиб нафас оларди. Юзига тушган тарсакидан кейин ўзига келди.

- Те...

Аҳмад шкаф тепасини қаради. Калитни топди. Очиб буюмларни титкилади. Акцияларни топди. Қимматбаҳо қоғозлар остида Дилдоранинг олтин тақинчоқлари турарди. Уларни ҳам чўнтағига жойлади.

Дилдора диванда букилиб ётарди. Ички кўйлаги белигача кўтарилиб, сонлари очилиб қолганди. Аҳмад унинг тепасида тўхтади. Излаган нарсаси чўнтағида. Кўнгил амрига қулоқ солди, ечинди...

Курилишдан ярим тунда қайтган Қоплоннинг кўнгли фаш эди. Диванга кўрпа солиб, костюмини бошига ёстиқ қилиб ёtdи. Аммо уйқуси келмади. Ҳаёлида Дилдорага нимадир бўлгандек эди. У ўрнидан туриб кетди. Кийиниб, пастга тушди. Машинани юргизди... Дарвозанинг қия очиқ турганини кўриб, юраги орқага тортди. У ичкари кирди.

- Дилдора!.. - Қоплон ҳовлида туриб аёлини чақириди. Жавоб қайтмади. Оёқлари қалтиради. Ётоқхонага ўтди. Дивандаги тўшак ва чойшаб пас-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

тга тушиб кетганди. Хотинининг мижигланган лозими билан кўйлаги дераза олдида турарди. Ўзи кўринмасди.

- Дилдора! - қичқирди Қоплонбек.

...Қалтираган оёқларини курсига қўйиб, бўйнига арқон ташлаётган аёл эрининг овозини эшитди. Узоқдан бўлса-да, уни сўнгги бор кўриш истагида қия очиқ қолган оғил эшигидан ташқарига ёшга тўлган нигоҳларини ташлади. Қоплон ҳовлида югуриб, хотинини изларди. «Менга ит тегди, Қоплонбек. Ифлос қилди. Бокира севгимизга дод туширди. Сизни кўрмай, овозингизни эшитмай. кетармикинман, деб кўрккандим, хайрият, кўрдим, товушингизни ҳам эшитдим. Энди армоним йўқ. Хайр, азизим», дея кўнглидан ўtkазди у паст овозда.

Қоплоннинг қайтиши Дилдорани аҳдидан қайтармади, қарзидан узилган одамдек енгил тортди. У ўйлаган ишини тезроқ амалга оширишни истарди. Титраётган оёқларини стол четига олиб келди.

- Дилдора! ичкаридан чиқиб келган эрининг овози яна эштилди. Бу товуш унга ўн йил муқаддам никоҳдан ўтишган кечада, шарқираб оқаётган сой ёқасида айтган сўзларини ёдига солди. «Дилдор!! - дея овозининг борича қичқирганда ўшанда Қоплон. - Биз энди ўла-ўлгунча биргамиз. Покиза муҳаббатимиз ҳурмати қасам ичиб айтаманки, охирги нафасимга қадар сенга хиёнат қилмайман!»

Юракдан отилиб чиқсан мана шу нидо ҳозир аёлнинг қулоқлари остида қайтадан жаранглади ва ўша файзли тун бир-бирларига берган ваъдаларини ёдига солганди.

«Сиз хиёнат қилмадингиз, Қоплонбек, аммо ўша

## ||||| Исҳоқжон НИШОНОВ |||||

хиёнатни мен қилдим. Сизга бўлган садоқатимни асрай олмадим! Мени одам қиёфасидаги маҳлуқлар булғашди. Сиз ориятли, вижданли йигитсиз. Фанимларингиз олдида бошингизни эгишни истамадим, азизим».

Дилдоранинг оёқлари курси четида турарди. Яна ярим қарич суриса, курси ағдарилиб тушади. У оёғини аста курси четига сура бошлади. Гавдаси бир томон қийшайди. Арқон ортилди. Бўйини бўға бошлади. Шунда... аёл эслаб қолди. Қорнидаги ҳомиласидан эри ҳали бехабар, айтмаганди унга. Ўз жонига эмас, балки, дунё юзини кўрадиган, эри кутаётган зурриётининг жонига ҳам зомин бўлишини англади. «Гўдакда не гуноҳ, ахир унинг падари маълум-ку?»

Дилдора шуни ўйлаб аҳидан қайтди. Арқонни бўйнидан олиш мақсадида қўлларини кўтарди. Шунда гавдаси қийшайиб, оёқлари пастга тушиб кетди....

\*\*\*\*\*

Аҳмад олиб келган акцияларини стол устига ташлади. Буни кўриб Ризонинг тунд юзига кулги ёйилди. Қофозларни қулига олди.

- Баракалла, бу ишни уддалашингни билардим! деди Аҳмаднинг елкасига уриб. У жангдан қайтган фолиб аскардек диванда ястаниб ўтиради. Ризонинг бу қадар хурсанд бўлишини кутмаганди. Ахир нимасига шодланади? Акцияни қўлга киритгани билан Қоплон эгалик ҳуқуқини тиклаши мумкинку! Фақат бир ой югуради. Ризо буларни ишлатол-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

майди, сотолмайди ҳам. Шундай бўлгач, қувонининг боиси нимада? Ўч олганигами, унга зарба берганигами ёки шунчаки ғашига тегиб қўйганигами? Балки Қоплоннинг хотини билан бўлган ишни айтса, яна ҳам хурсанд бўлар. Тўшакдаги воқеани кўз олдига келтирган Аҳмаднинг юзи кулгудан ёришиб кетди. Ризо буни пайқади.

- Нимага тиржайябсан? Бирор гап бўлдими?

Аҳмад унинг кўзларига қараб турди-да:

- Шунчаки, ўзим, - деди қўйди.

У айтмади. Ҳозирча сир сақлаб тургани дуруст. Буни ўзининг нафсини қондириш мақсадида қилди. Эрининг ишдан ҳайдагани учун қасос олди. Энди Қоплон олдиди боши тик. Уни кўрганда аёли билан ўтказган тун ёдига тушади. Дилдора бу иш тўғрисида эрига айтольмайди. Қандай айтсин? «Юзига ниқоб таққан босқинчи кирди, акцияларни олиб чиқиб кетди», дейишдан нарига ўтолмайди. Айтса, боши балога қолади. Қоплон ор-номусли йигит, хотинини бегона эркак билан ётганини эшитса, ўша заҳотиёқ талоқ қиласи.

Аҳмад бу сирни қачондир ошкор қиласи. Керак бўлса Қоплоннинг ўзига айтади. Шохини синдиради.

Телефон жиринглади. Ризо гўшакни кўтарди.

- Нима дейсан?

Аҳмад қўнгироқ қилаётган Ризонинг хотини эканини овозидан таниди.

- Ўртоғингизнинг хотини ўзини ўзи осиб қўйибди? - деди аёли.

- Қайси ўртоғимни?

- Қоплонбекни?!

## Исҳоқжон НИШОНОВ

Ризо ўрнидан туриб кетди. Ранги оқариб кетганди.

- Қачон?!
- Қачонлигини билмадим, ҳозир эшитдим.
- Бўлиши мумкин эмас!

Ризо гўшакни жойига илди. У Аҳмадга юзланди.

- Бу сенинг ишинг эмасми, ит?

- Астагфурилло, мен унга бармоғимни ҳам теккизмадим, хўжайин!

- Ростини айт?
- Худо урсин, - қасам ичди Аҳмад қалтираб.
- Сен қилмаган бўлсанг, ким қилган бўлиши мумкин?
- Балки қўрқиб кетганидан...
- Уйдан яна нималарни олгансан?

Аҳмад чўнтагидан икки боғлам мингталикни олиб, стол устига ташлади. Иккинчисидан тақинчоқларни чиқарди.

- Мен сенга ҳеч нарсага тегмагин, демовмидим, ит?! Яна нима иш қилдинг?!

Фазабланган Ризо унинг тепасига келди. Аҳмаднинг кўзлари қўрқувдан косасига сифмай кетганди.

- Гапир, яна нима ишлар қилгандинг?
- Фақат шуларни олгандим, бошқа ҳеч нима қилмадим, хўжайин!

Ризо барибир унинг кўзларига тикилиб, ниманидир яшираётганини сезди.

- Тўғрисини айт, хунаса! Олдини олишимиз керак, қўлга тушсанг, менинг уйим куяди!

Аҳмад Дилдорани зўрлаганини айтишга мажбур бўлди.

- У билан ётгандим...

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Мажбурлаганмидинг, ит?!
- Хўжайин...
- Ростини гапир!
- Шунақароқ...
- Кўлингни тишлаганмиди?
- Девордан ошаётганимда шиша тилганди!
- Ҳм... ингради Ризо. Кейин қўллари билан бошини чангллади. - Ишни расво қилибсан-ку, хунаса?! Дилдора ориятли аёл эди, мажбурлаганингга чидамаган...
- Из қолдирмаганман, хўжайин, - минғирлади Аҳмад.
- «Бой ота» қашқирдек унга тикилди.
- Из қолдирмаганман?! Кўлингни шиша тилиб, қон томади-ю, из қолдирмаган бўласанми, аёл билан ётасан-у изинг қолмайдими, хунаса?! Керак бўлса, тукингдан топишади!! Балки мелиса аллақачон изингга тушгандир!

Аҳмад эс-хушидан айрилган одамдай жойида қотиб турарди. Ризо акцияларни печга ташлади. Гугурт чақиб, ёқиб юборди.

- Энди нима қиласан, хўжайин? - ниҳоят тилга кирди Аҳмад.
- Қамаласан! - зардаси қайнаб тошган Ризонинг тилига шу сўз келди. - Отиласан, ҳам босқинчилик, ҳам ўғирлик, ҳам номусга тегиш!..

Эшик тақиллаганда Ризонинг ҳам, Аҳмаднинг ҳам кайфи учиб кетди. Шокир кирди.

- Қоплонбекнинг хотини ўзини осиб қўйибди, - деди у ранги-рўйи оқариб кетган бошлиғига. - Кечки соат олтига жаноза эмиш!

Ризонинг хаёлига Аҳмадни яшириш фикри кел-

ди.

- Ҳозироқ бу ердан қорангни ўчир! - деди унга.
  - Қаерга бораман, хўжайин? Шаҳардан ташқарида мени бағрига оладиган танишим йўқ!
  - Беш-тўрт кун уйингда яшириниб тур. Милиция сендан шубҳа қилса, қаерга боришингни ўзим ҳал қиласман.
- «Бой ота» Аҳмадни қаерга яшириш зарурлигини биларди. Аммо бу ҳақда ҳозирча унга индамасликка қарор қилди.

\*\*\*\*\*

Қоплон аёлинини ўз жонига қасд қилишида Ризонинг қўли бор, деган шубҳадан йироқ эди. Орала-рида совуқ муносабат вужудга келган бўлса-да, унинг бундай пасткашликка боришини хаёлига келтирмаганди. Нима қилса ҳам бир қишлоқда катта бўлишган, бир мактабда ўқишган. Шаҳарга кўчиб келишганда ҳам борди - келдилари узилмаган. Муҳими аёлларнинг муносабати ҳавас қиласми эди. Ҳафтада бир-бирларини йўқлаб туришарди.

Қоплон аёлининг маросимларини ўтказиб бўлгандан сўнг босқинчининг изига тушишга қарор қилди. Бу ишга милициянинг аралashiшини истамади. Экспертиза Дилдорани «жонига ўзи қасд қилган», деган хulosा берганди. Қоплоннинг даъвоси йўқлиги боис, прокуратура ўлим билан боғлиқ ишни ҳаракатдан тўхтатганди. Қоплон ишга қайтган куни ҳуқуқшуносни хонасига чақиртириди.

- Эшитишимча, сиз илгари мелисада ишлаган экансиз, Шухрат Шарифович? - сўради ундан.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

Шуҳрат Шарифович бошлигининг мақсадини тушунди.

- Ўн беш йил жиноят қидирув бўлимида хизмат қилганман. - деди изқувар ўша пайтларни эслаб.

- Хотинимнинг ўлимида кимларнингдир қўли бор, мен уни, албатта, топишум керак, бу ишда сизнинг ёрдамингиз керак.

- Ахир экспертиза аёлингизни ўз жонига қасд қилғанлиги тўғрисида хulosа берган. Қолаверса, ўзингиз уйдан ҳеч нарса олиб чиқиб кетилмаганлиги тўғрисида прокуратура терговчисига кўрсатма бергансиз.

- Ишга милиция ва прокуратура ходимларининг аралashiшини истмаганимдан шундай қилдим. Аслида ўша куни уйга босқинчи кирган. Назаримда у девордан ошиб ўтган. Акцияларни ва хотинимнинг тилла тақинчоқларини ўғирлаб чиқиб кетган. - Қоплон яна нимадир демоқчи бўлди-ю бироқ тилини тишилади. Кекса изқувар унинг тутилиб қолганидан бошқа кўнгилсизлик рўй берганини сезди. Аммо бу аёлини ва ўзининг шахсига оидлигини сезиб, гапни бошқа мавзуга бурди. - Гап-сўз кўпайишини ёқтиромайман. Биласиз, ҳамманинг кўзи менда!

- Бу ишда бегона одамнинг қўли бор, деган шубҳадамисиз?

- Шундай...

- Гумонингиз кимдан?

- Кўзим кўрмаган нарсага бировни айбдор, деб ҳисоблай олмайман!

- Прокуратура ишни ёпди. Улар бу иш билан шуғулланаётганимни билишса, сизга гап тегиб қоли-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

ши мумкин.

- Айбдорни мен ўз қонуним билан жазолайман!
- Фикрингизга қўшилмайман. Айбдор қонун олдидা жавоб бериши шарт!
- Буни кейин ҳал қиласиз, - деди Қоплон бироз жимлиқдан кейин. Сизнинг вазифангиз қотилни топиш!
- Унда мен воқеа тафсилотларини жиддий ўрганишимга тўғри келади.
- Бугундан бошлаб идорадаги барча ишлардан озодсиз!
- Сизга бир-иккита саволим бор...
- Сўранг!
- Кейинги пайтда сизни ва аёлингизни кимлар билан муносабати ёмонлашганини эслайсизми?
- Иккимизнинг ҳам одамларга бўлган муносабатимиз қон тўкилишига олиб келадиган даражада бузилмаган.
- Жиноятчини яқинларингиз орасидан қидиришимизга тўғри келади, Қоплон.
- Нега?
- Назаримда, жиноятни содир этган шахс ёки унинг буюртмачиси аввал уйингизда бўлган.
- Фикрингизга қўшилмайман, - эътиroz билдириди Қоплон. - Мен уйимга ҳаммани ҳам таклиф қила-вермайман. Дўстларим орасида пасткашликка борадигани йўқ, иккинчидан, шаҳардаги таниш-билишларим билан муносабатим яхши.
- Изқувар ҳозир бу тўғрида у билан тортишиб ўтириш фойдасизлитетини тушунди.
- Уйингиздан нималар олиб чиқиб кетилганлиги-ни айтиб беролмайсизми?

## ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

Қоплон йўқолган буюмларни санади.

Изқувар унинг сўзларини тинглаб бўлгач, сўради:

- Акцияларни уйингизда сақлашингиздан бирор кимса огоҳмиди?

Қоплонбек ўйланиб қолди.

- Ҳеч ким.

- Яхшилаб эсланг! Менимча, акцияларни уйда сақлашингиздан кимдир хабар топган.

- Сиз аёлимнинг ўлимини акцияга боғламоқчимисиз?

- Биринчидан, акция билан фақат пулдор одамлар шуғулланади. Майда ўғрилар бундай қоғозлар учун босқинчилик қилмайди.

- Демоқчисизки, бу ишнинг тепасида турган одамлар дон маҳсулотлари комбинатининг харидорларидан бирими?

- Худди шундай. У сизнинг қўлингизда қанча акция борлигини билган!

- Бироқ у бу акцияларни ишлатолмайди-ку!

- Албатта, уюштирган одам буни тушунади, аммо у сизга руҳий зарба бермоқчи бўлган. Комбинатга мен харидорман, сен аралашма, деган мақсадда. Қолаверса, хўжалик судига қатнаб, йўқолган акцияларингизга эгалик хуқуқини тиклаб олишингизни учун камида икки-уч ой сарсон бўлишингизни билади. Бу вақтда сиз билан рақобатдош кимса корхонани сотиб олиши мумкин. У шуни режалаштирган!

- Мен ҳеч ким билан рақобатлашган эмасман. Бу ишни фақат ўғирлик мақсадида амалга оширишган. Изимга тушганлар акцияларнинг қимматбаҳо қоғозлигини билган, - деди Қоплон изқуварнинг фикр-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

ларини инкор қилмоқ ниятида.

Изқувар бошлиғининг гапларига аҳамият бермади.

- Комбинат қачон савдога қўйилади!
- Шу ой охирида.
- Бу вақт оз, йўқолган акцияларингизни тиклаб олишга улгуролмайсиз??

- Шундай...

Қоплон изқуварнинг сўзларида жон борлигини бирдан тушуниб етди.

- Мана, кўрдингизми, улар шунинг ҳисобини олишган. Ва шу мақсадда босқинчлиликни уюштиришган. Комбинатга кимлар харидор эди?

- Уч киши. Амалдаги директор, мен ва Ризо.
- Шуҳрат Шарифович бироз ўйланди.

- Ишни Ризодан бошлашимга тўғри келади. - деди у бир тўхтамга келиб.

- Нега, Ризо сизнинг хаёлингиздан кетмай қолди?!  
Ундан шубҳаланишингиз ўринисиз. У менинг ҳам, хотинимнинг ҳам яқин дўсти. Бир мактабда ўқиганмиз. Бундай ишни у қилмайди.

Шуҳрат Шарифович аҳдидан қайтмади.  
- Сиз жиноятчини топишни топширдингиз. Энди менинг ишларимга аралашманг. Акс ҳолда биз жиноятчининг атрофида худди қозиқقا боғланган одамдай айланаверамизу, аммо тополмаймиз...

- Билганингизни қилинг! Сиздан илтимос, Ризода шубҳа уйғотманг! Бир умр мени кечирмайди.

Шуҳрат Шарифович хаёлига келган гапни сўрашга жазм этди:

- Қоплонбек, менга айтингчи, акцияларни қачон уйингизга олиб бориб қўйгандингиз!

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Бир ҳафта бўлганди.
- Унгача қоғозлар қаерда сақланганди?
- Хонамда, пўлат сандиқда!
- Қоғозларни бу ерда сақлаётганингизни ёки олганингизни бирор одам кўрганмиди?
- Яна одамларимдан гумонсираяпсизми?
- Бизнинг ишимизда барча нарсалар гумон ва шубҳалардан бошланади!

Қоплон изқуварнинг мақсадини тушунди. Ўша куни хонасида шофёрдан бошқа одам йўқ эди. У яқин қариндоши. Сирини бировга айтмайди. Бирдан эслади. Шарофат ойналарни артаётганди.

- Хонада фаррош аёл бор эди, - деди.

Шухрат Шарифович «Шарофатнинг Ризо билан муносабатини ўрганиш зарур», деган тўхтамга келди. У тушдан кейин воқеа жойига келди. Девордаги изларга қараб босқинчи ошиб ўтган жойни топди. Нарвон кўйиб тепага чиқди. Лойсувоққа қўшиб сувалган шиша парчалари офтобда ялтиради. Қон қотиб қолган шишани зўрга топди. Уни кўчириб олди. Қон доғига қараб, босқинчи қўлини жиддий жароҳатлаганини билди. «Бундай жароҳат билан у, албатта, шифохонага борган бўлиши керак», деб ўйлади. Изқувар гулзор ичидан қонли рўмолчани ҳам топди. Катта тажрибага эга бўлган изқувар унга тикилиб, ҳар бир қатидан жиноятчининг ёшини, бўй-бастини, феъл-авторини урганишга уринди. Узок мuloҳазадан кейин жиноятчининг ўнг қўл, иккинчи ва учинчи бармоғи шикастланганига амин бўлди.

Тушдан кейин изқувар поликлиникаларда бўлди. Жароҳат билан келганларнинг шахсини аниқлади.

## Исҳоқжон НИШОНов

Аммо ўзи кутган беморни топа олмади. Кейин Шарофатнинг изига тушди. Афсуски, кузатишлар натижа бермади. Шарофат бундан хабар топгандек фақат ишхонаси ва уйига қатнарди. Аммо изқувар умидсизликка берилмади...

\*\*\*\*\*

Ноила ярим тунда уйига қайтди. Жаннат опа қизининг йўлини пойлаб, уйқуси қочиб, дераза олдила ўтиради. Машина овози қулоғига чалингандан ташқарига қаради. Ой нури ёритиб турган дараҳт остида тўхтаган машинадан пастак бўйли эркак ҳам тушди. Онанинг юраги титради. Ким бўлди у? Нега қизининг соchlарини силаяпти? Нега Ноила бошини унинг елкасига қўйди? Жаннат опа разабдан титраб кетди. Қизи кирганда заҳрини сочди..

- Шу пайтгача қаерда тентираб юрибсан? - Она ўзини босишига қанчалик уринмасин, тили учиди турган гапни айтишга мажбур бўлди. - Ким у?

- Ишингиз бўлмасин! - Ноила онасининг саволига қўрслик ила жавоб қайтариб ётогига ўтиб кетди. Она қизининг ортидан эргашиди.

- Мен сендан сўрайлман, ким эди у?  
- Ойи, ҳадеб ишимга аралашаверманг. Ахир, мен кичкина бола эмасман-ку!

- Бунаقا бетайин одамлар билан юрганингни бошқа кўрмай! Кўни-кўшнилар олдida шарманда қилма, мени!

- У бетайин эмас, бошлиғим, Баҳром Жўраев!  
Нима, кечиксам уйимга ташлаб қўйишга ҳаққи

## ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

йўқми? - Ноила ичганди. Онасиға сездирмаслик учун ундан йирокроқда турарди.

- Унда... унда... нега сени ўпди? Нега унинг елкасига бошингни қўйдинг?! - Жаннат опанинг ичидағи қаҳрли сўзлар бўғиздан отилиб чиқди. - Сен қизни тарбиянг бузилган!

Ноиланинг кўзлари совуқ ялтиради.

- Менинг тарбиям аллақачон бузилган: Бунга сиз айбдорсиз, ойи! Отам қамалиб кетганда уйимизга нотаниши эркакларни бошлаб келиб, улар билан хиринглашиб, кўнгилхушлик қилиб ўтирган пайтларингизда қизимнинг тарбияси бузилади, деб ўйлаганмидингиз?! Мен қилаётган хунарларимни қизим улгайганда қилмасмикин, деб ташвишланганмидингиз?! Уйимизга келган эркакларни кўни-кўшнилар кўрса, гап-сўз кўпаяди, пешонамизга «бузуқ», деган тамға босишади, деган фикр кўнглингиздан ўтганмиди? Энди менинг тарбиям тўғрисида бош қотиряпсизми, ойи? Устимдаги қимматбаҳо буюмларни, қулоғимдаги, қўлимдаги, бўйнимдаги мана бу тилло тақинчоқларни қайси пулимга олаётганимни ўйлаб кўрганмидингиз?! Чироқларга, газга, сувга, ўтирган мана бу уйингизга тўлаётган жарақ-жарақ пулларни қаердан келаётганини суфиштирдингизми?! Бу пулларни ўша берарди, ўша тўларди. Мен ундан ҳомиладорман, ойи! Ундан фарзанд кутяпман! Қизингиз чимилдиққа кирмай болали, сиз эса набирали бўласиз!

Ноила юзини чанглаб, ўзини диванга отиб, телбалардек соchlарини чанглаб йиғлади.

Жаннат опа турган жойида қотиб қолди.

Она кечаси билан ухламади. Қизнинг «ҳомила-

## ||||| Исҳоқжон НИШОНОВ |||||

дорман», деган сўзи қулогидан кетмади. Эрталаб ишхонасига йўл олди. Баҳром хонасида эди. Эшикни тақиллатмай ичкарига кириб борди.

- Қилғиликни қилиб, қизимнинг қорнига бола солиб, маҳалла-кўйда юзимизни шувут қилмоқчи мисан, ҳароми? - Жаннат опа овозини баланд кўтариб бақирди. Баҳром уни зўрга тинчлантириди.

- Узингизни босинг, опа, нима гап бўлса, ҳал қиласиз! - Бу аёл Ноиланинг онаси эканлигини Баҳром гапларидан билди.

- Узимни босмайман, борадиган жойимга бориб, сен хотинбозни қаматмасам, отимни бошқа қўяман!

- Жаннат опа шаштидан тушмаган бўлса-да, овози бироз пасайганди.

- Опажон...

- Опажон, дема қаро ерга киргур! Ҳали чимиликқа кирмаган бокира қизимни жувонмарг қилиб, яна опажон дейсан-а, жувонмарг!

- Илтимос, бақирманг, опа... Гап-сўз кўпаяди.

- Кўрқадиган жойим йўқ, гап-сўз бўлдим, билдингми, бақираман! Шармандангни чиқараман!

Аёлга бас келиб бўлмаслигини Баҳром билди.

- Қизингизни никоҳимга оламан!

- Хотининг-чи, болаларинг-чи, хотинбоз?!

- Ажрашганман!

Жаннат опа шаштидан тушди.

- Қизимни загсдан ўтказиб, законний хотинликка олмасанг, борадиган жойимга бораман. Ишдан ҳайдатиб, қаматмасам, отимни бошқа қўяман! Сенга бир ой срок, ҳомиласи билинмай, тўйни ўтказасан!

- Сиз хотиржам бўлаверинг, ҳаммаси рисоладаги-дек бўлади, - Баҳром аёлни аччиғидан туширгани-

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР //

дан ичидә мамнун бўлди.

Унинг бир ташвиши икки бўлди. Ноиланинг ҳомиладорлигини билмасди. Бунинг устига аёли билан ўрталарига совуқлик тушганди. Баҳром уни илгаридан ёқтириласди. Уч боласи билан уйдан чиқаролмаслигига ақли етарди. Фикри-ёди ажрашишда эди. Бироқ йўлини тополмасди. Ва ниҳоят бунинг уддасидан чиқди.

Ҳамид бошлиғидан бўйнигача қарздор эди. Уй қуриш учун беш миллион сўм олганди. Бу ҳам етмагандек, кичик ўелининг суннат тўйига яна бир миллион қарз кўтарди. Шундай қилиб бошлиғидан олти миллион қарздор бўлиб қолғанди. Бироқ оддий ҳайдовчи шунча пулни қачон, қаердан топиб тўлайди?

Баҳром пулини қистайди. Шундай қилса режалаштирган ишни унинг қўли билан амалга оширади.

- Пул зарур бўлиб қолди, қарзингни тўла! - деди у ишдан қайтаётганда ҳайдовчисига. - Тепадаги-ларга узатиш им керак!

- Ҳозир иложи йўқ, хўжайин, озгина сабр қилинг. Бофимдаги мевалар пишиб қолди, сотиб бераман! - деди Ҳамид хижолат бўлганидан юзи қизариб.

У хўжайнинг кутилмаганда пулни қистаб қолишини ўйламаганди. Ахир «пул зарур бўлса, бир ой олдин огоҳлантираман», деб айтганди-ку? Нега дабдурустдан икки оёғини бир этикка тиқиб олди?

- Меваларинг билан, қарзингдан кутулолмайсан. Нари борса бир миллионлик сотарсан. Мендан қанча қарзинг борлигини унутмадингми?

- Эсимда, хўжайин, - Ҳамидинг сўzlари қовуш-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

мади. Олти миллион!

- Бунча пулни топиш осонмас. Меваларингнинг ҳосилини тўрт йил кутишимга тўғри келади.

- Узаман, хўжайин, узолмасам бирор корингизга яраб қоларман.

Баҳром гапни айлантириб, мақсади сари буришга уринди.

- Коримга яраш кўлингдан келадими?

Бошлиқ нимага шама қилаётганини Ҳамид тушунмади.

- Шу пайтгача мендан ёмонлик кўрдингизми ёки бирор гапингизни душманингизга етказдимми, хўжайин?!

Баҳром мақсадини очди:

- Сенбоп хизмат бор, Ҳамидбой, - деди овозини пастлатиб..

- Айтинг, хўжайин?

- Янганг билан муросамиз қочган. Уйда тинчлик йўқ. Ҳар куни уриш, жанжал, тўполон. Уйга боришига юрагим безиллади! Бунақада ўзимни адо қиламан, шекили!

- Ажрашиб қўя қолмайсизми? - Бошлиқнинг хотини билан аразлашиб юрганидан хабардор бўлган Ҳамид ўзича маслаҳат солди.

- Ажрашсам, гап кўпаяди, йигирма-ўттиз миллион сарфлаб курдирган уйимни суд унинг номига ўтказиб беради.

- Унда бирор чорасини толинг. Сиқилиб яаш соғлиғингизга зиён, ака!

- Муросага келолмаяпмиз, ука.

- Бирор йўлини топинг-да!

- Йўли бор-у, аммо сендек мард йигит тополма-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

япман...

- Айтинг?

— Узоқ бош қотирдим. Бу ишни фақат сен улдайлайсан...

- Ҳали менга боғлиқми? ҳеч нарсага тушунмаган Ҳамид бироз жиддийлашди.

- Ҳа, фақат сенга боғлиқ!

- Нима қилишим керак?

- Агар шу ишни ими-жимида бажарсанг, қарзингдан воз кечаман. Устига бир-икки миллион тўлайман!

Пулнинг дарагини эшигтган Ҳамиднинг қулоғи динг бўлди.

- Юрагимни ўйнатмай, айта қолинг!

Баҳром негадир орқасига қараб қўйди. Кейин паст овозда деди:

- Янгангни куни битган...

- Тушунмадим?

- Нимасига тушунмайсан? Куни битди деяпман...

- Ҳазиллашманг, хўжайнин, - Ҳамид бошига совуқ сув тўкилган одамдек сесканди. - Янгамни куни битган бўлса, болаларингиз кимнинг қўлида қолади?!

- Бир йўла уларнинг ҳам жанозасини ўқиймиз!

Ҳамид «хўжайнин маст, кайф устида алжираяпти», деб ўйлади. Аммо ҳолатини кузатиб, Баҳром жиддий гапираётганини билди. Қолаверса, унинг сўзларида алам ва нафрат нафаси уфуриб турарди.

- Ҳазиллашмаяпсизми, хўжайн? яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқ истагида сўради ҳайдовчи.

- Ҳозир ҳазилнинг мавриди эмас, ука. Бошимда бошқа ташвишлар ҳам болалаб ётибди. Ноила ҳо-

миладор. Онаси олдимга келди. Шаллақи хотин экан, дунёни бузгудек жанжал қўтарди, «қизимга уйланмасанг, қаматаман», деди. Худо кўрсатмасин, бу ялмоғиз прокуратурагами, ҳокимиятгами арз қилса, умрим турмада ўтади.

Ҳамид ўлланиб қолди. Бир томонда қарзи, иккинчи томонда таклиф қилинаётган пул уни икки йўл орасига солиб қўйганди. Унинг сукут саклаши Баҳром учун розилик аломатидек туюлди.

- Нега болаларингизни айнан мен ўлдиришим керак, хўжайн? Бошқа одам ёлласангиз бўлмайдими? - ўзича насиҳат қилди ҳайдовчи.

Бу гап бошлиқقا ёқмади, афти буришди.

- Чунки сендан бирор шубҳаланмайди. Шофёримсан.

Шу гапдан кейин Ҳамиднинг мойиллиги уйғонгандай бўлди. Баҳром тузган режасини тушунтириди.

- Ярим кечада уйга қайтганимизда мен йўлда тушиб қоламан. Болаларни қайси хонада ухлашини биласан. Янганг мен келгунча эшикни беркитмайди. Биринчи бўлиб уни тинчитасан, кейин болаларни. Кичкинамга тегма. Унга меҳрим бошқача. Машина жойидан силжигандан кейин мен уйга кираман. Мелисага телефон қиласман. «Ишдан келиб шундай воқеанинг устидан чиқдим», дейман. Улар сени сўроқ қилишмайди. Гап сўрашса, «мен бошлиғимни уйининг олдида тушириб жўнаб кетганман», деган сўздан нарига ўтмайсан. Тушундингми?!

Баҳромнинг режаси Ҳамид учун осон ва ишончли туюлди. Лекин юрагининг катта бўлагини кўркув хисси чулғаганди.

- Одам ўлдиришга қўлим бормайди, хўжайн.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

Нима қилса ҳам янгамнинг чойини ичганман!

Баҳром ёнидан данакдек героин олди.

- Бардам бўл, Ҳамид. Одам ҳар нарсага шай турмоғи керак. Ҳаётнинг сен ва мен билмаган қонунлари бор. Улар қўркув, виждан деган нарсадан устун туради.

Бу гапга нисбатан Ҳамид жавоб қайтармади. Эртаси куни Баҳром уни хонасига чақирди. Пўлат сандиқдан бир боғлам элликталик долларни олиб, ҳайдовчисининг олдига ташлади.

- Ҳамир учидан патир!

\*\*\*\*\*

«Бой ота» шаҳарда туролмай қолди. Кечалари алаҳсираб чиқарди. Дилдорани кунора тушида кўрарди. Бошига оқ рўмол ташлаган. Болаликда бирга ўйнаб юрган эгри-буғри, кўчаларда бир-бирларини қувлашиб юрганиши. Лекин унинг юзида кулгу эмас, қандайdir фазаб, нафрат акс этарди. Ризони даҳшатли тушлар таъсиридан эси оғиб қолаёзди. Бунинг устига Қоплон бу ишда Ризонинг қўли борлигини сезиб қолгандек туюларди. Акцияларни ёқиб юборди. Бироқ дон маҳсулотлари комбинатини кимошли савдосига қўйиш ишлари орқага сурилаётганининг сабабини билмасди. Бу акцияларнинг йўқолиши билан боғлиқ эмасмикин? Қоплон комиссия аъзоларига айтиб, муддатни чўздирмадимикин? «Бой ота»нинг боши қотганди.

Дилдоранинг ўлими учун прокуратура жиноят иши қўзғатмади. Экспертиза уни ўз жонига қасд қилган, деган хулоса берди. Бундай хабарлардан

## Исҳоқжон НИШОНОВ

қувониб кетган Ризо вужудига ўрнашиб қолган қўрқувлардан қутулиш мақсадида тоғдаги дала-ҳовлисига чиқиб кетди. Бир ҳафта юриб, юрагини кемираётган ташвишлардан қутулмоқчи эди.

Тоққа чиқиб кетса, Дилдора ёдидан кўтариладигандек туюлди. Бу ерга келгач, қафасдаги бўричаларга овқат бериб, овуниб юрди. Улар бўй чўзиб, катта бўлиб қолишганди. Қора бўрича уни кўрганида катта-катта кўзларини тикиб қотиб қоларди. Ёнидан кетмагунча овқат ҳам емасди. Важоҳати хунук ва қўрқинчли эди. Ризо унга қараб, отиб ўлдирган онасини эсларди. Унинг кўзлари ҳам шунаقا даҳшатли эди. Шериги эса унга аҳамият бермасди. У бароқ думини силкитиб, тишларини кўрсатиб, ириллаб кўярди.

- Жалил! Ҳо, Жалил!! - ўтин ёраётган қоровулни чакирди Ризо. - Қаёқда қолдинг, итвачча!!

Жалил чопқиллаб келди.

- Бўрилар очга ўхшайди. Овқат бердингми?
- Эрталаб бергандим, хўжайин!
- Гўшт олиб ке! Қорни тўймаганга ўхшайди. Бунақада ўлдириб қўясан.

Жалил лаҳм гўшт келтирди. Ризо уни қафас ичига ташлади. Олачипор бўри оёғи билан гўштни босиб, тишлари билан узиб ея бошлади. Шериги овқатга қарамади. Ҳамон кўзларини Ризога тикканча турарди.

- Нега буниси овқат емаяпти? - сўради «Бой ота» қоровулдан.

- Олдила одам турса емайди, хўжайин.

Ризо нари кетди. Панада туриб, қора бўрининг овқатланишини томоша қилди.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Милтиқни олиб чиқ!

Жалил чопқылаб ичкаридан ов милтигини күтариб чиқди.

- Ов қиласизми, хўжайин!

- Каклик егим келяпти, итвачча!

- Какликлар баланд чўққиларга чиқиб кетган.

Тухум қўядиган пайти.

- Унда қуш отаман!

- Арчазорга киринг, қушлар сероб.

Ризо милтиқни елкасига илиб, арчазорга бурилди

Йўлда кўзи тошлар устига қўниб турган қушларга тушди. Нишонга олди. Ўқ тегмади. Арчазорга кирганда ҳам бирорта қушга дуч келмади. Улар бояги ўқ овозидан чўчиб, тоғнинг баланд чўққиларига учеб кетишганди. Ризонинг кайфияти бузилиб қайтди. Ирмоқдан ўтаётганда ногоҳ кўзи тош устида чўнқайиб ўтирган баҳайбат бўрига тушди. У каттакатта кўзларини тикиб турарди. Ризонинг юраги орқага тортиб кетди. Шу даражада қаттиқ қўрқанди-ки, ҳатто қўлидаги милтиқ ҳам эсидан чиқканди. Бўри негадир унга ташланмади. Секингина тошдан пастга сакраб тушди-да, арчазор ичига кириб, кўздан яширинди. Шундагина Ризо ўзига келди.

Ховлига келганда қафас ёнида ўтирган иш юритувчиси Анварни кўрди. Қачон келди? Тинчликмикин?

- Нима гап? - шошиб сўради.

- Баҳромнинг хотини билан болаларини ўлдириб кетишибди, хўжайин! - деди Анвар.

- Кимлар?

- Билмадим.

## ||||| Исҳоқжон НИШОНОВ |||||

- Қачон ўлдиришибди?
- Шу бугун, тунда?
- Қотилларни топишибдими?
- Топилмаяпти, мелиса оёқقا турган, Шаҳар тўс-тўполон!

- Ишқилиб бу ишини бизнинг гарданимизга кўйишмасинда, - Бу сўз Ризонинг оғзидан ўзи ўйламаган ҳолда чиқиб кетди.

- Нега бундай дейсиз, хўжайн? - ҳайрон бўлди Анвар. - Бизни ишимиз нима? Алоқа қилсак Баҳром билан қиласиз, унинг хотинини танимаймиз-ку!

Ризо кўзларини Анварга тикди.

- Сен латта нимани билардинг, ахир уни ишга мен тайинлаганман, - деди Ризо. - Бир гап бўлса калтакнинг учи бошимда синади, ит! Сен ҳозироқ бориб одамларимизга тайинла. Бу иш босди-босди бўлгунча ҳеч ким базага бормасин!

- Сиз қачон қайтасиз?

Ризо бироз ўйланиб турди-да, деди:

- Бирга кетамиз!

\*\*\*\*\*

Ярим тунда келган милиция ва прокуратура ходимларини Баҳром эшик олдида кутиб олди. У мурдалар ётган жойга киромасди. Назарида хотини ва болалари ўрнидан туриб, оталарининг бўғзидан тутиб, қотиллигини фош қилишадигандек туюларди. Кўзларидан тинимсиз оқиб тушаётган ёшлар оқариб кетган қонсиз юзини ювиб тушарди. Ўн беш йил бир ёстиққа бош қўйиб, ҳаётнинг аччиқ-чучукларига шерик бўлган аёlinи, бир-биридан ширин-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

шакар кичкінтоларини бегона одамнинг құли билан ўлдиртиргани вужудини пармадек төшиб, виждонини азобларди. Аёли шу пайтгача эрининг юзига тик боқмаган, бир сүзини икки қылмаганди. Фақат ишдан кеч қайтганда барча аёллар сингари терғаб қүярди. Ташвишли ва қайғулы кунларидა, бетоб бўлиб ётиб қолган дамларидা, узун тунлар киприк қоқмай бошида парвона бўларди. Фарзандлари бирин-кетин бўй чўзиб, мактабга қатнаб, барча болалар қатори ширин орзулар қанотида сузиб яшашарди. Оталарини жон-дилларидан суйишаради. Эркалашига зор эдилар. Бирор маротаба жужукларини бағрига босиб, оталик меҳрини бериб, эркаламаганини Баҳром бугун эслади. Ҳамиша ишдан чарчаб-ҳориб қайтганда уларнинг бақир-чақирлари, шовқинлари қулоғига ёқмай, хонасига кириб кетарди. Энди уларнинг ўша жонига теккан овозларини эшита олармикин? Энди уйта кириб келганда ким «отажон», деб бўйнига осиларкин? Уларнинг иккиси ҳам қонига беланиб, жонсиз мурдага айланиб ётиби.

Қотиллик талончилик ёки ўғирлик мақсадида содир этилган дейишига милиция ва прокуратура ходимлари асос топишолмади. Қимматбаҳо буюмлар жойида турарди.

Хужжатлар расмийлаштирилиб, мурдалар судтиббий экспертизасига жүнатилди. Ҳамма кетса ҳам терговчи қолди. Ёши ўтиб қолган одам эди. Лабига қистирған сигаретасини тутатганча, нималарни дир ўйлаб, гоҳида ўзи билан ўзи гаплашаётгандек товуш чиқариб ҳовлида айланиб юрди. Деворларни томоша қилди. Унинг эътиборидан кичкинагина чизиқ-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

ча ҳам четда қолмади. Кейин қотиллик содир этилган хонага кирди ва у ерда узоқ қолиб кетди. Баҳром нима қилишини билмай, худди эс-хушдан айрилган одамдек бир жойда ўтиrolмасди. Ниҳоят, терговчи уни чақирди.

- Чекасизми, Баҳром Ҳамидович! - деди ранги учган, эгнида шалвираб турган костюмининг чўнтағидан сигарета қутисини олиб. Баҳром чекмасди, ҳозир кўнгли тусаб қолди. Сигаретани оғзига солса, ўзини кўлга оладигандек, вужудидаги қўрқув тарқаб кетадигандек туюлди.

- Уйга доим кеч келасизми? - сўради терговчи.

Баҳром сесканиб тушди. У ҳар бир гапни ўйлаб, фикрлаб, шошмасдан гапирмоқчи бўлди.

- Гоҳида шундай бўлиб қолади. - Икки оғиз сўзни айтгунча қийналди.

- Нега кеча кеч қолдингиз? - Терговчи унга қарамай сўради.

- Бошқармага бордим, кейин идорада ушланиб қолдим...

- Яқин орада бирор киши билан жанжаллашиб қолмаганимидингиз?

Баҳром терговчининг мақсадини тушунди.

- Биласиз, ишхонам жанжал-тўполонларнинг уяси. Кимгadir яхши гапираман, кимгadir қўполроқ... Ишда бўлиб туради.

- Уйга келмай қўядиган одатингиз бўлармиди?

Уй эгасининг оёғида титроқ турди.

- Тушунмадим!

- Идорада ётиб қоладиган одатингиз йўқмиди, демоқчиман.

- Илгари ётиб қолардим.

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР ///

- Аёлингизни рашк қиласынаныңыз?

- Ҳамма эркаклар қатори!

Терговчи жим қолди. У нималарни дидир ўйлади.

Сүнг Баҳромга юзланды.

- Келгүнингизга қадар хотинингиз дарвозани беркитмасмиди?

- Ўзим беркитардим...

Экспертиза томонидан берилган хulosада мурдаларнинг ўлим вақти аниқлаганды. Терговчи гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган нефть база қоровули, Баҳромнинг шофёри берган кўрсатмаларни ўрганиб, қотиллик содир этилган вақт билан Баҳромнинг уйга келган вақтини таққослади. Улардан олинган кўрсатмага асосан Баҳромдан шубҳаланиш ўринисиз эканлиги маълум бўлди.

- Бу иш ким томонидан қилинган бўлиши мумкин? сўради Баҳром терговчидан.

- Менинг назаримда, бу буюртма қотиллик».

- Буюртма қотиллик? Нега буюртма бўлиши мумкин?

- Бу саволингизга жавобни қотил қўлга тушганда оламиз!

\*\*\*\*\*

Қоплоннинг шаҳарнинг марказида, ҳамманинг кўзи тушадиган муҳташам спорт мажмуаси қураётгани шаҳар ва вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-кувватлангани Ризога ёқмасди. Аввалига бир-икки хонали бино қурса керак, деб ўйлаганди. Қурилиш тўғрисида шов-шув кўпайгандан кейин, ўзи қизиқиб бориб кўрди. Кўрди-ю, ичига чўф тушди. Янги

## Исҳоқжон НИШОНов

иншоот у ўйлаганчалик бир-икки хонадан иборат эмасди, ярим гектарли майдонни эгаллаганди. Аллақанча одам тиним билмай ишларди. «Қоплон бунча одамларга, курилиш материалларига пулни қаердан топиб беряпти?», деган савол Ризонинг миясига ёпишиб қолди. Кейинги бир-икки йил ичида унинг ишлари ривожланиб, Россиядаги тадбиркорлар билан қўшма корхона очиб, одамларнинг кундалик эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқараётганидан, ҳатто бу маҳсулотлар хорижга жўнатилаётганидан хабардор эди. Демак, Қоплоннинг сармояси кўпайиб, пулни қаерга қўйишни билмай, мана шундай ишларга сарф қўлмоқда эканда? У қачонгacha пул топарди? Йўлига ғов бўлиш, ишлаб чиқараётган маҳсулотларига бўлган талабни синдириш, харидорларни чалғитиши, лўндинини айтганда, банкротга учратиш йўлини топиш зарур. Ризонинг ғайирликдан ёнаётган юрагига малҳам берувчи бошқа фикр ҳам мавжуд эди. Қоплон қийналиб топаётган пулларини корхонасини кенгайтиришга эмас, даромад келтирмайдиган мана шунақа курилишга сарф қилаётганининг ўзи уни банкротга олиб келади-ку. Бу кетища у сармоясиз қолади.

Шундай фикр унинг ёнган юрагига сув сепди. Аммо алам-алам эканда. Қоплонга бўлган ички адоварти, ғайирлиги барибир қўтарилемади. Унинг ишларига халақит беришни, арзимаган нарсалардан баҳона топиб, ғашига тегишини режалаштириди. Аммо бу ишни ошкора қилиб бўлмасди. Зимдан оёғидан чалиш мумкин эди. Аксига олиб йиғилиш ва тадбирларда вилоят ва шаҳар раҳбарлари Қоплон

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

хақида илиқ гапларни айтишарди. Телевизорларда унинг амалга ошираётган ишларини кўрсатишарди.

Кутилмаганда Ризо фикрини ўзгартирди. «Қоплонни даф қилиш керак», деган қарорга келди.

- Ишимиз орқага кетяпти, - деди у энг яқин дўсти Нодирга. - Бир нарса қилайликки, катталарда Қоплонга нисбатан шубҳа уйғонсин. Унинг ишларини ўзини яхши кўрсатишга ва кирдикорларини яширишга уриниш деб тушунишсин!

Нодир ўйланиб қолди. Унинг ҳам Қоплонда адовати йўқ эмасди.

- Бир таклиф бор, - деди Нодир хаёлига келган фикрдан юзи ёришиб.

- Ҳўш?

- Баҳромнинг хотини ҳамда болаларини ўлдирган қотиллар ҳали топилгани йўқ. Шундайми?

Ризо Нодирнинг мақсадига тушуммади.

- Нима демоқчисан?

- Биз қотиллик Қоплоннинг одамлари томонидан содир этилган деб гап тарқатамиз! Изқуварларнинг қулоғига бу гап етиб борса, зудлик билан уни терговга чақиришади.

- Бу ишинг бўлмайди, - инкор қилди «Бой ота».

- Ўша миш-миш биздан чиққанини органдагилар пайқаб қолишиса, икковимизни ҳам қамаб қўяди. Бошқа йўл топ!

Нодирнинг хаёлига жўяли фикр келмади. Бу орада эшик очилиб, Шарофатнинг юмалоқ, қип - қизил юзи кўринди.

- Мумкинми, Ризобек.

«Бой ота» Нодирга юзланди, кейин хушламайги-на опага «киринг», деди.

## Исҳоқжон НИШОНов

- Гапларинга халақит қилмадимми? - Шарофат бир кулиб, бир гапириб стулга ўтирди.
- Кўринмай кетдингиз? - сўради «Бой ота». Опа келтирган хабарини айтишга шошилмади. Қўлини очиб, Ризонинг ҳақига дуо қилди.
- Ишингиз юришиб, душманларингизни юрагини ёқиб юраверинг, ука!
- Бирор янгилик топдингизми, опа?
- Қоплон водийга жўнаяпти? - ниҳоят ёрилди Шарофат.
- Нимага?
- Эшлишишмча у ёқдан ганчкор усталарни олиб келармиш.
- Қачон кетаркан?
- Эртага, тонгда йўлга чиқармиш!
- Аниқми?
- Ўз қулогим билан эшидим, иним. Хонасида болаларига «Кўқонга бориб, уста олиб келаман», деб айтди.

Ризо Нодир билан кўз уриштириди-да, ҳамёнини ковлади. Бешта мингталикни олиб, аёлнинг Кўлига тутқазди.

- Муҳимроқ янгилик келтиринг, опа!
  - Буниси ёқмадими?
  - Бу биз учун янгилик эмас!
- Шарофат чиқиб кетди.
- Бирдан Нодирнинг кўзлари чақнади.
- Нега иршайяпсан? - аччиқланди Ризо.
  - Калламга зўр фикр келди, ошна! Агар шу режа амалга ошса, биз Қоплондан қутуламиз. Ҳатто бу иш учун қонун ҳеч кимни айбдор қилмайди. Сирлигича қолиб кетади.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Гапир?!

Нодир ўйлаган режасини ўзим амалга ошираман, деган бўлса-да, кейин пушаймон бўлди. Қоплон анойи эмас, сергак одам. Пайқаса, Ризо иккисини тириклай тегирмонга ташлайди. Жонига қасд қилган одамни аяб ўтирайди. Лекин энди кеч эди. Режасини бажаришга мажбур. У тун ярмида Қоплоннинг кўча эшигига пайдо бўлди. Дарвозани овоз чиқармасдан очди ва шундай ҳаракатда ичкарига кирди. Қоплоннинг «Ласетти»си ҳовлида турарди. Уйнинг чироқлари ўчган, сокинлик ҳукмрон эди. Салгина овозни уй эгаси эшитиб қолишини билган Нодир оёқ учida юриб машина олдига келди. Қўйнидан темир аррани олиб, ёнбоши билан машина остига кирди. Коронғуда қўллари билан пайпаслаб, тормоз шлангини топди. Аппа бўлакчаси билан уни арралай бошлади. Шлангни узиб ташлаш мумкин эмасди. Шундай қилиш керак эдик, уч тўрт маротаба куч келганда у ўз-ўзидан узилиб кетсин. Нодир қўл тормозини ҳам арралади. Кейин машина остидан чиқди.

Ҳамма иш кўнгилдагидек амалга ошганди. Бирор сезмади. Энди Қоплоннинг сафарга кетишини кузатиш ва довонда бўладиган фожиани кутиш қолганди. Нодир дарвозадан чиқишдан аввал машинага, сўнг Қоплон ётган уйга қараб қўйди. «Оқ йўл, Қоплонбек», дея пи chirлаб, дарвозани ёпди.

Қоплон эртароқ ухлаганди. Тонг қоронгусида йўлга чиқса, эрталаб Кўқонда бўлади. У бир ўзи кетмоқчи эди, аммо иш юритувчиси Элёр ёлғиз жўнатишни истамади. «Узоқ йўл, толиқиб қолишиниз мумкин, ҳеч бўлмаса машинани мен ҳайдаб

## Исҳоқжон НИШОНОВ

кетай», деб туриб олди. Бир ҳисобдан таклиф Қоплонга маъқул тушди.

Элёр барвақт келди. Қоплон уйғониб, ювиниб, тараниб йўл тадоригини кўраётганди. Улар тонг қоронғусида йўлга чиқишиди.. Кўчалар бўш эди. Ангрендан ўтишганда тонг ёришди. Водий томондан келаётган машиналар кўзга ташланди. Қоплон икки йилдан бери водийга ўтмаганди. Йўл кенгайиб илгариги паст-баланд, уйдим-чуқурлар ўрнида текис, равон қоплама пайдо бўлганлигини кўриб суюнди. Ҳаммадан ҳам уни тогнинг энг баланд чўққисидан тешиб ўтказилган тоннель қувонтирди. Бундай йўлларни у Кавказ ва хорижий мамлакатларда кўрганди. Қамчиқ довонидаги тоннеллар ҳам ҳар жиҳатдан мустаҳкам ва айни пайтда гўзал эди.

Довондан тушишда Қоплон Элёрга:

- Бурилишда булоқ бор, ўша ерда тўхтагин, сув ичайлик, - деди. Булоққа келиб қолишганди. Элёр тормозни босиб, тезликни пасайтиromoқчи бўлди. Оёғи педални бир-икки босди, лекин машина тўхтамади. У пастлик сари шиддат билан ўнғиб борарди.

- Тормоз ишламаяпти, - деди Элёр.

- Қўл тормозини торт!

Қўл тормоз ҳам ишламади. Машинанинг тезлиги тобора ортиб борарди. Элёр ҳам, Қоплон ҳам нима қилишни билмай қолишди. Бу кетишида «Ласетти» бирор қояга урилиши ёки пастликка тушиб кетиши мумкин эди. Бунинг устига йўлда машиналар қатнови жонланиб қолганди.

Элёрнинг хаёлига хавфсизлик мақсадида тепаликка тирмасиб кетган қўшимча йўл келди. Шу йўл

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

уларни хатардан сақлаб қолиши мүмкін эди. Аммо, катта тезликда келаётган машинани бирданига ба-ландликка буриш ҳам хатарли эди.

- Машинани тепаликка ҳайдайман, - деди Элёр.
- Машина түнтарилиб кетиши мүмкін, - ташвишланди Қоплон.
- Башқа иложимиз йўқ. Бу кетишда қояга урила-миз ёки жарга қулаймиз!
- Фақат эҳтиёт бўл!

Элёр тепаликни мўлжаллади. Бурилишнинг аниқ ҳисобини олиб, рулни бурди. Қуюндеқ учиб келаётган «Ласетти» тепаликка қўтарилди. Худди бўрон учирган қайиқдек чайқалиб кетди. Қоплон олдинги ўриндиқдан маҳкам ушлаб олганди. Машина тепаликка чиқиб борди. Тезлиги пасайиб, ниҳоят тўхта-ди. Қоплон пастга тушди ва қўлига илинганд тошни олиб, фидирак остига қўйди. Машина тўхтади.

\*\*\*\*\*

Қоплонбек йўловчи машинага ўтириб Кўқонга кетди. Элёр орқага қайтди. Тоғ йўлларида тормоз-сиз машинада юриш хатарли эди. Қийналиб бўлса-да, машинани устахонага етказиб келди. Усталар ҳар иккала тормоз темир арра билан қирқилганини айтишди. Бу Элёр учун совуқ хабар эди. «Бу ким-нинг иши?» деган савол миясида қотиб қолди. Қирқилган мосламаларни олиб, шаҳарга қайтди. Ёлғиз келганини кўриб, Жаббор ташвишга тушди.

- Нима гап, Қоплонбек қаерда?
- Элёр йўлдаги воқеани сўзлаб берди.
- Кимдир тормоз шлангларини темир арра билан

## Исҳоқжон НИШОНОВ

қирқибди.

Жаббор мосламаларни кўриб бу иш атайин қилинганини тушунди.

- Бу кимнинг иши бўлиши мумкин? - деди худди ўзига ўзи гапиргандек.

- Гумоним ичимиздагилардан, - Элёр фикрини айтди.

Жаббор унинг сўзига қўшилмади.

- Ичимиизда Қоплонбекка қасд қиласидиган одам йўқ. Бу бошқа бегоналарнинг иши.

Жабборнинг хаёлига Ризо келди. Аммо Элёрга индамади. Уни яна бир савол қийнарди. Қоплонни Кўқонга бориши кутилмагандан маълум бўлди. Бундан ўзи ва Элёр хабардор эди. Кўқонга кетаётганлигини унга ким етказган бўлиши мумкин? Жаббор қанчалик ўйламасин, шубҳали одамни тополмади. Орифнинг қамалиши, Аҳмаднинг қочиб кетиши, ортида Ризонинг туриши ойдинлашиб бораётганди. Наҳотки Қоплоннинг жонига қасд қилишни режалаштирган бўлса?

Жаббор Шуҳрат Шарифовични эслади.

- Ҳозирча бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очма. Ҳатто Қоплонбек ҳам билмай тургани яхши, - деди у Элёрга. - Мен Шуҳрат Шарифович билан маслаҳатлашаман. Идорадаги гап-сўзларни ким Ризонинг қулогига етказаётганини билишимиз керак.

Шуҳрат Шарифович ишхонада Ризонинг одами борлигига ишонч ҳосил қила бошлади. Бу ҳақда у узоқ бош қотирди. Ниҳоят, ягона гумондор деб, Шарофат опани билди. Бунинг асоси ҳам бор эди. Фаррош, айниқса, Қоплонбекнинг олдига одам киргандагина унинг хонасини тозалашта кирар,

## ДАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

арзимаган ишларни бажариш учун хонада узок қолиб кетарди.

Кекса изқувар Ризонинг тоғдаги дала-ҳовлисидан ҳам хабар топғанди. Унинг синчковлиги Аҳмад ўша ерда яшириниб ётганига ишонч уйготғанди. Қоплон Қўқонга бориб келгунча тоғдаги ҳовлини назорат қилиб қайтишга қарор қилди. Жўнашга тайёргарлик кўраётганда олдига Жаббор кириб келди. У изқуварга Элёрнинг қайтганини, кимдир тормоз шлангларини узганигини гапириб берди. Изқувар шлангни синчилаб кўздан кечирди. Ўткір буюм билан аралангани билиниб турарди.

- Машина қаерда турғанди? - сўради изқувар.

- Қоплонбекнинг уйида, - жавоб қилди Жаббор.

- Бу ишни йўлга тушишларидан олдин қилишган. Бориб воқеа жойини ўрганиш керак. Шундагина қўп нарсаларни аниқлаш мумкин. Ҳозир Қоплонбек қаерда?

- Қўқонга кетган. Эртага қайтиши мумкин.

Улар Қоплоннинг уйига жўнашди. Дарвозанинг калити Элёрда қолғанди. Ичкарига кириб, машина турган жойни кўздан кечиришди. Ерга томган мой томчилари машинанинг тормоз шланглари шу ерда узилганини билдиради.

- Бу иш ярим тунда амалга оширилган, - деди изқувар атроф-теваракни кўздан кечириб. - Биз гумон қилаётган одам дарвозадан ошиб тушган.

\*\*\*\*\*

Фарзандлари ва хотинининг дафн маросимини ўтказиб бўлгач, Баҳромни прокуратура терговчиси

## Исҳоқжон НИШОНОВ

чақириб қолди.

- Бирор янгилик борми? - Баҳром терговчининг хонасиға шундай савол билан кириб борди.

- Янгиликни сиздан кутяпмиз, Баҳром Ҳамидович?

Терговчи унга ғалати қаради. Баҳромнинг юраги орқага тортиб кетди. «Мен тұғримда бирор гап эшитдимикин», деган хавотирда эди. Аммо терговчи бошқа гапга үтди.

- Ҳаракат қиляпмиз. Қўлимизда анчагина маълумотлар тўпланиб қолди. Вилоят прокурори бу ишни ўз назоратига олган. Ҳар куни биздан ҳисобот талаб қиляпти! Жиноятни очишда кўпроқ сизнинг ёрдамнингиз керак, Баҳромжон.

- Бемалол, сўрайдиганингизни сўрайверинг, билганимни айтаман!

- Кимдан гумонингиз бор?

- Нима дейишга ҳам ҳайронман...

- Бу ҳайрон бўладиган иш эмас. Икки болангизни ва аёлингизнинг қотили қонун олдида жавоб берishi керак. Бизга ёрдам берсангиз, гумондор кишиларни айтсангиз, қотилни тезроқ топамиз.

- Тўғриси, мен кимни айбдор қилиб кўрсатишни ҳам билмайман.

- Унда бизнинг гумонимиз бор. Ризо деган йигитни танийсизми?

- Қайси Ризо? - Баҳромнинг қути учди.

- «Олмос» фирмасининг бошлиғи.

Баҳромни танимайман, дейиши мумкин эмасди. Унинг одамлари кунига бир-икки машина ёқилғи олишади. Бундан терговчи хабардор бўлиши мумкин.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Танийман, - деди Баҳром бироз ўйланиб тургач.  
- Ўша одам тўғрисида фикрингизни билмоқчи-  
ман.

- У билан муносабатим ёмон эмас, Толиб Каримови-  
ч. Мендан ёқилғи олиб туради. Қолаверса,  
ундан шубҳаланишингиз ўринсиз.

- Шундай денг, - Толиб Каримович бир зум ўйга  
толди. Кейин Баҳромнинг кўзига тикилди.

- Бу безори ва ўғриларнинг иши, мен бунга  
ишонаман! - ишонч билан деди директор.

Баҳром терговни чалғитишга, терговчининг хаё-  
лини бошқа одамларга қаратишга уринди.

- Нимага асосланиб бундай фикр билдирияпсиз? -  
ҳайрон бўлди Толиб Каримович.

- Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Ҳамма нарса  
аён. Уйга ўғрилар кирган. Хотиним уйғониб кетган.  
Улар эса қўрқиб кетишган ва Жамилага пичоқ  
уришган. Болалар таниб қолмаслиги учун уларни  
ҳам ўлдиришган.

- Сизнинг тахминингизча улар ўғирлик мақсади-  
да киришган!

- Шундай, - ўз гапини тасдиқлади Баҳром.  
- Унда нега уйдаги қимматбаҳо буюмларни, аёлин-  
гизнинг тилла тақинчоқларини олиб кетишмади?

- Улар қўрқишишган! Шу пайтда машинамнинг  
овозини эшитган бўлишлари мумкин. Менинг бо-  
шқа тахминим йўқ!

- Бахтга қарши аёлингиз уйқусида ўлдирилган,-  
деди терговчи.

Баҳром нима дейишни билмади.

У қотилликни ўғри ва безориларга тўнкаётгани  
ажабланарли эди. Ахир унинг атрофига дўйслари

## Исҳоқжон НИШОНОВ

билин ғанимлари ҳам бўлиши табиий. Нега Баҳром уларни айтишни истамаяпти? Бунинг устига қотилни толишда сусткашлик қилмоқда. Бошига бундай оғир мусибат тушган ҳар қандай одам милиция ва прокуратуранинг эшигига ётиб олади. Ўзининг гумон ва тахминларини айтади. Баҳром эса жим.

Терговчи қаршисида ўтирган директорга ер остидан қараб қўйди. Ҳаёли ўзида эмаслиги юз-қўзларидан сезилиб турарди. «Балки ундан шубҳаланиш ўринсиздир», ўйлади Толиб Каримович. У гувоҳларнинг кўрсатмаларидан Баҳромни уйга кириб келган пайти билан жиноят содир этилган вақт оралиғида маълум дақиқалар фарқ қилганини аниқлаганди. Аммо терговчининг ҳаёлига кутилмагандан «Бу ишда ўзининг қўли йўқмикин?», деган ўй келди.

- Ўша тун қўшниларингиздан бири уйингиздан эллик қадам нарида енгил машина турганини кўрган экан. Афсуски, унинг рангига ва рақамига аҳамият бермабди. Фақат сизнинг машинангизга ўхшашлигини айтишди. «ГАЗ-31» автомашинаси минадиган танишларингиз борми?!

Баҳром Ҳамидович музлаб кетди.

- Менинг фикримча, қотил машинада келмаган.

Унинг инкор маъносидаги сўzlари терговчининг шубҳасини баттар кучайтирди.

- Сабаб?

- Сабаб битта - жиноятчилар уйимга фақат пул қидириб киришган.

- Қизиқ, - деди терговчи бошини чайқаб. - Негадир иккимизнинг фикримиз бир жойдан чиқмаяпти. Назаримда, сиз нимандир мендан беркита-

## ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

ётгандайсиз?

- Мени хафа қилманг, Толиб Қаримович!
  - Сизни хафа қилмоқчи эмасман, аммо ўғриларга осилиб олганингизни тушунмаяпман?
  - Бундай савдо бошига тушган одам нималарни ўйламайды, дейсиз. Кейин сизларнинг ишларингизга тушунмайман.
  - Ҳозирча бўшсиз, зарур бўлсангиз чақирирамиз. Бизнинг рухсатимизсиз вилоят ҳудудидан четга чиқманг!
  - Ишонмаяпсизми?
  - Расмиятчилик!
- Прокуратурадан чиққан Баҳром машина эшигини жаҳл билан очиб, орқа ўриндиққа ўтиргди.
- Нима гап, тинчликми? - машина жойидан силжигач сўради Ҳамид.
  - Оғзингга эҳтиёт бўл, - деди Баҳром туксиз бошини бармоқлари билан силаб. - Мени қисти - қафасга олишяпти. Бугун-эрта сени ҳам чақириб қолишлари мумкин. «Хўжайнини кўча эшигининг олдида қолдирганман. Ичкарига кирмаганман», деган гапдан бошқасини оғзингга олма. Бир оғиз тилингдан илинсанг, ўша гапни тегирмон тошидек айлантираверишади.
  - Мендан шубҳаланманг, ўзингизга ҳушёр бўлинг. Кейинги пайтда кўп ичапсиз, мастлик ростлик деганлар, гуллайдиган бўлсангиз уйим куяди. Аҳмоқлик қилиб, гапингизга кирганимдан афсусла-няпман.
  - Диққат бўлаверма,узоги билан бир ой ичидагимаси унутилиб кетади. Қотил топилмаса ишни ёпишади!

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Бир ой дейсиз, бир кунни ўтказиш нақадар оғир кечәётганини билсангиз эди. Кечалари болаларингиз билан хотинингиз тушимга киради. Улар тирикдай, бўғзимдан олаётгандай бўлади.

- Ётишдан олдин юз грамм ичиб ол, тинчлантиради.

- Идорага борамизми?

- Мени «дом»га ташлаб қўй, дам олмоқчиман. Кейин сойга тушиб машинани юв, у ёқ бу ёғини қараб қўй.

Ҳамид сойга томон бурилди. Машина ичидаги ортиқча буюмларни олди. Орқа ўриндиқдаги суянчиқни олаётганда шапалоқдек нарса пастга тушди. Бу диктофон эди.

\*\*\*\*\*

Гарчи терговчи Ҳамидни сўроққа чақирмаган бўлса-да, шубҳа ва гумон уни тарқ этмасди. Бугун-эрта чақириб қолишини ўйларди. «Машинага диктофонни мелиса ёки прокуратура ходимлари ўрнатган, улардан бошқа одам бу ишни қилмайди». Баҳромдан шубҳаланишган. Терговчи бекорга «уй-ингизнинг олдига бегона машина келиб тўхтаган», демаган. Баҳром Жўраевни ҳибсга олишса, албатта, у оғзидан гуллайди. Айбни Ҳамидга юклайди. Уч кишини ўлдирган қотил оғир жазога маҳкум. Қонунда шунаقا модда бор.

Кўрқувдан унинг юраги гурсиллаб тепарди. У ҳозироқ бошлиғининг олдига боришга, қўлидаги матоҳни унга кўрсатишга шошилди.

Баҳром Жўраев эшикни очиб, ичкарига кириб,

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

диванга чўзилди. Аммо кўзини юмолмади. Кулоклари остида терговчининг сўzlари жарангларди. Атайлаб машинани тилга олди, қандай ўзгариш бўларкин, дегандек унга тикилиб турди. Баҳром ўзининг қандай аҳволга тушганини билолмайди.

Эшик тақиллаганида Баҳром Ҳамидович даҳшатли ўйлар уммонига чўмиб ётарди. Ҳамидни кўриб энсаси қотди.

- Нега дарров қайтдинг?
- Иш чатоқ, хўжайин!

Ҳамид ичкарига кирди. Рангини кўриб, Баҳромнинг лабига учук тошаёзди. Эшикни беркитди.

- Нега юзингда қон йўқ? сўради директор.
- Ҳамид диктофонни стол устига қўйди. Баҳром нима гаплигига тушунмади.
- Нима бу?
- Кўрмаяпсизми? - тўнғиллади Ҳамид.
- Қаердан топдинг буни?
- Сиз ўтирган ўриндиқдан, кимдир жойлаб қўйган экан!

Баҳром диктофон тутмачасинй босди. Боя машинада гаплашган сўzlари эшишилди. У бирор эшишиб қоладигандек диктофонни ўчириди.

- Лаънатилар, тушмуғимиздан илинтиришмоқчи бўлишибди-да?
- Энди нима қиласиз? - Ҳамид бошини қўллари орасига олди.

Саволга жавоб топиш оғир эди. Чинданам ҳам нима қилишади?

- Бўлар иш бўлди. Иккимиздан биримизни, албатта, ушлашади. Қай биримиз қўлга тушсак, бир-биримизни сотмасликка қасам ичайлик. Мендан

кўра сендан кўпроқ шубҳаланишди. Мабодо қамалсанг, болаларингни ками-кўсти, еб-ичиши умримнинг охиригача менинг бўйнимда.

- Қамалиб кетишни истамайман, хўжайин

Баҳром Жўраевнинг тили курмакланиб қолди. У ишхонасиға бориб, кейинги ишлари тўғрисида жиддий ўйлаб кўришга қарор қилди.

Ташқарига гира-шира қоронгулик тушганди. Ҳамид ҳамон ваҳималар гирбодидан чиқолмасди. Ортидан келаётган машиналар кўзига шубҳали кўринарди. Изига тушган одамлар кузатиб юргандек эди. Ҳамид тепадаги ойнадан пишишилаб ухлаётган бошлигини кўриб, фashi келди. «Менинг ичимдан қиринди ўтяпти, бунинг бўлса тўпигига келмаяпти. Бир гап бўлса ҳамма айбни гарданимга юклайди», ўйларди у. «Қочаман, омон қолишнинг ягона йўли шу, бу аҳволда эрта-индин қўлга тушаман», деди ўзига-ўзи гапиргандек пичирлаб ва машина рулини адир томон бурди.

Баҳром кайфи ошганлиги боис, машинанинг пастбаланд ўйлда чайқалиб бораётганини сезмади. У қаттиқ ухлаб қолганди. Машина тепага тирмашиб, кейин пастга тушди. Қоронгу кечада одам кўринмасди. Олисларда ёниб турган чироқларгина кўзга ташланарди. Сой бўйига етганда Ҳамид тормозни босди. Оёғи остидаги темир арматурани олиб пастга тушди. Орқа эшикни очди. Баҳром ҳеч нарсани сезмай, хуррак отарди.

- Туш пастга, манзилингга етиб келдинг! - Ҳамид бошлигини қўлидан тортиб пастга туширди. Баҳром кўзларини зўрга очди. Ўзини бегона жойда кўриб, сергакланди. У оёғини ерга қўйиши биланоқ гарда-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

нига тушган кучли зарбадан йиқүлди. Яна бир зарба елкасига тушди. У ётган жойида қотиб қолди. Ҳамид уни күтариб, сой томон юрди ва совуқ сувга ташлаб юборди. Оқим шу заҳотиёқ Баҳромни оқизиб кетди. Ҳамид унинг ортидан анча вакт қараб қолди. Кейин машинасига ўтирди. Энди шаҳарга қайтолмаслигини билди. Олисларда қорайиб, чўққилари-даги қор ой шуъласида ялтираб турган довон томон рулни бурди.

\*\*\*\*\*

Шиддатли оқим Баҳромни қирғоққа чиқариб ташлади. У харсанг тош устида хүшсиз ётарди. Тонг бўзариб, тун пардаси кўтарилиб, осмон се-кин-аста ёришиб келаётганди. Соҳил бўйидаги капада ётган одамлар ҳали уйғонишмаганди. Кун росмана ёришганда улардан бири уйғонди ва юви-ниш учун пастга тушди. Юз-кўзларини сувга чая-ётиб, оқим тош устига чиқариб ташлаган одамга кўзи тушиб қолди. Дехқон шимини шимариб, сувга тушди. Уни кўтариб, қирғоққа олиб чиқиб ётқизди. Кўкрагига қулоғини босди. Юраги сези-лар-сезилмас тепиб турарди. Ким бўлди бу? Афти-га қараб, бу ернинг одами эмаслигини билди. Капага чопди, ўғлига машина топиб келишни буюрди. Ўзи олов ёқди. Алангага яқин жойга ётқизди. Кумғонда қайнаган чойдан ичирди. Баҳ-ром ўзига келди. Кўзини очиб, қимиirlади, лекин гапиролмади. Бу орада машина келди. Уни кўта-риб, орқа ўриндиққа ётқизишиди. Туман шифохонасига олиб кетишиди. Кечки пайт Баҳром ўзига

келди. Кўзларини очган бўлса-да, гапиролмади. Атрофидаги оқ халатли одамларни кўриб, касалхонада ётганини билди. Орадан кўп ўтмай терговчи келди. Бироқ шифокорлар бемор билан фақат эрталаб гаплашиш мумкинлигини айтиб, уни қайтариб юборишидди.

Баҳром бўлиб ўтган воқеаларни хотирасида тиклашга уринди. Ҳамидан қаттиқ аччиқланди. Баширасини кўз олдига келтириди. Кўкарган лабларини ёриб, «ифлос, шошмай тур, бу ишинг учун қон кусасан», дея пичирлади.

Баҳром елкасига оқ халат ташлаб, қўлтиғига чарм сумка қистириб олган одам хонасига киргандагина ўзига тинчлик бермаётган ўйлардан фориғ бўлди. У бир қарашдаёқ тепакал бу йигитнинг терговчи эканлигини билди.

- Сизни ким калтаклаганини эслай оласизми? - сўради терговчи.
- Эслайман, - жавоб қилди Баҳром.
- Ким эди у?
- Узимнинг шофёrim.
- Исмини айтинг?
- Ҳамид.
- Нега у сизни калтаклади? - ўрталарингда бирор гап ўтганмиди?
- Билмасам...
- Уришиб қолганмидиларинг?
- Айтган пайтимда келмаганди.
- Сой бўйига олиб келганидан шубҳаланмадингизми?
- Оиламда бўлиб ўтган кўнгилсизликдан хабарингиз бор, диққатим ошиб, ичгандим. Машинага

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

ўтирибоқ ухлаб қолибман. Бир пайт кимдир құлимдан тортиб, «етиб келдинг, қани пастга туш», деди. Қарасам, үзимнинг шофёрим. Оёғим ерга тегиши биланоқ бўйнимга темир билан урди. Бошқа ҳеч нарсани эслай олмайман!

- Сизни калтаклаши, қолаверса, ўлдиришга ури нишига нима мажбур қилган бўлиши мумкин?

Баҳром мақсадини айтиш мавриди келганлигини тушунди. Шундай қилса, терговчининг гумонидан сақланиб қолиши мумкин. Ҳамид албатта, қочиб кетган.

- Биласизми, - деди Баҳром терговчи томонга ёнбошлаб. - Бундан бир ой аввал менинг хотиним билан болаларимни номаълум одамлар ўлдириб кетишганди. Бироқ қотил шу кунгача топилмади. Улар қидирудва. Назаримда, бу ишда Ҳамиднинг қўли борга ўхшайди.

- Нега бундай қарорга келдингиз? - ҳайрон бўлди терговчи.

- Кўнглим сезяпти. Ўша куни мени прокуратурага чақиришганди...

- Нимага чақиришгани билан Ҳамид қизиқдими?

- Албатта-да, нималарни сўради, деб қизиқди. Мен унга терговчининг гапларини айтиб бердим.

- Айнан нималарни гапирдингиз? - терговчининг қизиқиши ортди.

Баҳром бир зум ўйланиб турди. Ўзини оқлаши мумкин бўлган ва айни дамда Ҳамидда шубҳа ўйғотадиган сўзлар ёдига келди.

- «Уйингизнинг олдида сизнинг машинангизга ўхшаган ГАЗ-31 турганини қўшниларингиздан бири

## Исҳоқжон НИШОНОВ

кўрган экан», деганди терговчи. Шуни айтганимдан кейин Ҳамид жим бўлиб, ўйланиб қолди.

Терговчининг бошқа саволи қолмаганди.

\*\*\*\*\*

Мирхолдор «Бой ота»га қўнғироқ қилиб, «одамингни тезроқ жўнат» деди. Ўша куниёқ Султонхонни поездга чиқариб кузатиб қўйди. Етиб боргунча аёлнинг тоқати тоқ бўлди. Юраги сиқилиб кетди. Тўрт кишилик хонада гаплашадиган одам топилмади. Йўловчиларнинг иккитаси эр-хотинлар, биттаси қўлидан китоб тушмайдиган талаба эди. Султонхон дераза ойнасига пешонасини тираб, ташқарига тикилиб, хаёл сурис вақт ўтказарди. Ниҳоят, поезд манзилига етиб борди. Бекатда уни икки йигит кутиб олди. Машинаса саҳро ичига кириб борганда жувоннинг юрагига гулғула тушди. Бўйдор, афти-ангори хунук бу кимсалар уни чўлга олиб келишаётганининг сабабини сўрагиси келди-ю аммо тилини тишлади. «Пешонамга ёзилганини кўраман», деган фикр қўнглидан ўтди. Машина ўн чақиримча масофани ортда қолдирди. Атрофда на бир қишлоқ ва на бир одам кўринарди. Чор томон кум тепалар. Яна беш чақиримча йўл юришди. Брезент уйча олдидаги тўхташди. Жувон йигитларнинг ишораси билан пастга тушди. Ўттиз қадамча нарида иккинчи чодир кўринди. Гуваладан ясалган ўчоқ ва каттагина қозон. Унинг ичидаги қорайиб кетган алюмин чўмич. Иккита сув идиши тўнтари-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

либ ётарди. Бир аравача ўтин атрофга сочилганди. Чодир олдода ўтирган кекса ёшдаги одам уларни күриб, ўрнидан турди.

- Хўжайин қаерда? - сўради йигитлардан бири.
- Сизларни кутяптилар! - жавоб қилди у.

Жувон саросимага тушганини билдириласлик мақсадида қаддини тик тутиб, йигитларга эргашди. Бирин-кетин ичкарига кириши.

- Хуш келибсиз, Султонхоним! - серсоқол одам ўрнидан туриб, аёлга салом берди. - Яхши етиб келдингизми? Марҳамат, ўтиринг!

«Соқол» ёнидан жой кўрсатди. Аёл ўтиреди. Дастурхон ноз-неъматларга тўлдирилганди. Султонхон қўлини кўксига қўйиб, ўзига билдирилган илтифот учун ташаккур айтди.

- Аллоҳга шукр...

«Соқол»нинг ишораси билан йигитлар чиқиб кетиши.

Мўйсафид қумғонда чой келтириб, кулба эгасининг олдига кўди.

Менинг исмим Мирхолдор. - деди у пиёлага чой кўйиб жувонга узатар экан. - Аллоҳ насиб айласа, сиз билан ҳамкорлик қиласиз. Одамларим бу ҳақда сизни огоҳлантиришган бўлса керак?

Аёлнинг кўз олдига «Бой ота» келди.

Ризобек сиз ҳақингизда яхши гапларни айтди, - деди жувон пиёлани қўлига олар экан.

У билан танишганимга икки йил бўлди. Шу давр ичida бир - биримизни тушуниб ишлайпмиз. Ўйлайманки, сиз билан ҳам муштарак мақсад йўлида ҳамкорлик қиласиз !

Ўзаро ишонч ва ҳурмат бўлган жойда ҳамкорликка путур етмайди, оға, - жувон туксиз қошлари-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

ни чимириб деди.

- Баракалло, кўнглимдаги гапни айтдингиз. Қани, марҳамат, овқатдан олинг. Йўл юриб очиққансиз!

Султонхон оч эди. Қовурдоққа қўл чўзди. Эшик вазифасини ўтайдиган парда кўтарилиб, бояги қариянинг қорайган юзи кўринди.

- Пешқадам, шўрвани сузайми?

Мирхолдор бош иргади.

Вақт кеч бўлиб, қуёш уфқа ёнбошлаб, қум тепалар қизғиши шуълага бурканиб, аста-секинлик билан зулмат чодирини ташлаётганди. Овқатдан кейин Мирхолдор меҳмонни бажариши керак бўлган ишлар билан таништириди.

- Ўзингизга аёнки, бизнинг «моли»мизни бир давлатдан иккинчисига олиб ўтиш анча хатарли. Бу ишда абжирлик, ҳушёрлик билан бирга айёрлик, муғомбирлик даркор. Кўлга тушган одам ўзини бадном қилиб қолмай, балки ортидаги шерикларига ҳам зарар етказиши мумкин. Қўлимиздаги «дори»нинг ҳар бир грамми ҳисобли. Бошлиқларимизга граммларнинг ҳам ҳисобини берамиз. Чунки бизни пул билан таъминлаб туришади. Бизнинг уларга зарар тўғрисида гапиришга ҳаққимиз йўқ. Кўлга тушсак ҳар қандай ҳолатда ҳам «дори»ни кимдан олганимизни, кимга элтиб беришимизни айтмаслигимиз шарт. Агар биз бошлиқларни алдамасдан, садоқат билан ишласак, қўлга тушганда уларнинг шахсини фош қилмасак, албатта, бизни қутқариб олишади. Лекин уларни сиз ҳам, мен ҳам кўрмайман, ҳатто танимаймиз ҳам. Аксинча, бизни ҳар қадамда кўриб, кузатиб туришади. Буни унуманг, Султонхоним! Сиз биздек дўстларингиз билан

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

ҳамкорлик қилишга рози бўлибсизми, демак, бу гапларимни ёдингизда сақлаб қолинг! Яна шуни унумтмангки, сизнинг кўлингизга ишониб топшириладиган «юк»ни биз Афғонистондан валютага сотиб оламиз. Чегарани кесиб ўтаётган ҳар бир одам каттиқ текширувдан ўтказилади. Чегарачилар ёнингизда нима борлигини кўзингиздан билиб олишади. Улар бир йил давомида бизнинг ярим тоннага яқин маҳсулотимизни ушлаб қолишиди. Бу жуда катта йўқотиш. Бир вагон пулни ҳавога совуриш дегани, хоним! Аммо биз чекинмадик. Кўлга тушган одамларимизнинг аксарияти эркаклар эди. Улар ўзларининг ноўрин харакатлари билан чегарачиларда шубҳа уйғотиб, қўлга тушишиди. Биз ўйлаб-ўйлаб бу ишга аёлларни жалб этиш керак, деган қарорга келдик. Ўзига тўқ, кувноқ, гўзал ва албатта, босиқ аёллар чегарачиларда унчалик шубҳа уйғотмайди. Сиз уларга дуч келганингизда ўзингизни эмин-эркин тутинг, кўзларингизни яширишга ҳаракат қилманг, худди тўйга кетаётган одамдек табасум билан боқинг. Суҳбатлашганингизда ҳаяжонланганингизни сездириб қўйманг. Фалокат содир бўлиб, қўлга тушсангиз, «дори»ни биздан олганингизни айта кўрманг! Ким берган, қаёққа олиб кетяпсан, деб сизни қисти-қафасга олишлари, ҳатто қийнашлари мумкин. Буларга чиданг. Қамалган кунингиздан эътиборан бизнинг қарамоғимизда-сиз. Ҳар куни турмага озиқ-овқат, кийим - кечаклар, кўнглингизни хушнуд этадиган буюмлар киритилади. Одамларимиз сизни озодликка чиқариш учун ҳаракат бошлашади. Қамоқда ўтирган ҳар бир кунингиз учун товоң пули тўланади. Ўйлайманки,

## Исҳоқжон НИШОНОВ

сиз ўзингизни қандай гуруҳга кириб қолганингизни тушундингиз. Талабларингиз, бўлса айтинг?!

Мирхолдор бу сўзлар билан Султонхонни кўрқитиш фикридан йироқ эди. Парда ортидаги сўзлар ила уни огоҳлантириди, ҳушёр бўлишга ундали. Аммо жувоннинг юраги увишди. Кўлга тушиб қолишдан, қамалиб кетишдан чўчиди. Ортга қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Бироқ шунча йўлни босиб ўтди. Қолаверса, ёлғиз эмаслигини, ортида ишончли ва забардаст одамлар борлигини, бошига ташвиш тушса улар ёрдам беришини, энг муҳими каттагина пул ишлашини ўйлаб, фикридан қайтди. Лекин тўланадиган ҳақнинг озлиги ўйлантириб қўйди.

- Ишончингиз учун раҳмат, оға! - деди жувон сұхбатдошининг кўзларига термулиб. - Мен ўз ҳунарларимни ишга солиб, «юқ»ни сиз айтган одамларнинг қўлига топшираман. Афсуски, менга тўлайдиган маошингиз камлик қиласи. Сўзларингизга қараганда, мен қил устида юрган одамга ўхшайман. Нотўғри қадам боссан тубсиз уммонга фарқ бўламан.

- Албатта, сизга тўланадиган ҳақни биз Ризо билан келишгандикимиз, - Мирхолдорнинг буришган қиёфасидан Султонхоннинг сўзидан норозилигини билса бўларди. - Икки минг доллардан ортиқ ҳақ тўлолмайман. Бусиз ҳам топган пулимизнинг кўп қисми харажатга чиқиб кетяпти.

Султонхоннинг кўзларида учқун чақнади.

- Менимча, икки минг доллар сизнинг ҳафтада бир чегара чизифини кесиб ўтишингизга камлик қиласи? - такрорлади Мирхолдор.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Мени кечиринг, оға, Ризони зүрға минг долларга күндиригандим...

Мирхолдор аёлга юзланди.

- Сизга минг доллар вайда қилдими?

Мирхолдорнинг қошлари чимирилиб, асаблари таранглашиб, юзидағи ажинлар сони ортганини аёл кеч пайқали. «Бой ота»ни воситачига тұланадиган ҳақнинг ярмини чүнтак қилиб қолиши Мирхолдорнинг ғазабини құзитғанди. «Бу Сайднинг иши. Ризо иккиси тил бириктириб, пулнинг ярмини чүнтак қилишмоқчи бўлишган. Сайднинг қўлидан бошқа ишлар ҳам келади», деган ўй юрагини жизиллатди. У ишдаги барча омадсизликларда айнан унинг қўли бор, деб баттар шубҳаланди. Бир ой муқаддам у топган одамлардан бири «дори»ни олиб, бедарак кетди.

Мирхолдорнинг боши қотди. Ўзгалардан кутиши мумкин бўлган хиёнатни яқин одами қилганига чидолмади. Аламини ичига ютди.

- Бундан кейин мендан оласиз!

Хонимнинг чехраси ёришди.

- Марҳаматингиз учун ташаккур, оға!

- Сайд Ризо билан юк тўғрисида гаплашишдими?

- Мирхолдор ўзининг ёқимли табассуми билан аёлнинг юрагига қўл солди.

- Йўқ, оға. Улар менга фақат «юк»ни керакли одамнинг қўлига топширишимни буюришди, холос.

Улар ташқарига чиқишганда осмонга ой чиққанди. Мўйсафид билан яна бир йигит қозон олдида ўтиришарди. Аёл уларни овқат пиширишаётган бўлса керак, деб ўйлади. Лекин димогига бошқа

нарсанинг иси урилди. У қозон ичига кўз ташлади. Қандайдир суюклиқ, сумалакдек билқиллаб қайнаяпти.

- Сиз олиб кетадиган «юк» шу, икки қунда тайёр бўлади. Унгача шаҳарга тушиб, ишларингиз бўлса битириб келишингиз мумкин! - деди Мирхолдор. Кейин йигитлардан бирини чақирди.

- Faффор!  
- Эшитаман, хўжайин!  
- Ҳозироқ опанг билан шаҳарга туш, Сайдни ернинг тагида бўлса ҳам топиб ке!

Faффор милтиқни Мирхолдорга узатди.  
- Бу сизда турсин, пешқадам!  
- Ҳонамга олиб кириб қўй!

Мирхолдор қозон тепасига келди. Суюқликдан қошиқда олиб, татиб кўрди.

- Яна бироз қайнасин, Ҳайдар! - деди қозон ёнида ўтирган йигитнинг олдига ўтирас экан. - Кейин идишларга жойлаштири! Индинга жўнатамиз!

Мирхолдор кечадан бери юрагини азоблаётган дардини унга айтгиси келди

- Назаримда, яна жойимизни ўзгартирадиганга ўхшаймиз!

Ҳайдар бошини кўтарди. Мирхолдорга юзланди.  
- Бу ерга келганимизга ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ-ку.

- Икки одамимиз қўлга тушди, биттаси «дори»ни олиб кетганча изсиз йўқолди. Улар ментларга бизни сотиб қўйиши мумкин. Падарингга лаънат Сайд бизга хиёнат қилаётган кўринади.

- Астағфуриллоҳ, бўлиши мумкин эмас!  
- Сайд келса, бу гапнинг тагига етаман!

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Нонкүр, сизга ёмонлик қилишга қандай ҳадди сиғдийкин?!

- Күйнимда илон сақлаб юрган эканман, Ҳайдар, кейинги пайтларда ишимизнинг орқага кетишидан унинг қўли бор.

- Билибсиз, хўжайин, мен ҳам шубҳаланиб юрадим, - Ҳайдар хаёлига келган фикрни тилига чиқарди. Мирхолдор газаб тўнғиган юзини унга бурди:

- Нимадан шубҳаланардинг, айт?!

Ҳайдар айтган гапига пушаймон бўлди.

- Нима десамикин хўжайин, шу десангиз, - у ўзини оқладиган баҳона излади.

- Гапни чўзмай айт, нимадан шубҳалангандинг?!?

- Шу десангиз, хўжайин, Саид шаҳарга тез қатнайдиган бўлиб қолувди-да...

- Чайналмай, гапир!

- Айтипманку, хўжайин...

Мирхолдорнинг назарида Ҳайдар Саид ҳақида билганларини яшираётгандек эди.

- Сезяпман, сен исқирт ниманидир беркитяпсан? Ишқилиб шерикмасмидинг?!?

- Шу, хўжайин, Саид «дори» пишираётганимизда қозоннинг тепасида тез-тез айланиб қоларди. Бир гал тайёрлаб қўйган «дори»миздан озгина камайиб қолувди...

- Нега ўшанда айтмадинг?!

Ҳайдар елкасига тушган муштдан гандираклаб, ўчиқнинг олдига бориб қолди.

Фаффор эртаси куни Саидни бошлаб келди. У ўзини бу ерда нималар кутаётганидан бехабар эди. «Султонхон кўнмаган бўлса керак», деб ўйлаганди. Мирхолдор уни қаҳр-газабга йўғрилган сўзлар би-

## ||||| Исҳоқжон НИШОНов |||||

лан қарши олди.

- Нима айб қилганингни биласанми?! ўшқирди Мирхолдор.

- Ўлимдан хабарим бор, бироқ... - Сайд дудуқланди. Унинг кўл-оёғи қалтираб, юзи оқариб кетганди.

- Сен, ўлимингдан ҳам бехабарсан, ажал тортганини билганингда келармидинг?! - мушт бўлиб тугилган қўлини боши узра кўтариб, Сайднинг теласига келди Мирхолдор. - Одамларга қанча ҳақ тўлардинг? - бошига тушган муштдан ҳам қаттикроқ зарба эди бу савол.

«Кампир сотибди», деган ўй Сайднинг юрагига ўқдек қадалди.

- Сиз ваъда қилган пулни олишарди, хўжайин?

- Ёлғон, гапирияпсан!! Агар уларга ваъда қилинган пулнинг ҳамасини берганингда ҳеч бири қўлга тушмасди, «дори»ларимни олиб қочмасди, мени сотмасди. Ҳар ойда жой алмаштириб, қочиб юрмасдим! Тушундингми?! Ризонинг одамига қанча ваъда қилгандинг?

Сайд таслим бўлишни истамади. Бу ерда гувоҳ йўқ. У билан алоқа қилган одамлар қочиб кетган, баъзилари темир панжара ортида.

- Икки минг доллар! - деди атрофга аланглаб.

Мирхолдор унинг бошига яна мушт туширди.

- Нонимни еб, тузимни ичиб, ёлғон гапирияпсан!!

- Хўжайин...

- Юм оғзингни, Султонхон менга ҳамма гапни айтиб берди.

- Хўжайин, ўшанинг сўзига ишониб, мени азоблашингиз инсофданми?

- Оғзингни юм! - Мирхолдор чугундек залворли

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

қўли билан Саиднинг пешонасига урди. - Сен бизга хиёнат қилдинг!

Саид бошлигининг оёғи остига йиқилди.

- Тавба қилдим, бир қошиқ қонимдан кечинг!!

Мирхолдор чодир томонга қараб қичқирди.

- Faффор!!

Faффор келди.

- Буюринг, пешқадам!

- Бунинг қўл - оёғини боғлаб, юлғун остига ташлаб қўй.

Faффор Саиднинг қўлларини қайриб, чилвир билан боғлади-да, юлғун томон ҳайдали.

- Кўлга тушибсан-да, тумшуғингдан илинибсанда! Сотқиннинг жазоси шу! Энди ўлигинг шу саҳро-да қолиб кетади.

- Султонхон қаерда? - сўради гўё аёл келса унинг жонига оро кирадигандек.

- Буни пешқадамдан сўра!

Faффор қўли билан Саиднинг биқинига ниқтаб, тезроқ юришга ундади.

- Худо хайрингни берсин, ошна, қўлимни бироз бўшат, оғрияпти!

- Кўп гапираверма, илдамроқ юр, офтобда турсам бошим оғрийди.

Faффор уни юлғун остига ҳайдаб келди.

- Маконинг шу ер, дамингни олиб ётавер!

Паст бўйли, қуриган шоҳлари кесилган дарахт остига бир чимдим соя тушиб турарди.

- Бу ер офтоб-ку! - минғирлади Саид.

- Хўжайниннинг галини эшитмадингми? Қани ўтири, оёқларингни узат, боғлашим керак. Қочиб кетсанг, бошим балога қолади. Бўл, узат оёқларингни!

## Исҳоқжон НИШОНОВ

Фаффор Сайднинг оёқларини бояглади. Унинг додлашига қарамай, чилвири шу қадар тортиб, қисиб боғлади-ки, томиридаги қон тўхтаб қолган-дек, увишди.

- Сал бўшат, онангни... оёқларим оғрияпти! - бақирди шеригини яхши гаплар билан йўлга солол-маслигини билган Сайд. Faффор бармоқларига ёпишган қум парчаларини қоқиб, иршайди.

- Жон ширин эканми, а?! Бизни қўлга тушириб берганингда ментлар ҳам ҳаммамизни бундан баттар қийнашарди? Сен эса хурсанд бўлардинг?! Хо... хоо!!

Сайд боши узра ўлим шарпаси кезиб юрганига ишонди. Ҳеч қандай тавба-тазарру, ҳатто Султонхоннинг илтимоси ҳам уни бу азобдан қутқаролмаслигини тушунди. Тирик қолишининг бирдан-бир йўли - қочиш.

Сайд қоронғу тушишини кутди. Қиёмга келган қуёш қайноқ нурларини тутқуннинг боши узра сочарди. Баданидан тер қуйиларди. Кўйлаги ивиб, қум ёпишиб қолганди. Тутқун юраги патиллаб, ўпкаси бўғзига тиқилиб қолгандек нафас оларди. Остидаги қум куйдиарди. Оғзида нам қолмади. У Faффорни чақирди:

- Faффор!! Ҳой Faффор!!

Йигит қиё боқмади.

- Падарингга лаънат, иссиқдан ўлиб қоламан, мени салқинроқ жойга ол! Нега раҳминг келмайди. Ўлиб қолсам уволимга қоласан! - хириллади Сайд.

- Бақир, қаттиқроқ бақир! - деди Faффор тутқун ётган томонга эринчоқлик ила қараб. - Бу ерда жонингга ачинадиган одам йўқ!

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

Саид охир-оқибат ҳолсизланиб, бошини қумга ташлади. У ўликдек чўзилиб ётарди. Кўп сув йўқотганидан этидан нам қочиб, чилвир бўшаб, томирларидаги қон ҳаракатга келганди.

Қанча ётди, билмайди, қулогига чалинган овоздан бошини кўтарди. Faффор келаётган бўлса керак, деган умидда бошини кўтарди. Аммо у бояги жойида ёнбошлаб ётарди. «Сен ҳажиқиз, бир кун қўлимга тушасан, ёниб турган оловга ташламасам, отамнинг ўғли эмасман», ўзича пичирлади Саид. Бошини қайтадан қумга қўйди. Яна бояги товуш эшитилди. «Гапим таъсир қилган бўлса келаётгандир», деб ўйлади. Ёшланган кўзлари икки қадамча нарида ялпоқ бошини кўтариб, эшилиб, судралиб келаётган олачипор илонга тушди...

Мирхолдор Faффор келтирган овқатдан бир-икки чимдим еб, ёстиққа бош қўйди. Ҳаёл уни ўтмишидаги ажабтовур воқеалар томон олиб кетди. Саид билан уч йил бирга ишлашди. Икковларининг ҳам чўнтаклари бўм-бўш, ҳемирисиз эди. Мирхолдор таниш-билишларидан қарз кўтарди. Тижорат билан шуғулланишди. Савдони Саид қилди. Мирхолдор шаҳар кезиб, ноёб моллар келтирди. Топаётган пуллари чакки эмасди, аммо қониқишимасди. Хорижлик ҳамкорлари Мирхолдорга янги иш таклиф қилишди.

- Сиз бошқариб турасиз, савдони бошқа одамлар қилишади, - дейишди улар. - Муҳими, ҳозирги ишингиздан юз баробар кўп фойда кўрасиз. Бир йилдаёқ бойиб кетасиз!

Пул ишқи юрагини қитиқлади. Оқибатини ўйладами. Улар айтган ишни Саиднинг зиммасига

## Исҳоқжон НИШОНОВ

юклади. Харидорларни Россиядан излади. Эски танишлари ёрдамлашиб юбориши. Бир гал Мирхолдор чегарада кўлга тушди. Уни формасиз одамлар ушлаши. Ёнидан ярим килограммдан мўлроқ героин чиқди. Кўзларини боғлаб, машинага ўтқазиб, номаълум томонга олиб кетиши. Камерага эмас, қандайдир ертўлага қамашди. Икки кун сўроқсаволсиз ётди. Тергов қилиш учун тепакал одам кирди. На тожик ва на русга ўхшарди. Тили ҳам фалати эди.

- «Дори» савдоси билан кўпдан бери шуғуллансанми? - сўради кал.

- Йўқ, - жавоб қилди Мирхолдор.  
- Тўғрисини айт, ўзингга қийин бўлади. Шерикларинг кимлар?!  
- Ёлғизман...

«Терговчи» аччиқланмади. Эшик олдида турган йигитларга қараб қўйди. Улар Мирхолдорни ўртага олиб дўппослаши. Шерикларингни айт?

- Шерикларингни айт?  
- Ўзимман!  
- Героинни кимга элтиб берардинг?  
- Ўзим чекардим! зўрга жавоб қайтарди Мирхолдор.

Йигитлар яна дўппослаши. Мирхолдор калтакларга ўзини тутиб берди-ю аммо шерикларини сотмади. Саид турган жойни айтса, азоблардан кутуларди. Худди итни тепгандек тепишмасди. Мирхолдорни хушдан кетгунча уриши. Эрталаб ўзига келди. Тушдан кейин кал қайтиб кирди.

- Шерикларинг ким, «дори»ни кимдан олардинг,

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

кимларга сотардинг? - сўроққа тута бошлади.

Мирхолдор лом-мим демади.

Кал уни ертўладан олиб чиқиб кетди.

- Ювинтиинглар, кийинтиинглар! - буюорди ёрдамчилариға.

Мирхолдорни овқатлантиришди. Яраларини боғлашди. Кейин яна калнинг олдига олиб киришди.

- Сенга ишондик. Биз билан ишлайсан, - деди Мирхолдорга.

- Сиз кимсиз? - сўради Мирхолдор.

- Кимлигимизни суриштирма. Муҳими, топшириқларимни бажар, буйруқларимизга итоат қил!

- Нима қилишим керак?

- Танишларинг билан алоқангни мустаҳкамла.

Улардан кўпроқ «дори» ол. Атрофингга ишончли одамларни йиг!

- Мени танишларим йўқ, - Мирхолдор калнинг мақсадини тушунмади. У мени алдаяпти, деб ўйларди ҳамон.

Бу гапдан кал аччиқланмади. Юзида фазаб эмас, балки кулгу ўйнади. Тортмадан бир даста суратларни олиб, қўлига тутқазди. Мирхолдор расмдагиларни таниди. Сайд ҳам бор эди. Терговчининг қўлида унинг айбини фош қиласидиган шунча далилий ашёлар бор экан, нечук шерикларини сўради? Синовдан ўтказдими?

- Маблагим йўқ, - деди ёнидаги одамнинг кимлигини тушуниб.

- Пул билан ўзим таъминлайман!

Кал бармоқларини қарсиллатди. Ёрдамчиларидан бири «дипломат»ни унинг олдига қўйди.

- Беш юз минг доллар! Ҳаммасига «дори» оласан!

## Исҳоқжон НИШОНОВ

Қайта ишлайсан!

- Уни кимга бераман?  
- Одамларимиз кимга топширишингни айтишади. Тушундингми?!

Мирхолдор ҳеч нарсага тушунмаган бўлса-да, минфирилди.

- Тушундим....

У пулни олиб, юртига қайтди. Сайд уни кутиб ўтиради.

- Тинчликми? Нега бу қадар узоқ қолиб кетдинг?  
- сўради у Мирхолдорнинг моматалоқ бўлиб кетган юзига тикилиб. -Бирортаси билан жанжаллашдингми?

- Сўрама, мени аввалига Худо урди, кейин бандаси бойлик берди!

Улар бундан кейин бажарадиган ишлар хусусида маслаҳатлашишди.

- Эртага мен танишларимнинг олдига жўнайман... Кетганимни бирор билмасин!

- Пул йўқ-ку, олиб келган героинларимиз турибди...

- Қанча қолган?  
- Икки килограммча, - жавоб қилди Сайд.  
- Яхши. Мен келгунча қимирилатма. Аввалги мижозларимиз келса, биз энди бунаقا ишлар билан шуғулланмаймиз, деб қайтариб юбор.

Мирхолдор «дипломат»ни Сайднинг олдига қўйди.

- Ичиди беш юз минг бор. Одамнинг кўзи тушмайдиган жойга беркит.

У ўрнидан турди. Шерикларини қидириб жўнади. Бир ҳафтача йўқ бўлиб кетди. Ниҳоят, қайтди. Халтасида ҳали ишланмаган геройн бор эди. Хон-

## ||||| БАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

тахта устига ёп... Шу пайт кимдир эшик қоқди.  
Сайд чиқди. Остонада нотаниш одам туарди.

- Мирхолдор шу ердами?
- У киши... - Сайд унинг йўқлигини айтмоқчи  
эди, аммо нотаниш кимса унинг сўзини бўлди.
- Ҷақириб юбор!

Мирхолдор чиқди. Келгувчининг башарасига  
боқиб, танимади.

- Хизмат?
- Шеф сиз билан эрталаб учрашмоқчи, - деди у.
- Қаерда?
- Поездда!
- «Юк» билан а?
- Шундай!
- Уни кимга топшираман!
- Одамларимиз поездга чиққанингизда айтишади!

У бармоғидаги бриллиант кўзли узукни олиб,  
Мирхолдорга узатди.

- Одамимизнинг қўлида ҳам шундай узук бўлади.  
Шунга қараб муомала қиласиз!

Мирхолдор эрталаб йўлга чиқди. Кўркувни унуганди. Чегарада ҳам ортиқча текширишмади. Поезд  
Москвага яқинлашганда хонасига ёши улуф одам  
кириб келди. Мирхолдор шошиб унинг бармоқла-  
рига қаради. Узукни кўрди. Лекин гапирмади. Бир  
четга ўтиреди. Поезд бекатга кириб келганда «Ор-  
тимдан юр», деди. Улар бирин-кетин пастга ту-  
шишди. Хилват жойга келишганда:

- «Юк»ни бер! деди бегона одам.
- Мирхолдор қорнига боғланган «дори»ни олиб,  
унинг кўлига тутқазди.
- Ҳаммаси!

## Исҳоқжон НИШОНОВ

Нотаниш кимса индамай ортига буриб кетди. Мирхолдор киссавурга пулини олдирган одамдек анқайиб қолди. Кейин бекатга қайтди. Нима қилишини билмай, боши қотиб ўтирганда бриллиант кўзли узук тақсан яна бир одам келди. Қўлига чипта тутқазди.

- Ярим соатдан кейин поезд келади. Уйингга қайт!

Мирхолдор уйига келган куни калнинг одамлари «бошқа безовта қилмаса керак», деб ўйлаганди. Икки кун ўтиб йўқлашди. Оддига бир даста пул ташлашди.

- Улушинг, хўжайин хурсанд бўлди!

Мирхолдор пулни кўриб, кўзларига ишонмади. Бир йил ишласа-да, шунча бойлик тополмасди.

- Ўрнингга одам топ! «Юк»ни у олиб боради! Узукни бармоғига тақиб қўй!

Мирхолдор бу ишни Сайднинг зиммасига юклиди. У шаҳар айланиб танишларидан бирини топди. Кўринишидан абжир ва улдабуронлиги билиниб турадиган бу кимса Мирхолдорга ҳам маъқул тушди. Корнига героинни боғлаб, қўлига чиптани тутқазиб, поездга чиқариб қўйди. Бу галги сафар омадсиз келди. Одамларини чегарада ушлаб қолишиди. Бу хабарни калнинг вакили келтирди.

- Зудлик билан жойингни ўзгартириб, - кўрсатма берди у. - Одаминг кўлга тушди!

Мирхолдор одамларини эргаштириб, тепалар ичидан макон топишди. Бу ерда инсон зоти кўринмасди. Мирхолдор чегарага жўнади. Катта миқдорда героин олиб ўтди. Уни қайтадан ишлади.

- Аёл киши топ! - буйруқ берди Мирхолдор.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

Улар чегарачиларда у қадар шубҳа уйғотмайды.

Сайд шаҳарга тушди. Ризо унга Султонхонни рўпара қилди.

Бир-иккита ташмачининг қўлга тушиши, минг азобда тайёрланаётган «дори»ларнинг сирли ра-вишда камайиб бораётгани ҳақиқатдан ҳам Мирхолдорнинг кўнглида шубҳа уйғотганди. Бу ишда Сайднинг қўли борлиги хәёлига келмаганди. Султонхоннинг ҳақидан уриб қолганлиги эса унинг барча гумонларини ҳақиқатга айлантирганди.

Сайд чинданам илондан кўрқарди. Бу ёрларда заҳарли илонларнинг яшашини, чаққан одам бир неча соатдан сўнг фалаж бўлиб, ўлишини эшитганди. Сайд ўзи томон тилини чиқариб, тухумдек бошини чайқаб, хиёл очилган оғзидан заҳар томиб, ўроқ тишларини кўрсатиб келаётган илонни кўриб, қичқириб юборганди. Унинг овозиFaффорнинг қулоқларига етиб борди.

Илон бошини янада баланд кўтарди. Аччиқланиб вишилллади. Одамнинг кўрққанини кўзларидан билди. Сайд илоннинг ҳужумидан кутулиш мақсадида жон талвасасида орқага ташланди. Ёнбагирликка келиб қолди ва пастликка юмалаб кетди. Олдинга ташланган илоннинг оғзи қумга тўлди. У анча нарига бориб қолган одамга ҳужум қилишни истамади. Кўргонидан ёвни қувганидан кўнгли таскин топиб, юлгун остидаги тешикка бошини сукди.

Faффор тепаликка боққанда Сайд жойида кўринмади. Кўрқиб кетди ва ўрнидан туриб, чопиб юлғун олдига келди. Пастда ётган тутқунни кўриб, кўнгли таскин топди.

- Нима бўлди? Нега оламни бузгудек бўкирасан!

## Исҳоқжон НИШОНов

- деди оёгини Сайднинг кўкрагига қўйиб.
  - Илон, юлғун остида илон! Чақмоқчи бўлди! - Сайд зўрга тилга кирди.
  - Жойини эгаллаб олганингдан кейин қувади-да.
  - Faффор бошини чайқаб қўйди. Қани, тур ўрнингдан. Илонга бу ернинг янги эгаси мана шу киши, деб тайинлаб қўяман, у сени бошқа безовта қилмайди! Хо... хо!! қотиб-қотиб кулди Faффор.
  - Керак эмас, бормайман, шу ерда ётавераман! - деди Сайд бироз ўзига келгач.
  - Майли, сен истаганча бўла қолсин! - Faффор чирт этиб тупуриб, ортига бурилиб чодир томон юра бошлади. Сайд унинг изидан қичқирди.
  - Faффор, тўхта!
  - Яна нима дейсан? - ҳайрон бўлиб ортига қайрилди.
  - Сув бер, томоғум қақшаб, ичим ёниб кетяпти. Ўлиб қоламан!
  - Сув ичгинг келдими? Чанқадингми? - Faффор Сайдга қараб бир нарса ёдига тушгандек, шошиб шимининг тугмаларини бўшатди. Сўнг унга қараб чоптириди.
  - Ўлдирман, ўлдирман, Faффор, бу ишинг учун соғ қўймайман! - қичқирди аламзада Сайд.
- Шу дамда чўлни ёндириб-куйдирган қуёш ўзининг сўнгги нурларини йифиштириб, тепаликлар ортига ёнбошларди.
- Сайд оёқ-қўлларини чилвир азобидан холос этди. Faффорнинг чўзилиб ётганини кўриб, чодир томон эмаклаб юрди. Мирхолдор эса кўринмасди. «Ухла-ётган бўлса керак», деб ўйлади Сайд. У сас чиқармай чодир олдига келди. Faффордан эшитган ҳақо-

## /// // ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР //

ратлари, айниқса, юзига қараб чоптиргани юрагига санчилган пичоқ мисол азоб берарди. Жисми жони қасос оташида қовриларди. Қозон остидаги олов аллақачон ўчган бўлса-да, иссиқ ҳовур кўтарилиб турарди. Дорининг иси ҳавони тутганди. Ҳайдар эса анчадан буён кўринмасди. Афтидан, у хўжайиннинг топшириги билан қаёққадир кетган.

Сайднинг кўзи Faффорнинг белидаги пичоқقا тушди. Уни шарпасиз суғуриб олди. Тиз чўкиб, бир қўлини Faффорнинг оғзига босди, ханжарни эса юрагига санчди. Faффор жон ҳолатда типирчилади. Додламоқчи бўлди, аммо Сайднинг гавдаси унинг қимирлашига имкон бермади. У типирчилаб охири тинчиди. Сайд пичоқни мурданинг кўкрагидан суғуриб олди. Мирхолдорнинг чодири томон юрди. Эшик ёнида тўхтади. «Сени уйқунгда ўлдириш номардлик. Бир мегажиннинг сўзига ишониб, мени азобладинг, қонимни ичмоқчи бўлдинг. Аммо мен номард эмасман, вақти келиб сен билан юзма-юз бўлганимда, ўзимнинг ҳақлигимни исботлаб, кейин ўч оламан. Жазосиз қолмайсан».

Сайд барханлар томон юриб кетди. Зулмат уни кўздан яширди.

Мирхолдор ташқарига чиққанда осмондаги ой мўл-кўл нурларини саҳро узра сочганди. У тепаликдаги юлғун ортига ўтди. Сайд билан гаплашиб олмоқчи бўлганди. Аммо излаб келган одами кўринмади.

- Сайд! Ҳо, Сайд!

Атрофга боқди. Сайд кўринмади.

Мирхолдор негадир қўрқиб кетди. Барханлар ютиб юборадигандек эди. У чодирга қайтди. F

## Исҳоқжон НИШОНОВ

аффорни оғзига келган сўзлар билан сўкиб, чақириди.

- Faффор, турсанг-чи ўрнингдан! Саид қочибди!

Faффордан садо чиқмади. Мирхолдор белига тепди.

- Улиб қолдингми, тур!!

Faффор қимирламади. Юзини қумга босганча ётаверди. Қашқирдай қутурган Мирхолдор бўйнидан ушлаб, тортди. Кўзи қонга ботган кўйлагига тушганда, юраги шув этиб, мурдани ташлаб юборди.

\*\*\*\*\*

Ҳамид Олма-Отага кечки пайт етиб келди. Шаҳар совуқ эди. Поезддан тушиши биланоқ эти жунжикиб, қалтиради. Кийимлари юпун эди, иссиқроқ кийим харид қилиш мақсадида бекат ичидаги дўконга ўтди. Поездга чиққанда хавотирланганди. Лекин йўлда ҳеч ким уни тўсмади, хужжатини ҳам суриштирмади. Устидаги юпқа кийим билан мелисаларда шубҳа уйғотмаслик учун тезроқ кийиниб олиши керак эди. Баҳром берган минг доллар чўнтагида эди. У дўкондан ўзига мос куртка харид қилди. Дилдираётган баданига илиқлик югурди. У меҳмонхоналарда яшай олмасди. Ҳужжат сўрашади. Ўзини тутиб бериши мумкин. Нима қилиш керак? Бегона шаҳар, бегона одамлар! Танишибилишлари йўқ. Ўйлаб - ўйлаб ниҳоят, хусусий хонадонлардан жой топишга қарор қилди.

Матбуот дўконидан реклама газетасини сотиб олди. Тезда ўзи излаган нарсани топди. Кўрсатил-

## /// / ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР // //

ган манзилга құнғироқ қилди. Хонадон әгаси билан сұхбатлашды. Керакли маълумотларни олгач, айттылған манзилга жүнаб кетди. Тұртингі қаватта құтарилиб, әшик тепасидаги құнғироқ тұгмачасини босди. Йигирма беш ёшлардаги қызы әшикни очди.

- Ижара учун уй қидириб юрган одам мен әдим,
- деди Ҳамид уй әгасига.
- Марҳамат, кириң!
- Қызы үзини четта тортиб, мәхмонға йўл бўшатди.
- Кечириңг, уй сал тартибсизроқ, супуриб-сиришга улгурмагандим!
- Хижолат бўлманг!

Ичкари кирганды Ҳамид уйнинг озода ва шинамлигини кўриб ҳайрон қолди. Ҳамма нарса тартиб билан териб қўйилганди. Фақат гилам устида қызниң устки кийимлари сочилиб ётарди. Бунинг устига ошхонадаги стол йиғиштирилмаган, афтидан қызы овқатланиб ўтирган бўлса керак.

- Марҳамат, ўтириңг, - уй әгаси мәхмонни диванга таклиф қилди. Телефонда сизга айтиш керак бўлган гапни унугтибман, - деди қызы хижолатомуз. Гап шундаки, мен уйни эмас, балки, унинг бир хонаси ни ижарага беришим мумкин.

- Ҳечқиси йўқ, мен ёлғизман. - деди Ҳамид. У имкон қадар үзини ўқимишли ва зиёли сифат кўрсатишга уринарди. Ҳар бир гапни шошмасдан айттарди.

- Менинг исмим Ҳамид, бу ерга бир танишимни излаб келдим, - деди мәхмон.

- Хурсандман, - деди уй әгаси оппоқ қўлинини чўзиб. - Менинг исмим Наташа... - қызы үзининг исмини мулойим оҳангда айтди.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Хижолат бўлманг, Наташа, менга бир хона етади.

- Ростданми? - жилмайди Наташа. - Унда юринг, мен сизга ётогингизни кўрсатай.

Хона Наташа айтганчалик кичик эмасди. Ҳамид хонани кўздан кечирав экан, бу ерда яна бир хона борлигини билди.

- Сиз қаерда турасиз?

- Мен қўшни хонада тураман, - жавоб қилди қиз. У меҳмонга хона ёқмаган бўлса керак, деган хавотирда эди. Шунинг учун «Сизга маъқулми?». деб сўради паст овозда.

- Маъқул, - жавоб қилди Ҳамид.

Қизнинг чеҳраси ёришиди.

- Унда bemalol жойлашишингиз мумкин. Бу ерда неча кун қолмоқчисиз?

- Бир ҳафта!

- Мени кечиринг, аванс тариқасида · пулнинг ярмини олдиндан тўлашингиз лозим.

Ҳамид ҳамёнидан юз доллар олди ва уни Наташага узатди.

- Мана, икки ҳафталик ҳақингиз. Бира тўла ҳисоб-китоб қилганимиз маъқул.

Наташа пулни халатининг чўнтағига солди.

- Сиз bemalol, ўз уйингиздагидек жойлашинг, мен пастга тушиб дўкондан озиқ-овқат харид қилиб келай. Уйда егулик қолмаганди.

Икки кун йўл юриб, толиқдан бўлишига қарамай, Ҳамид анча тетик ва бардам эди. Юрагидаги ваҳимали қўрқув тарқаб кетганди. Мелиса излаб, бу ерга келмайди. Ўзга юрт, ўзга одамлар орасида уни топиш осонмиди? Қидирув ўз ютида, ўз шаҳрида

## ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

давом этишига қаттиқ ишонарди. Бу ердаги мели-саларнинг у билан неча пуллик иши бор? Мұхими, түполон күттармаса, безорилик қымаса, бирорни хафа қымаса ҳеч ким унга тегмайди.

Орадан ярим соатлар ўтиб, Наташа иккита халтада озиқ-овқат күтариб кириб келди. Унинг чөхрасидан кайфияти яхшилиги билиниб турарди.

- Қорнингиз түқ бўлмаса керак? - сўради қиз. - Ҳозир овқат тайёрлаймиз.

Ҳамид уни лабларида ним табассум билан кузатди. Тилларанг соchlари елкасига тушиб турган Наташа этнидаги оқ халат билан унинг кўзларига жуда чиройли кўринарди.

- Агар қарши бўлмасангиз, овқатни мен тайёрласам, сиз бугун менинг меҳмоним бўласиз.

- Қандай овқат тайёрламоқчисиз? - сўради уй бекаси.

- Буниси ҳозирча сир!

Наташа йигитнинг кўзларига тикилди. Бироқ у бу кўзлар ва сохта табассум юракдаги ғам ҳамда қайғуни яшириб турганлигини билмасди. У ўзи учун керакли бўлган маъноларнигина уқиб олди.

- Қарши эмасман. Одатда эркаклар тайёрлаган таомлар аёлларникига нисбатан ширинроқ бўлади. Менинг ёрдамим керак эмасми?

- Малол келмаса, ғабзи билан пиёзни тайёрлаб берсангиз. Қолганини ўзим уddaрайман.

Наташа сабзи билан пиёзни арчиб берди. Бу орада Ҳамид гуручни тозалади. Наташа четда томошабин бўлиб туролмасди. Ҳамидинг чаққон ҳаракатларини кузатиб, унинг қандай таом пиришаётганини билишга уринарди. Масалликлар қозонга

## Исҳоқжон НИШОНОВ

ташланганда у:

- Билдим, қандай овқат тайёрлаётганингизни, - деди.
- Хўш, қандай овқат экан, айтингчи?
- Палов!
- Топдингиз!

Ҳамид ошни дамлаб, дўконга тушиб келмоқчилигини айтганида Наташа:

- Фақат супермаркетга ўтинг, ўша ерда арzonроқ сотишади, - деди. Ҳамид пастга тушиб, супермакетни излади. У уйдан юз метрча нарида жойлашганди. Тахтачаларга териб қўйилган винолардан икки шиша олиб, сумкасига ташлади. Кейин колбаса ва апельсин харид қилди. Наташа учун икки дона шоколад ҳам қўшиб олди. У қўлида икки сумка юқ билан қайтиб келди. Бу орада қиз стол устини безаб улгурганди.

- Сиз ажойиб уй бекасисиз, - деди безатилган столга назар ташлаб. Меҳнатингизни қадрлаш ва ювиш керак!

Ҳамид винони олиб, стол устига қўйди ва қадаҳларга кўйди.

- Мен учун кейин ичамиз, аввал бу дунёдаги барча яхши одамлар учун ичайлик. Яхшилар яна ҳам қўпайсин!

- Ўринли таклиф, - мамнунлик билан қадаҳни қўлига олди Ҳамид. - Сиз айтган одамлар учун. У негадир яхши деган сўзни ишлатолмади. Иккинчи қадаҳ меҳмоннинг ташрифи учун кўтарилди. Кейингисини эса Наташанинг соғлиги учун олишиди.

Ҳамид қўлларини ияигига тираганча, Наташадан кўзини узмай ўтиарди. Уларнинг қорни оч бўлса-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

да, винонинг ўтқир ҳиди иштаҳаларини бўғиб қўйганди.

Ҳамид ўз ҳаётида кўплаб аёллар билан учрашган, ҳар гал улар билан сухбати бу қадар эркин ва хотиржам бўлмаганди. У учратган аёллари билан узоқ вақт юришни истамасди. Бир - икки ҳафталик муносабатдан сўнг ундан қочишга ҳаракат қиласарди. Вақти келиб табиат уни аёллар билан яқин муносабатда бўлишга ундарди. Ва яна унинг ҳаётида ажабтовур воқеалар бошлинарди. У бошни айлантирадиган ифорлар исини яқиндан туйишга ошиқарди. Ҳамид ўзи сезмаган ҳолда қаршисида ўтирган қизнинг нозик бўйнига қўлинни ташлади ва енгил ҳаракат билан уни бағрига тортди. Ичкиликдан боши айланган қиз йигитнинг кўкрагига бош қўйди. Димоғларига урилган ажиб бир ифордан йигит баттар маст бўлди. Наташа қаршиликсиз унинг қучогига кирди. Ва кўксисда йигитга бўлган интилиш тўлқин мисоли жўш урди.

Ҳамид кўзларини очганда тонг ёришганди. Ним қоронгу хонада бағрида ётган қизни бошқа кўз билан кўрди. Наташа кўзларини очди ва йигитга қаради. Уларнинг юраги ишқ оташида ёнарди. Бу эса улар ҳаётида содир бўлиши мумкин бўлган воқеанинг бўлиб ўтганлигини мияларида чақин мисоли ёритди.

- Ҳафа эмасмисан? - Ҳамил жуда осудалик билан сўради.

- Асло, мен учун жуда ҳам яхши, - жавоб қилди Наташа.

Наташа йигитнинг кўкракларини силади ва худди ўзига ўзи гапиргандек шивирлади.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Бундай воқеа менинг ҳаётимда илк бор содир бўлиши.

Ҳамид эрталабки овқатдан сўнг ҳамёнидаги пулларни санаб кўрди. Ишлатмасдан еб ётиш учун узори билан бир ойга етгулик ақчаси қолганди. Бегона юрт, ёд одамлар орасида қийналмаслик учун ишга кириш лозимлигини ўйлади.

...Бозорда ҳаммоллик қилиб юрган Ҳамидинг баҳтига юртдошларидан бири учраб қолди.

- Мен уйимга жўнаяпман! - деди у. - Хоҳласанг ўрнимга сени қолдираман.

- Нима иш қилишим керак?

- Лўли чолнинг хизматини қиласан. Яхши одам, меҳнатингга яраша ҳақ тўлайди.

- Яхши бўларди, арава судраш ҳам жонимга тегди!

- кутилмаган таклифдан боши осмонга етган Ҳамид розилигини изҳор қилди.

- Сени кеч соат еттида кутаман, исмим Искандар!

- деди йигит унга манзилини тушунтириб.

Бу учрашув Ҳамид учун кутилмаган баҳтга айланди. Анчадан бери арава тортиш жонига текканди. Бунинг устига бозорда ишлаш хатарли эди. Танишлари учраб қолишидан ёки мелисанинг қўлига тушишдан хавфсиради. Лўли чолнинг уйида ишласа, таниш кўзларга ташланмайди. Кўрқиб яшамайди ҳам.

Ҳамид оқшомда ҳамюртининг ёнига борди. Искандар уни кутиб ўтирганди, чолнинг ҳузурига олиб кирди. У ёши олтмишлардан ўтиб қолган, гавдали, юзининг ярмидан кўп қисмини мош-гуруч соқол босган, кўринишидан кўрқинчли кимса эди. Лўли катта-катта кўзларини Ҳамидга тикиб, андак жим

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

қолди. Қариянинг қараашларидан юрагини ваҳима босди.

- Исминг нима? - ниҳоят тилга кирди чол.
- Ҳамид, - унинг овози титраб чиқди..
- Қачон келдинг бу ерга? - қария томирларига қон куюлиб, қизарган кўзларини унга тикиб турарди.
- Бир ой бўлди!
- Кўлингда ҳунаринг борми?
- Ҳар қандай иш бўлса бажаравераман!
- Машина ҳайдашни биласанми?
- Биламан, аммо ҳужжатларим йўқ!
- Эшик олдида менинг «Жигули»м турибди, эрталабгача юриши керак!

Қария гап тамом, дегандек ўрнидан турди.

Машина эски эди. Кўринишидан бой-бадавлат бу чолнинг алмисоқдан қолган машинани миниб юриши кулгили эди. Ҳамид туни билан машинани таъмирдан чиқарди. Эрталаб юргизди. Лўли машинасининг овозини эшитиб мамнун бўлди.

- Ўзинг ҳайдайсан! - деди у машина ортидаги ўриндиққа ўтирас экан.

- Ҳужжатларим йўқ, амаки!
- Менинг машинамни шаҳарда ҳеч ким тўсмайди.
- Ҳамид рулга ўтирди.
- Қаёққа борамиз?
- Дала-ҳовлига!

Ҳамид дала-ҳовлининг қаердалигини билмасди. Катта йўлга чиқишганда сўради:

- Қаёққа юришимни айтиб туринг, амаки, мен дала-ҳовлингизни кўрмаганман!

Машина катта йўлда елиб борарди. Шаҳар ортда қолди. Чол лабидаги сигаретани тутатиб, бироз

## Исҳоқжон НИШОНОВ

пастга туширилган ойнадан ташқарига боқиб, ўй сурарди. Яйлоқ далалар, овуллар кўринди.

- Ўнгга қайрил! - қария дараҳтлар кўкариб турган томонни кўрсатди. - Менинг ҳовлим ўша ерда!

Олисдан кўриниб турган дараҳтларнинг бўйи баланд бўлса-да, танаси йўғон эмасди. Атиги бешолтита ёғочдан қурилган уйчалар қад кўтариб турарди. Биринчи уйга етишганда Ҳамид чолнинг ишораси билан машинани тўхтатди. У пастга тушди, индамай уйчага кириб кетди. Бир соатлар ўтиб, йигирма ёшлардаги қизни эргаштириб чиқди. Эгнига торгина жинси шим ва костюм кийган, елкасига қора қўнғир соchlари ёйилиб тушган, ёй мисол қайрилма қошлари остидаги кўзлари чақнаб турган бу фаришта чолнинг қизи эканлиги билиниб турарди. Қиз олдинги ўриндиқقا ўтирди. Машина юргандан сўнг улар ўз тилларида нима ҳақдадир чугурлашиши. Ҳамид сухбатнинг маъносига тушунмаса-да, қизнинг андак асабийлашганини сезди. Отасига жон куйдириб нималарнидир тушунтиришга уринарди. Чол эса унинг сўзларига унчалик аҳамият бермасди. Катта йўлга чиқишганда қизнинг чехраси ёришли.

Ҳамид лўли қизларнинг бу қадар сулув ва дилбар бўлишини билмасди. Одатда улар эгнига узун кўйлак кийиб, ювилмаган паҳмоқ соchlарини елкалари га ташлаб юришарди. Бироқ ёнида келаётган соҳибжамол Ҳамид кўрган лўлиларнинг бирортасига ўхшамасди. Ота-бона ўртасидаги можароли сухбат якун топғач, қиз кўзларини бир нуқтага қадаганча жим қолди. Ҳамид унга кўз қирини ташлаб қўйди. Қиз буни пайқади. Учинчи бор қараганда хиёл

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

юзини бурди. Күзлар учрашди. Улар сўзсиз бир-бирларига тикилиб қолиши. Тим қора күзлар Ҳамидни мафтун этганди. Унинг нигоҳлари шу қадар чиройли, ёқимли, маъюс ва айни пайтда одамнинг ақли - хушини ўғирлайдиган даражада сеҳрли эга эди. Йигит сим-сиёҳ кўзларнинг боқишига дош беролмади. Нигоҳларини олиб қочди-ю шу лаҳзада ички бир туйғу унинг юракларини қитиқлаб, яна қиз томон қарашга мажбур қилди. Бу галги учрашув енгил, аммо дилларга оташ солгувчи табассум билан алмашинди.

- Мен уйда қоламан, оппоғим, - деди чол шаҳарга кириб келишганда. - Ҳамид, сен Алёнани уйига ташлаб қўй!

Қария бурилишда тушиб қолди.

- Алёна, ўзингча иш тута кўрма, нима қилсанг ҳам мен билан маслаҳатлаш! - деди Барон қизи билан хайрлашишдан аввал. - Балки улар сен айтганчалик ёмон одамлар бўлмаса керак!

- Ортиқ сабр қилолмайман, дада, яна баҳона қиласдиган, бизни алдайдиган бўлса, бу ердан соғ кетмайди!

Кекса лўли қизига нимадир демоқчи бўлди, аммо индамади, қайрилиб уйи томон жўнаб кетди.

Ҳамид машинани юргизди. Улар анча жойгача индамасдан бориши. Ҳайдовчи ёнидаги гўзалнинг уйи қаердалигини билмасди.

- Уйинг узоқми? - сўради қиздан.

- Унчалик узоқ эмас, янги қурилган домда яшайман!

- Бурилишларни айтиб тур, бу кўчаларда биринчи юришим!

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Отамнинг қўлида анчадан бери ишлайсанми? - сўради Алёна йигитга юзланиб.
- Кеча танишдик, - жавоб қилди Ҳамид.
- Отамнинг ишончига тез кирибсан. У ҳаммага ҳам ишониб, машинасини беравермайди.
- Менинг ҳужжатларим йўқ, мелиса тўсмайдиган кўчадан юрсак яхши бўларди.
- Кўрқма, бу ердаги мелисалар отамнинг машинасини тўсишмайди. Уларнинг ҳаммаси отам билан ошна... Анови дўкон олдидаги тўхта, майда-чўйда харид қилиб олай...

Ҳамид машинанинг тормозини босди.

Алёна пастга тушди.

- Ёрдамлашгани борайми? - сўради қиздан.
- Кераги йўқ, ўзим!

Алёна дўконга кириб кетди. Ҳамид унинг сарвдек қоматига кўз тикиб қолди. Офатижон бу жонон ўзининг ҳусни билан эмас, гаплари билан ҳам йигитнинг юрагини ишғол қилганди. Машина ойнаси тақиллаганда у ўзига келди. Олдидаги милиционер турарди. Ҳамиднинг юраги орқага тортиб кетди.

- Сержант Балташ Турсинбаев. Ҳужжатларингизни кўрсатинг? - деди назоратчи қўлинин пешонасига қўйиб.

- Ҳужжатлар... ҳужжатларимни уйда қолдирибман, командир!

- Унда паспорtingизни беринг?

Ҳамид милиционернинг тикилиб туришидан хавотирга тушди. «Таниди, одам ўлдириб келганимни билган. У бежиз менга кўзларини тикмаялти», кўнглидан ўтказди.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Паспортим ҳам уйда қолибди, командир! - йигит ҳаяжонини босолмасди.

- Унда мен билан идорага боришиңгизга түғри келади, ўртоқ фуқаро!

- Командир, - Ҳамил дудукланди. Құлға тушгани-ни билди. Бунинг устига құрқаёттанини сездириб ҳам қўйганди. Алёна чиқмаганда милиционер уни машинасига қўшиб олиб кетган бўларди.

- Нима гап, сержант! - лўли қиз милиционернинг ёнига келди.

- Бу йигит сизга танишми?

- Янги шофёrimiz!

- Ҳужжатлари йўқ экан!

Алёна бошини бир ёнга ташлаб, сержантга табасум қилди.

- Бу машина кимга қарашли эканлигини биласизми, сержант?

Балташ Турсунов машина рақамига қаради.

- Бароннинг машинаси-ку. - деди ҳайратомуз қизга.

- Мен у кишининг қизлари бўламан...

- Шундай денг, сизни илгари кўрмаган эканман, хоним!

Алёна сумкачасини титкилади. Эллик доллар олиб, милиционернинг чўнтағига солиб қўйди.

- Бизни кечиринг, шошиб турибмиз, отамнинг соғлиги учун тушлик қиласиз!

- Уялтирганг, хоним.

- Хайр!

Ҳамил рулга ўтирди.

- Сен бўлмаганингда мени тутиб кетарди, - деди бирордан кейин.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Ҳафа бўлма, яна тутиб олишса, машина Баронга қарашлилигини айт!

- Отангнинг ҳурмати баланд экан, нима иш билан шуғулланади?

- Буни кейин билиб оласан, - Алёна отаси ҳақида гапиришни истамади.

Кўп қаватли бино олдига келишганда Алёна ҳайдовчига машинани тўхтатишни буюрди.

- Эшикларни беркитиб қўй! - деди пастга тушгандан кейин. - Тушликка таклиф қилсан рад этмассан?

Ҳамид таклифни инкор этолмади. У машина эшикларини беркитиб, қизнинг ортидан эргашди. Одоб юзасидан қўлидан сумкани олди.

- Бир ўзинг турасанми? - сўради ичкари киришганда Ҳамид.

- Турмуш ўртоғим Россияяд! Сен ўтириб тур, мен кийимларимни алмаштириб олай.

Ҳамид юмшоқ курсига ўтирди. Уйдаги жиҳозлар уни ҳайратга солганди. Ҳаёлига Баҳром Ҳамидович келди. Унинг уйи ҳам шундай шинам, бежирим, гиламлар билан безатилган, шкафлар биллур идишларга тўла эди. Ўлганига ҳам бир ярим ой бўлди. Жасадини топишгандир.

Алёна ичкаридан чиқиб келди. Қизни кўриб, йигитнинг бошидан ақли учәёзди. Эгнига оппоқ, юпқа кўйлак кийиб олганди. Тилла ранг бадани, диркиллаб турган кўкраклари кўриниб турарди. Сарсара соchlарининг бир қисми сийнасининг устига тушган. Ҳамид ўрнидан туриб кетди. Қиз унинг рўпарасида тўхтади.

- Жуда гўзалсан, Алёна, - деди паст овозда.

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР //

Қиз йигитнинг кўзларига тикилди.

- Ҳамма қизларга ҳам шундай дейсанми?

- Бу сўзимни илк бор сенга айтяпман, Алёна.

Юзига тушган тарсаки йигитни ҳушига келтирди.

Алёнанинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарганди.

- Қашқирга ўхшайсан! - деди қиз ўзини четга олиб. - Боя мен сенга эрим бор дегандим, эсингдан чиқдими?!

Ҳамид хафа бўлмади. Қизни уйдан қувиб чиқармаганидан хурсанд эди. Қолаверса, Алёна нафрат билан эмас, балки эркалаб урганди.

Алёна дастурхон безади. Гўшт билан картошка қовуриб келди. Конъяк қўйди.

- Мен рулдаман, - деди Ҳамид қиз узатган қадаҳни рад этиб.

- Ҳавотир олма, отам сени хафа қилмайди.

- Ичганимни билса, ишдан ҳайдаб юбориши мумкин.

- Ўзим сенбоп иш топиб бераман! Бошқа ичмайсан, буни танишганимиз учун ичамиз, - деди.

Ҳамид ноилож қадаҳни қўлига олди...

Бароннинг иши бошидан ошиб-тошиб кетганди.

Рангли металл йиғувчилар уни ҳоли-жонига қўйишишмасди. Мамлакатнинг турли бурчакларидан, шунингдек, кўшни республикалардан келаётган металл унинг омборига сифмай кетганди. Шундай бўлса-да, Барон темир-терсак қабул қилишни тўхтатмади. Кеча-кундуз ишласалар-да, юкларни туширишга вақт етишмасди. Кекса лўли эса ишчилар сонини кўпайтиришга шошилмади. Уларга тўланадиган ҳақдан қизғанарди. Барон уйидаги хизмакор-

ларини шу жумладан, Ҳамидни ҳам юк туширишга жўнатди. Қисқа вақт ичида у Бароннинг ишончини қозониб қолганди. Ҳамид ишдан қочадиган йигит эмасди. Чол йигитни ишчилар ҳақини тўлашга маъсул қилиб қўйди. Ҳафта охирига келиб юклар омборга туширилиб, жой-жойига қўйилди. Бу иш тугади, дегани эмасди. Бароннинг олдида янги ташвишлар пайдо бўлди. Омбордаги ўн тоннадан ортиқ металлни қимматроқ нархда пуллаш зарур эди. Илгари алоқа қилган заводидан ҳафсаласи пир бўлганди. Раҳбарлар вақтида ҳақини тўламай алдашганди. Шу сабабли бошқа харидор излашга мажбур бўлди. Омбордаги катта миқдордаги юқдан хабар топган эски танишлари яна уни излаб келишиди. Барон уларнинг илтимосини рад этди. Атайнин металл баҳосини ошириб айтди. Шунда ҳам рози бўлишиди. Бироқ ҳақини нақд санашга қурбилари етмаслигини яширишмади. Барон мижоз излаб, Қарағанда шахрига жўнади. Завод маъмурияти юк учун олдиндан ярим миллион доллар тўлашни, қолганини эса юк заводга келиб тушгандан кейин ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида шартнома имзолади.

Ишчиларга яна иш топилди. Машиналарга юк ортиш керак эди. Барча юмушлар кўл кучи билан бажариларди. Ҳамид қўшимча ишчи кучларини ёлламади. Ўзи ҳам кўл қовуштириб турмай, ишчилар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилди. Бу Бароннинг унга бўлган меҳрини товлантириб юборди. Ўртадаги ишонч девори мустаҳкамланиб борарди. Афсуски, бу худди пистирмага қўйилган минага ўхшарди. Қачондир, ногоҳ оёқ босилганда портлаб кетишини Барон хаёлига келтирмасди.

## ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

Юк етказиб берилгач, завод раҳбарлари Бароннинг ҳақини ўша куниёқ ҳисоб-китоб қилишди. Пул санаашдан эринмайдиган чол Ҳамидни хонасига бошлаб кирди. Иккиси оқшомга қадар пулларни эринмай тахлаб, биттама-битта қўлдан ўтказиши. Ҳўжайнинг бойлигини кўрган Ҳамиднинг юрагида нимадир уйғонди..

- Бунча пулни нима қиласиз, ҳўжайнин? - ҳам ҳаваси, ҳам ҳасади келган Ҳамид чолга шундай савол берди. Бемаъни бу сўров Баронни аччиқлантирмагани каби, юрагида шубҳа ҳам уйғотмади.

- Пул ҳамиша одамга керак! - деди ёнидаги пул уюми устига ёнбошлаб. - Сармоянг бисёр бўлса, тетик юрасан. Тушундингми?

Барон аҳмоқона саволга аҳмоқона жавоб қайтарди. Бироқ ўргатадаги суҳбат ҳар иккиси учун ҳам мазмунли ҳамда маънили эди. Улар ўз сўзларидан завқ олишди ва жилмайиб қўйиши. Барон пул тўла қопни Ҳамидга орқалатиб, хонасига йўл олди. Шу пайтгача бегона одамни ётоқхонасига бошлаб кирмаганди. Ва бу удумга бу гал ҳам содик қолди. Эшик олдига етганда:

- Қопни ерга қўй, - деб буюрди. - Бу ёғига ўзим кўтараман.

- Қийналиб қоласиз-да, ҳўжайнин! - Ҳамидда ичкарига кириш иштиёқи кучли эди.

Барон қопни орқалади.

- Бориб дамингни ол, эртага қиласиган ишлар бор, - деди ва хонасига кириб кетди. Ҳамид остоңда қолди. Ҳўжайнин пулларни қаерга яширишини кўргиси келди. Кекса лўли ичкарига кирибоқ, девор олдига борди. Киши билмас токчани очиб,

## ||||| Исҳоқжон НИШОНОВ |||||

қопни ўша ерга жойлади...

Ҳамиднинг юраги ҳамон хаёлига келган ўйдан безовта тепарди.



Оқшом чоги Шарофат Ризонинг хонасига кириб келди.

- Қоплоннинг олдига Душанбедан меҳмон келди.
- деди у.
- Ким экан?
- Амир исмли йигит...
- Нимага келибди?
- Билмадим, улар ичкарида гаплашишди. Назаримда муҳим гапга ўхшайди-ёв, Ризобек...
- Амир ҳозир қаерда?
- Қоплоннинг олдида!
- Қачон кетишини билдингизми?
- Билдим, эртага кечки поездда қайтармиш. Қоплоннинг одамлари унга чипта олиб келишди.
- Сизга рухсат, бориб ишингизни қиласеринг! - деди иккита мингталикни айғоқчининг қўлига тутқазар экан. - Бундан кейин муҳимроқ янглик келтиринг! Ҳозирги гапларингиз бир сўмга қиммат!
- Шарофат чиқиб кетгач, Ризо «Амирхон нимага келган бўлиши мумкин?» деган саволга жавоб излади. Боши қотиб, хаёли турли кўчаларга кетди. Аммо аниқ жавоб тополмади. Йигитларидан бирини чақирди.
- Нурман, Насимбекнинг одами Қоплоннинг олдига келибди. Нимага келганини билишим кепрак!

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Тушундим, хұжайин!
- Тушунган бўлсанг, ишга кириш!

Қоплон қанчалик илтимос қилмасин мәҳмон кетишга қарор қилди.

- Бормасам бўлмайди. - деди Амирхон, - Бошлиқ тезда қайтгин деб тайинлаган.

- Насимбекка менинг саломимни етказинг. Аллоҳ насиб қилса, янги бинонинг очилиш маросимига таклиф қиласман.

- Албатта, келамиз, - деди Амирхон
- Йўлга чиққанингиз тўғрисида мен дўстимга телефон орқали хабар қилиб қўяман.

- Хўжайнини безовта қилманг...

Қоплон йигитларини чақирди.

- Мәҳмонни кузатиб, кейин қайтинглар! - деди уларга.

Хайрлашдилар.

Қоплоннинг йигитлари мәҳмонни бекатгача кузатиб келишиди. Амирхон уларни орқага қайтариб юборди. Поезднинг жўнашига ярим соат қолганди. У ҳожатхонага ўтди. Бўшаниб, қўлини юваётганда ортидан кимдир димоғига нам дастрўмолни босди. Сассиқ ҳиддан Амирхоннинг боши айланди ва шу заҳотиёқ хушини йўқотди. Ўзига келганда юмшоқ курсида ўтиради. Қаерга келиб қолганини эслашга уринди. Ёнида барзанги йигит турарди.

- Мен қаердаман? - Амирхоннинг тилига шу сўз келди.

Барзанги унинг кўзларига тикилди.

- Ўз одамларинг олдидасан! - деди ва ғалати иршайиб хонадан чиқиб кетди. Амирхоннинг боши билинг-билинмас айланарди. У кўзини юмди.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

Эшик очилиб, кимдир ичкарига кирди. Амирхон кўзини очганда тепасида озгин, турқи тароватидан баджаҳлиги сезилиб турган одамни кўрди. Бу Ризо эди.

- Кимнинг олдига келдинг? - сўради у қули билан Амирхоннинг пешонасидан ушлаб.

- Йўловчиман, - қисқа жавоб қилди Амирхон.  
- Ёлгон гапирма, мен ҳаммасини биламан! - ўшқирди Ризо.

- Хабардор бўлсанг нега сўраяпсан?  
- Рост гапиришингни билмоқчийдим! Гапир, кимнинг олдига келдинг?

- Мусофираман, Душанбега кетаётувдим, - дудуқланди Амирхон.

- Душанбега, Насимбек жанобларининг ҳузурига ми?

- Ким у Насимбек? Мен бунақа одамни танимайман!

- Танимайман де, - Ризо меҳмоннинг иягидан чангллаб, шундай қаттиқ қисдики, унинг суюклари қирсиллаб кетди.

- Балки Қоплонни ҳам танимасдирсан? Хўш, нима мақсадда келдинг бу ерга? Насимбек қандай топшириқ берганди?!

Амирхон Ризони танимасди, фақат у ҳақда эшитганди.

- Оғзингга толқон солғанмисан, гапирмайсанми?!  
Қанақа хабар келтирдинг?!

Амирхоннинг бели оғриди, турмоқчи эди, Ризо елкасидан босиб, жойига ўтқазди.

- Мен Қоплонни танимайман, - деди меҳмон.

Ризонинг баттар қаҳри қўзиди. Мушт билан

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

юзига туширди. Тутқиннинг бурнидан сизиб чиқкан қон юзини бўяди.

- Ёлғон гапиряпсан, ит! «Тилла йигит» билан нима ҳақда гаплашдинг?! Насимбек қандай топшириқ берди? Гапирасанми, ёки шу ерда терингни шилиб олайми?!

Ризо қалтираб, Амирхоннинг гоҳ юзига, гоҳ биқинига мушт туширади. Аммо меҳмон индамади. Ризонинг зарбаларига ўзини тутиб берди. Ниҳоят, ҳолсизланиб, ерга йиқилди. Ризо қутурган буқадай бўкиради.

- Айтасан, айтмаганингта қўймайман! Оғзингдан қайноқ сув қўйиб бўлса ҳам гапиртираман!!

У йигитларига имо қилди. Иккитаси Амирхонни турғизиб яна курсига ўтқазди, юзига қайноқ сув сочди.

- Айтмасанг итдай қийнаб ўлдираман!

Ризо хўшсиз Амирхоннинг бўйнидан бўғиб, қонли юзини ўзига қаратди.

- Гапир?!

- Қоплон... - зўрға тилга кирди Амирхон..

- Нима Қоплон?...

- Пул... пул олиб....

- Мана, энди ўзингга келдинг. Қанча?

- Эллик....

- Нимага ишлатаркан?

- Ком....

Ризо тушунди. Уйдаги акцияларини йўқотганидан кейин Насимбекка қўнгироқ қилган. Комбинатни савдога қўйилаётганлигини ва акцияларининг йўқолганини айтган. Насимбек унга ёрдам бериш мақсадида эллик минг доллар жўнатган.

## ||||| Исҳоқжон НИШОНОВ |||||

Ризо учун шу гап етарли эди. У йигитларига ишора қилди.

- Меҳмонни поездга чиқариб кўйинглар, - деди кўз қисиб.

\*\*\*\*\*

Қоплон Амирхонни кузатиб қўйгач, Душанбега қўнғироқ қилди. Бироқ гўшакни ҳеч ким кўтартмади. Бир соатдан сўнг яна сим қоқди. Гўшакни аёл киши олди.

- Мен Насим билан гаплашмоқчиман, - деди Қоплон.

- У киши йўқ эдилар, - жавоб қайтарди аёл.
- Қаёққа кетгандарини айтолмайсизми?
- Афсуски, бехабарман...
- Қачон келишларини биларсиз?
- Анигини айтольмайман. Бирор ишингиз бўлса, айтинг, у кишига етказиб қўяман!
- Қоплон қўнғироқ қилди, деб қўйсангиз бас.
- Жоним билан.
- Хайр!

Йигитлари қайтиб келди.

- Меҳмонни поездга чиқариб қўйдиларингми? - сўради Қоплон улардан.

Йигитлар бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олишгач «ҳа», деган жавобни қилишди.

- Сизларга рухсат, дамларингни олинглар!

Йигитлар чиқиб кетиши билан телефон жиринглади. Насимнинг овози эштилди.

- Амирни жўнатиб юбордингми!

- У яқинда кетди, одамларим поездга чиқариб

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

қўйишиди, - деди Қоплон. Бироқ Амирхоннинг қисматидан у ҳали бехабар эди...

\*\*\*\*\*

Шуҳрат Шарифович Қоплоннинг уйида содир этилган кўнгилсизликларда Ризонинг қўли борлигига ишонч ҳосил қилди. Бундай қарорга келишига унинг уйидан топилган далилий ашёлар сабаб бўлганди. Ўшаларнинг тасдигини топиш мақсадида айрим идораларда хизмат қилаётган ҳамкаслари билан маслаҳатлашишига ҳам тўғри келди. Экспертиза бўлимида бир ҳафта ишлади. Кейин бошлигининг олдига кирди. Жилдинг ичидан бир даста қоғозларни олди.

- Ҳали ҳам фикрингизни ўзгартирумадингизми? - сўради Қоплон изқувардан.

- Асло, - деди Шуҳрат Шарифович. Унинг юзкўзларидан қатъиятлиги билиниб турарди. - Аксинча, мен гумон ва шубҳаларимни айрим маълумотлар билан тўлдирдим ва исботини топдим. Уйингизга босқинчилик мақсадида кирган ва хотинингизнинг ўлимига сабабчи бўлганлар «Бой ота»нинг йигитлари экан.

Қоплон ҳайрат ила изқуварнинг кўзларига тикилди.

- Адашмаяпсизми, ака?

- Ризонинг одамларини кузатдим, ўргандим. Айни пайтда уларнинг ҳозир қаерда, нима ишлар билан шуғулланишаётгани ҳам эътиборимдан четда қолмади.

- Уйга кирган ким экан?

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Аҳмад!
- Аҳмад? У муқаддам босқинчилик жинояти билан беш йилга қамалған. Ҳозир Ризонинг қаноти остида юрибди.

Қоплон Аҳмадни танирди. Ўртогининг ишхонасида учратганди. Унинг чўзинчоқ буғдой ранг юзи, юмaloқ, кўкимтири кўзлари, узун бурнининг остидаги оқ оралаб қолган мўйловчасини кўз олдига келтирди. Шу қадар қаттиқ ғазабландиди, танасидаги қон кўпириб томирларини ёриб юборай деди. Ҳозироқ бориб ўлдиргиси келди. Изқувар унинг асабларини босишга уринди.

- Биламан, сизга оғир, Қоплонбек, лекин бардошли бўлинг. Уларнинг айбини бўйнига қўйиш учун Аҳмадни топишимиз керак. Унингсиз Ризони айблай олмаймиз. Яна бир гап, орамизда бўлиб ўтган гап-сўзлардан учинчи шахснинг хабардор бўлиши мумкин эмас. Ризо хитланиб қолса, барча айбни Аҳмаднинг зиммасига юклайди ва уни йўқотишга уринади. Сизга маслаҳатим Ризо билан учрашганингизда ҳеч нарсани сездирманг!

- Аҳмад ҳозир қаерда? - бироз ўзига келгач сўради Қоплон.

- Бир ҳафта бурун Россияга жўнаб кетган.
- Унинг уйга киргани аниқми?
- Ҳовлингиздан топилган рўмолчадаги қон биологик экспертизадан ўтказилди. Гумон қилинувчнинг поликлиникасига ўтиб, унинг касаллик дафтарчасини кўздан кечирдим. Буни қарангки, қон таркиби бир хил чиқди. Бошқа далилий ашёлар ҳам топдим. Аҳмад Москвага кетишдан олдин шаҳардаги биринчи оила поликлиникасига кириб, шифо-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

корларга қўлидаги жароҳатни кўрсатган.

- Аҳмадни қандай қилиб олиб келиш мумкин? - сўради Қоплонбек кекса изқувардан.

- Ўзим боришимга тўғри келади.  
- Бир ўзингиз-а?  
- Нима қилибди? Ўша ердан ёрдам берадиган дўстлар топарман.

- Қийналиб қоласиз, шерик қўшиб бераман.  
- Кимни?  
- Одилни. У Москвани яхши билади.  
- Қарши эмасман!  
- Қачон жўнайсиз?

- Эртага кечки рейс билан учаман!  
Шуҳрат Шарифович эртаси куни Москвага учиб кетди. ТУ-134 самолёти Домодедово осмонини айланиб, сўнг ерга кўнди. Аэропортда Шуҳрат Шарифовични танишларидан бири кутиб олди.

\*\*\*\*\*

Узоқ йиллар шаҳар ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Игорь Васильевич нафақага чиққанидан кейин хусусий адвокатлик ташкилотида хизматини давом эттиради. У ора-сира хусусий изқуварлар билан учрашиб, иш юзасидан маслаҳатлашиб турарди. Шуҳрат Шарифович ўзининг бу ерга нима мақсадда келганини айтгандан кейин Аҳмадни топишда ёрдам беришга сўз берди. Уни «Хусусий изқуварлар» ташкилотига бошлаб борди. Ташкилотнинг беш нафар аъзоси Аҳмаднинг расмидан нусха олиб, қочоқнинг изига тушишди.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

Қидирув шовқинсиз амалга оширилди. Орадан бир ҳафта ўтса-да, изқуварлардан бирор янгилик олишолмади. Шуҳрат Шарифович тушкунликка туша бошлиди. «Наҳотки у бошқа шаҳарга қочиб кетган бўлса?», деб ўйлади. Орқага қайтишга қарор қилган куни изқуварлардан бири Аҳмадга ўхшаш одам шаҳар бозори орқасидаги «Пионер» кўчасида яшаётганлигини маълум қилди.

Шуҳрат Шарифович таниши билан айтилган кўчага борди. Узоқдан уйни кузатиши. Бир соатлар ўтиб ичкаридан қора плашч кийган, ўрта бўйли одам чиқди. У бошидаги чарм шапкасини қошигача тушириб олганди.

- Бу Аҳмад! - деди Шуҳрат Шарифович Игорга.  
- Адашмаяпсанми?  
- Юришидан билдим.  
- Мени уйда кут, уни қаёққа ва кимнинг олдига боришини билайлик-чи.

Игорь Васильевич кечки пайт қайтди. Шубҳа тасдиқланганини айтди. Иккиси Аҳмадни қўлга олиш режасини ишлаб чиқиши. Бу иш ими-жимида, шовқинсиз ва муҳими милициянинг аралашувисиз амалга ошиши лозим эди.

- Ризо Аҳмаднинг бу ердалигидан хабардорми?  
- Албатта! Изқуварлар шаҳарнинг ашаддий ўғриларидан бири мана шу уйда яшашини айтиши. Демак, Ризо уй эгаси билан таниш.

Игорь Васильевич режасини айтди. Таклиф бироз хатарлилигини ҳисобга олмагандা, Шуҳрат Шарифовичга маъқул тушди.

- Режамиз барбод бўлса, унда бошқа вариантни ишга соламиз, - деди Игорь уни тинчлантириш

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

мақсадида. Иккинчи вариант қандайлигини билмаса-ла, Шұхрат Шарифович биринчи режани маңқул топди.

Әртаси куни түшдән кейин почтальон йигит Аҳмад яшаёттан уй эшигини тақыллатди. Ичкаридан ўттиз ёшлардаги аёл чиқди.

- Уйнингизда Аҳмад исмли одам яшайдими? - сүради почтальон.

- Нима ишингиз бор? - сүради жувон атрофга аланғлаб.

- Унга шошилинч телеграмма бор.

- Беринг!

Почтальон сумкасидан бир парча қоғозни олиб, уй эгасига узатди.

- Илтимос, топшириб қўйсангиз.

Аёл қоғозни олиб, ичкарига кириб кетди. Кузатув жойида ўтирган Игорь билан Шұхрат Шарифович-нинг кўзлари эшикка қадалганди. Агар аёл телеграммани олса, Аҳмад шу ерда бўлади, деб ўлашди.

Уй эгалари бошқа жойга кўчиб кетишган булишса-да, қизлари Сафия шу ерда қолганди. У отасининг топшириги билан Аҳмадни яхши кутиб олди. Алоҳи-да хона ажратиб берди. Меҳмон бир-икки ой шу уйда яшаб, кейин кетишини режалаштирганди.

Эшик очилиб, Сафия кириб келди. Аҳмад диванда ёнбоғлаб, телевизор кўраётганди.

- Тебе, телеграмма, - деди Сафия қоғозни Аҳмадга узатиб.

- От кого?

- Не знаю, оказывается печальное сообщение!

Аҳмад ўрнидан турди ва қоғоздаги ёзувларга кўз ташлади.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

«Онангнинг аҳволи оғир, зудлик билан етиб кел». Аҳмадни ваҳима босди.

- Кийимларимни тайёрла! - деди Сафияга.
- Кетасанми? - сўради аёл
- Онам касал экан.

Аҳмаднинг кўз олдига онаси келди. Саксон ёшдан ўтиб қолган кампир кейинги пайтда тез-тез бетоб бўлиб турарди. Бу ёққа жўнаётганда ҳам тўшикда ётганди. Ушанда курқув устун келиб, самолётга чиқканди.

Ташқарида Игорь билан Шуҳрат Шарифович қочоқнинг чиқишини кутишарди. Ҳадеганда унинг қораси кўринмасди. Шуҳрат Шарифович «Ризога телефон қилмадимикин?» деган ташвишда эди. Шундай бўлса, Ризо уни келишига йўл қўймайди. Аҳмад баттар ваҳимага тушади, қочади. Режа барбод бўлади.

Бир соатлардан сўнг эшик очилди, Аҳмад чиқди. Унинг шошилаётгани ҳаракатларидан сезилиб турарди. У бекат томон ўтиб кетди. Киракаш машинага кўл кўтарди. Игорь билан Шуҳрат Шарифович ҳам уйчадан чиқишиди. Машиналарига ўтириб, Аҳмадни кузатишди. Йўлда Игорь Одилга қўнғироқ қилиб, Домодедова аэропортига етиб боришини тайинлади.

Москва-Тошкент йўналиши бўйича парвоз қилиши керак бўлган 125-рейсга барча чипталар сотиб бўлинганди. Шундай бўлса-да, Аҳмад касса олдидан кетмади. Қўлидаги телеграммани кўрсатиб, зудлик билан учиши лозимлигини айтди. Кассир аёл телеграммани кўргандан кейин чипта топиб берди. Шуҳрат Шарифович билан Одил ҳам шу самолётга чиқишилари лозим эди. Ўзи жўнаб кетадиган бўлса, барча ҳаракатлар самарасиз якун топади. Қолаверса, Ризонинг

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР ///

пайтавасига курт тушади.

Игорь Васильевич аэропорт бошлиғи ҳузурига кирди. Милицияда ишлаб юрганда дүстлашиб қолишганди.

- Тошкентта икки дона чипта зарур, - деди Игорь ўртогига. Мәхмөнларим бор, шу рейс билан учишлари керак.
- Барча чипталар сотиб бўлинган, Игорь Васильевич. Биттагина маҳсус ўрин бор. У ҳам бўлса прокуратура ходимига.

- Уни кейинги рейсга қолдирсанг бўлар?
- Ўн дақиқа кутайлик, келмаса, сенга туҳфа қиласман. Шунда ҳам фақат бир одамингни учирив юбораман. Икинчиси кейинги рейсда кетади.
- Кейинги рейс қачон бўлади? - сўради Игорь
- Олти соатдан кейин!
- О, жуда узоқ, майли, мен улар билан маслаҳатлашиб кўрай, балки рози бўлишар.

Битта ўриннинг топилиши ҳам изқуварни қувонтирди. Қолиб кетгандан кўра, кетгани дуруст.

Прокуратура ходими келмади. Чиптани Шухрат Шарифовичга расмийлаштириб беришиди.

Йўловчиларнинг самолётта чиқиши эълон қилинди. Аҳмад рўйхатдан ўтиш бўлимига эмас, телефон буткасига караб юрди. Ҳамкаслар «бу нимаси бўлди?», дегандек бир-бирларига қарашибди. Қочоқ ичкарига кирди ва гўшакни қўлига олиб, рақамларни терди. Шухрат Шарифович уни уйига ёки Ризога Қўнғироқ қилаётганини сезди.

- Иш расво бўлди, - деди Игорга. - Агар Ризо «телеграммани мен жўнатмаганман, онанг соппасор», деса, Аҳмад тузоқ қўйганимизни сезиб қолади ва

тезда қуён бўлади.

- Унда уни ушлашга мажбурмиз! деди Игорь.
- Ўйлаган режаларимиз барбод бўлмаса, деб қўрқаман.

Аҳмад уйининг телефон рақамини терди. Бироқ ҳеч ким гўшакни кўтармади. Кейин ташқарига қайтиб чиқди ва чигитларни рўйхатга олиш бўлими томон юрди.

Шуҳрат Шарифович самолётта чиққанда йўловчилар аллақачон ўз жойларини эгаллаб бўлишганди. Унинг ўрни олдинги бўлимда эди. Ичкарига кирганда кўз қири билан Аҳмадни излади. Аммо йўловчилар орасида кўринмади. Ўзига ажратилган ўриндиқни топди. Шунда иллюминаторга бошини қўйиб ўтирган Аҳмадни кўрди. Олдидаги ўрин бўш эди. Шуҳрат Шарифович устидаги плашчини ечди ва Аҳмаднинг ёнига ўтиреди. Самолёт кўзғалгандагина бошини ойнадан олиб, ёнига қаради. Таниш одамни кўриб, юраги титраб кетди.

Аҳмад истеъфодаги подполковникни яхши биларди ва айни пайтда Қоплоннинг идорасида хукуқшunos лавозимида ишлаётганидан ҳам огоҳ эди. «Бу ерда нима қилиб юрибди? Бирор иш билан келганми?», деган савол кўнглидан ўтди. Унинг бесар бўлганини сезган изкувар у томонга ўгирилди:

- Бирор нарсангизни унутдингизми? деди.
  - Учрашган жойимизни қаранг, полковник?
- Аҳмаднинг оқариб кетган юзига табассум ёйилди.
- Подполковник, дент, - кулди изкувар.
  - Барибир эмасми? Подполковник бўлди нима, полковник бўлди нима?!
  - Мени унутмабсиз?

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Сизни унугиб бўлармили, полковник! Бу юртда нима қилиб юрибсиз?!
- Хизмат сафари билан келдим.
- Наҳотки, Қоплонбекнинг ишлари Москва билан боғлиқ бўлса? - ажабланди Аҳмад
- Шундай, ўзингизни қайси шамоллар учирди?
- Аҳмад индамади. У кекса изқуварни Москвага бежиз келмаганигини билди...

\*\*\*\*\*

Ризо ишхонасига келганда қоровул Сайд кутаётганини айтди. У шошганча хонасига қўтирилди.

- Нима гап? - сўради у диванда телевизор томоша қилиб ўтирган Сайддан.

Меҳмон бош чайқади.

- Одаминг сотқин экан, мени чақиб қўйли? - деди Сайд бош чайқаб.

- Қайси одамим? - ҳеч нарсага тушуммаган Ризонинг юрагига гулгула тушди.

- Султонхон!.. Иккевимизнинг ўртамиздаги гапларни Мирхолдорга етказибди. Менинг қўл-оёғимни боғлаб, ўлдирмоқчи бўлишди. Faффорни ўлдириб, қоғдим.

- Султонхон қани, унга нима бўлди?
- Бехабарман, мен уни кўрмадим!
- У мегажиннинг қаердалигини билиш керак. Орамиздаги гап-сўзларни Мирхолдорга айтган бўлса, олдимизга қайтиб келмайди, - деди Ризо. - Иккимиз ҳам фойдалдан қуруқ қоламиз.
- Уни тутишнинг бирдан бир йўли поездни текшириш. Шундай қилсак осонгина тутиб оламиз.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Поездга қачон чиқишини билишимиз керак.  
- Назаримда у эртанги поездда жўнайди, - ишонч билан деди Саид.  
- «Юк» бизга ҳам керак! - деди Ризо. - Пулга мухтоҷ бўлиб турибман. Кейинги пайтда ишиларим орқага кетяпти. Нефть базани тафтиш босди. Терини қайта ишлайдиган корхонам маҳсулот йўқлиги сабабли тўхтади. Буларнинг ҳаммасига Қоплон сабабчи. Унинг олдида синмаслигим керак, Саид! Қандай қилиб бўлмасин, пул топишим шарт.

- Хонимни танийдиган одамларни бекатга чиқар, - маслаҳат берди Саид. - Ёнидаги «дори»ни тортиб олсан, икки юз минг доллар ишлаймиз!

Таклиф Ризога маъқул келди.

- У йигитларимни танийди! - деди бироз ўйланиб.
- Бошқа танишларингни ёлла...
- Улар Султонхонни танишмайди-ку!
- Мирхолдор «дори» олиб келаётган одамига бриллиант кўзли узук тақтириб қўяди. Шундан танишлари мумкин.
- Бриллиант кўзли узук бошқа аёлларда ҳам бўлиши мумкин.
- Узукнинг бешта қиррали тоши бор. Шундан танийди.

Ризо ишончи йигитлардан иккитасига Душанбе - Москва йўналиши бўйича қатнайдиган поездни кузатишни буюрди. Эртаси куни улар савдогар қиёфасида вагонларга кириб, хонимни ахтаришди.

Султонхон поездга чиқиб, ўзига ажратилган хонага жойлашди. У билан яна иккита йўловчи бор эди. Аёл улар билан тезда тиллашиб олди. Ҳамроҳи гапга чечан, кўп нарсалардан хабардор аёл экан: Султон-

## /// КАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР ///

хоннинг зерикишига йўл қўймади. Қизиқ-қизиқ во-  
қеаларни айтиб, хонадагиларнинг диққатини ўзига  
қаратиб келарди. Йўлакдан ўтиб турган одамлар  
Султонхоннинг кўзига кўриниб турарди. Устига оқ  
халат кийиб, билагига каттагина сумка осиб олган  
йигит эшикдан бош сукди.

- Қайноқ сомсалар, сигареталар, пирожнийлар бор,
- деди.

Дастурхонда ҳамма егуликлар борлиги сабабли ҳеч  
ким унинг сўзига эътибор бермади. Аммо шериклари-  
дан бири сигарета сўраганда, сотовчи ичкарига кирди.  
Шу заҳотиёқ ўтирганларнинг қўлига қаради. Султон-  
хоннинг бармоғидаги узукка кўзи тушиб, хурсанд  
бўлди.

Сотовчи ичкаридан чиқди-ю қўшни вагонга чопди.

- Султонхон келяпти? - деди у шеригига.
- Қайси хонада?
- Йигирма бешинчи хонада!
- Танидингми?
- Ўзи...
- Яхши, ишингни давом эттиравер!

Султонхон деразага яқин ўтириб олганди. Хонадаги  
йўловчилар олдинги бекатда тушиб қолишганди. Поезд  
шитоб билан елиб борарди. Аёлнинг ёлғиз қолганини  
билган Ризонинг одамлари ичкарига киришди.

- Салом, хоним! Қийналмай келяпсизми?

Султонхон йигитлар кимнинг одам эканлигини  
сезди.

- Нима истайсизлар?
- Хўжайнин сизни кўрмоқчи?
- Қайтишда кираман!
- Навбатдаги бекатда тушиб қолишингиз керак!

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Тушолмайман, мени кутишяпти! - деди жувон қошларини чимириб.
- Иложи йўқ, хоним, бу хўжайнинг топшириғи! Султонхон йигитларга ғазабли нигоҳ ташлади.
- Бошлиқ бўлса сизларга бошлиқ, менга эмас!
- Бу жавоб йигитларга ёқмади. Улар бир-бирларига қараб олишди.
- Тушмайдиган бўлсангиз ташрифингиз тўғрисида мелицияга хабар беришга мажбурмиз!
- Жувоннинг қути учди. Бир зум ўйланиб, кейин ўрнидан турди.
- Оқибатини ўйладиларингми? Мирхолдор эшишиб қолса, қаттиқ ранжийди-я!
- Бу нарса бизни қизиқтиrmайди!
- Султонхон иложсиз қолди. Тушмайдиган бўлса, йигитлар мелисага хабар беришдан ҳам қайтмаслиги билиниб турибди. Тушса, кутаётган одамларни огоҳлантириб қўйиш зарур.
- Ризо аёлни хушламай қарши олди.
- Хўш, ишларингиз қандай? Мирхолдорнинг кўнглини олдингизми? - Ризонинг сўзларида кесатиқ ва алам яширинганди.
- Олганимда сизга нима? - қўрслик билан жавоб қилди аёл.
- Тилинг чиқиб қолибдими? - Ризо ўрнидан турди ва аёлнинг ёнига келди. Унинг кув кўзларига боқди. Кўлингга пул тушиб, димогинг кўтарилиб қолибдиди. «Дори» қани?!
- Қанақа «дори»? Мен «дори» олиб кетаётганим йўқ.
- Унда нимага кетяпсан?
- Мирхолдорнинг одами билан учрашмоқчиман, -

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

деди аёл.

- Бекордан - бекорга учрашмасанг керак? Унга нима демоқчи эдинг?

Хоним бу түгрида ўйлаб кўрмаганди. Тилига гап келмай тутилиб қолди. Ризо уни «нозик жойидан ушладим», деб ўйлади. Эшик олдида турган йигитта буюрди.

- Сайфи, сумкаларини қара!

Йигит сумкани олиб, ичидаги нарсаларни стол устига ағдарди. Аёллар пардоз учун ишлатадиган буюмларга қўшилиб, икки минг доллар тушди. Сайфи уни олиб, Ризонинг кўлига тутқазди.

- Бойиб кетибсан-ку, кампир? - деди пул билан жувоннинг юзига уриб. - Агар сир бўлмаса айтчи, буни хизматинг эвазига олдингми?!

- Учрашадиган одамимга бермоқчи эдим, - Султонхон Ризонинг чангалидан қутқарадиган баҳона то-полмаётганидан хуноб бўлди.

- Мени лақиллатма, мегажин, Мирхолдор уларга эмас, улар Мирхолдорга пул беришади. - Ризо яна Сайфига юзланди. - Кўйлагининг ичини ҳам қара!

Сайфи аёлнинг баданларини пайпаслади. Аммо кўлига ҳеч нарса илинмади.

- Тоза хўжайин!

Ризо аёлнинг қуруқ келаётганига шубҳа қилди.

- Вагонда юки қолмаганмиди? - сўради Сайфидан.

- Хонасидан бир парча қофоз ҳам тополмадик, хўжайин! Ўзим текшириб чиққандим!

Ризо Султонхоннинг иягидан чангаллади. Аёл оғриққа чидамай, инграб юборди. Бирдан кўзи узукка тушди. Бармоғидан суғуриб олди.

- Бу сенга ярашмабди, кампир!

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Бер, - деди аёл узукка чант солиб. - Уни менга совға қилишган!

- Йўқотдим десанг бошқасини совға қилишади. Бу сендан эсдалик!

- Юзиз экансан! - бақирди аёл. У ўрнидан турди. Билиб кўй, мен сенинг кирдикорларингдан кўпроқ хабардорман!

- Кўрқитмоқчимисан?!

- Яна шуни эслатиб қўяй, ортимдан Мирхолдорнинг йигитлари кузатиб келаётганди. Улар бу ишинг тўғрисида ҳозироқ бошлиқларини огоҳлантиришган. Сен у билан ўйнашма. Яххиси, мени қўйиб юбор.

- Бир-икки кун шу ерда дам олиб турасан, кейин маслаҳатлашамиз!

Ризо Султонхоннинг ёнидан «дори» топишолмаганини Сайдга айтганда, у бунга ишонмади.

- Бўлиши мумкин эмас, - деди энсаси қотиб. - Ахир ўша куни мен катта қозонда пишиб турган героинни ўз кўзим билан кўрдим. Мирхолдор буни унинг учун тайёрлаётганди.

- Унда «дори»ни қаерга яширган бўлиши мумкин?

- ҳайрон бўлди Ризо.

- Назаримда унинг шериги бўлган, биз излаган нарса ўшанда кетган.

- Одамларим уни ёлғизлигини айтишди.

- Қўйиб юборма, бир-икки кун ертўлада ётса, ақли кириб, тавбасига таяниб, тили чиқиб қолади! - деди Сайд.

Ризо унинг сўзларига аҳамият бермади. Хаёли Мирхолдорда эди. Султонхонни поезддан тушириб қолдирганини эшитса, Ризони суюкдек ғажиб ташлайди. У қаҳри қаттиқ одам, ўч олмагунча алами

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

босилмайди. Ризо қўлидаги бриллиант кўзли узукни маҳкам чангаллаганча ўзини ташвиш ботқоғига ботиб бораётганини ҳис этди.

Эшик очилиб, котиба қиз кўринди.

- Қоплонбекнинг онаси бандачилик қилибди, - деди у дераза ойнасидан ташқарига боқиб, хаёлга чўмган Ризога.

Ризо сесканиб тушди.

\*\*\*\*\*

Баҳром касалхонадан чиққач, бир ҳафта ишга бормай, уйида ётди. У ҳамон хатарда яшарди. Прокуратура Ҳамидга нисбатан жиноят иши қўзғаттанидан, милиция қидириув эълон қилганидан хабардор эди. Газеталарда расмини босишиди. Бутун мамлакат бўйлаб қидирилаётган айбордни тез орада тутишларига ишонарди. Кўлга тушдими - тамом, ҳамма гапни айтади. Қотилликка ким унdagани-ю, қанча пул берганини ҳам яширмайди, Баҳромнинг сири фош бўлиб, шармандаси чиқиб, хотини ва болаларининг қотили сифатида қамоқقا олинади.

Баҳром Ҳамидни тутиб олмасликларини жуда-жуда истарди. Эшик тақилласа ёки телефон жиirlingласа ҳам ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Қўрқинчли ўй-хаёллар исканжасидан кутулиш мақсадида ишга чиқиб кетди. Бироқ бу ерда текширув ишлари бошлаб юборилганди.

Ноила ишга жимгина келиб, жимгина кетарди. Баҳромнинг топшириқларини сўёсиз бажарар, унинг олдига имзо чектириши лозим бўлган қоғозларни олиб кириб берарди. Икковлари ўртасида бўлиши

## Исҳоқжон НИШОНОВ

мумкин бўлган сирли суҳбатлар якун топгандек эди. Ниҳоят, Ноила ёрилди.

- Фарзандимиз тўрт ойлик бўлди, - деди Баҳромга.
- Иложини топиб йўқотганинг маъқул, - деди Баҳром. Гап-сўз кўпайиши мумкин. Ўртамиздаги ишқий муносабат қўпдан давом этаётганилиги ошкор бўлишидан кўрқаман.
- Қандай йўқотаман, ҳомилам каттайиб қолди, - эътиroz билдириди қиз.
- Докторлар билан гаплаш, қанча пул кетса тўлайман!
- Кўрқаман! Биринчи ҳомиламни олдирсан, кейин фарзанд кўролмаслигим мумкин!
- Бекорчи гап, икки ой чидаб тур, кейин тўй қиласмиш!
- Жонимга тегиб кетди ҳаммаси. Уйда онам ҳар куни жанжал кўтаради. «Эл олдида қандай бош кўтариб юраман», деб йиғлайди. Бу ерда эса ишчилар кун сайин дўмбайиб бораётган қорнимга зидан қараб қўйишади.

Ноила йиғлаб юборди. Баҳром қўрқиб кетди. Билиб бўлмайди, қиз бола номуси ва шаъни учун ўзини ўлдиришдан ҳам қайтмайди. Агар ҳақиқатан ҳам кўзи ёрадиган бўлса кўни-кўшнилар, таниш - билишлар, қолаверса, ишчи-хизматчилар олдида обрўси бир пуллик бўлмайдими? Ҳамма «бузук», деб ёмон отлиқча чиқармайдими? Баҳром шу пайтгача бу тўғрида жиддийроқ ўйлаб қўрмаганидан афсусланди.

- Менинг ҳам бошим қотиб қолди, Ноила, - деди ниҳоят Баҳром. - Сенга уйланай десам, ҳали хотиним ва болаларимнинг қирқи ўтмаган. Маҳалла, таниш-билишлар олдида шарманда бўламан. Тўй қилсак,

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

мелиса сендан ҳам шубҳаланиши мумкин. Шунча сабр қилдинг, яна бир-икки ой чида.

- Мен-ку чидайман, бироқ, қорнимдаги-чи, унга сабр қилиб тур, деб буйруқ беролмайман-ку?

Баҳром аросатда қолди.

- «Дом»нинг калитини беринг, мен эртагадан ишга чиқмайман, ўша ерда яшайман! - деди ниҳоят Ноила.

Баҳром калитни берди. У хонада ёлғиз қолди. Бошини чангалиаб, нима қилиш кераклигини ўйлади. Орадан кўп ўтмай, телефон жиринглади.

- Эшитаман, - деди паст овозда Баҳром.

Бошқарма бошлиғи котибасининг овози келди,

- Эртага кечки пайт йиғилиш бўлади.

- Ўзимнинг боришим шартми?

- Фақат раҳбарларгина қатнашади. Бошлиқ шундай дедилар!

Баҳром гўшакни жойига қўяр экан, бирдан ўрнидан туриб кетди. Уйида ўн беш минг доллар бор. Ноила уйга борса, албатта, у ёқ бу ёқни титади, пулга кўзи тушади. Олиб қочиб кетиши ҳам мумкин. Бошлиқнинг юрагига фулгула тушди. У қиздан аввалроқ бориб, пулни яширмоқчи бўлди ва ўрнидан турди. Остонага етганда ичкарига Ризо кириб келди.

- Ишлар қалай, итвачча?

- Куллуқ, ёмон эмас. - жавоб қилди Баҳром.

- Менга қара, бу, сени калтаклаган ва болаларингни ўлдирган қотил топилдими?

- Қидиришяпти!

- Қидиришяпти де? Топишармикин?

Баҳромнинг назарида Ризо унинг устидан кулаёт-гандек туюлди. Ўзини босди.

- Ҳаракат қилишса топишади. - Баҳром ишга

## Исҳоқжон НИШОНов

Ризонинг қизиқиб қолганидан ажабланди.

- Менинг эшитишмча, хотининг билан болалингни Ҳамид ўлдирганмиш!

Баҳром бирор устидан совуқ сув қуйиб юборгандек сесканди.

- Бундай фикр қаердан хаёлингизга келди?

- Кўнглим сезяпти, итвачча, - «Бой ота» кули билан кўкрагига урди. - Мана, мени айтди дейсан, хотинингни ўша ҳароми ўлдирган. Қоплоннинг уйига ўғирликка тушиб, хотинининг номусига ҳам ўша ярамас теккан!

Баҳромнинг назарида Ризо кўп ишлардан хабардордек, Ҳамиднинг қаердалигини биладигандек түюлди.

- Бирор гап эшитдингизми? зўрга тили айланди бошлиқнинг.

Ризо унинг кўзларига термулди.

- Мен ҳаммасини биламан, итвачча! Ер тагида илон қимирласаям биламан! Нега рангинг оқариб кеттанинг сабабини ҳам айтиб беришим мумкин! Кўрқдинг-а? Нимадан кўрққанингни айтами?!

- Нимадан кўрқардим, хўжайин, ёнимда сиздек тоғим бор-ку!

- Илонсан, итвачча, илонсан! - кулди «Бой ота».

- Итвачча деяверманг, хўжайин, орим келяпти, қул денг!

- Оринг келдими, номус қиляпсанми? Итлигингни унугиб қўйдингми?! Пулинг кўпайган, кўзингни шира босган, бурнинг шишган! Лекин мен учун ҳамиша итваччасан. Керак бўлса ҳозир бир гап айтаман, оёғимни ялайсан, ит бўлиб ҳурасан, тувакка овқат ташласам, тилинг билан ейсан!

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

Баҳром қотиб қолди.

- Тавба қилдим, хұжайин, билмай оғзимдан чиқиб кетиби.

Ризонинг чеҳраси очилди.

- Унда итваччаман, де!

- Айтганингизман, хұжайин!

- Мен сенга итваччаман де, дедим!

- Итваччаман, - мингирилди Баҳром.

- Итлигингни исботла! Вов-вов, деб ҳур!

Юзлари шолғомдек қызарып кеттган Баҳром аламли күзлари билан ер сузиб, вов-вовлади. Аммо бундан Ризонинг күнгли түлмади.

- Қаттиқроқ ҳур, асабимни ўйнама! Жаҳлим чиқса ҳамма ёқни каср қилиб таштайман. Қани ерга ёт, итдай юриб вовулла!!

Баҳром күл-оёқларини ерга тираб, гилам устида ит юриш қилди. Секин, аммо ҳурди.

- Во.. ввв! Во.. вв!! В.. о.. вв!

«Бой ота» ёш боладай қиқирлаб қулди.

- Мана, энди ҳақиқий итга ўхшадинг, ёнимга кел, ма-мах!

Баҳром лапанглаб келди.

- Ўтири! - буюрди Ризо.

Баҳром гилам устига чордона қурди.

- Бундай эмас, итга ўхшаб ўтири!

У топшириқни бажарди.

- Олдингта нима учун келганимни билдингми?

- Буюринг, хұжайин!

- Менга ўн тонна бензин керак!

- Қачонга?

- Бу нима деганинг?! - қошлари чимирилған Ризо ғазабли назар ташлади.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Хўжайнин, шу ҳафта менга тегмай туринг, текширувчилар кетсин. Кейин йигирма тонна десантиз ҳам розиман!

- Сен ҳақиқатдан ҳам ҳаддингдан ошиб кетибсан, итвачча. Гапимни қайтаришга журъат этдинг-а, итвачча?!

- Хўжайнин... - Баҳром йиғлаб юборди.

- Юм оғзингни, ит! - Ризонинг асаблари бузилганди. У ёнидан қофоз олиб, бошлиқнинг қўлига тутқазди.

- Имзо чек!

- Хўжайнин, ҳозир ҳамма идишлар муҳрланган!

- Имзо чек! - ўшқирди Ризо.

Баҳром қоғозга қарамади.

- Бундай қилолмайман, хўжайнин!

- Қилолмайдиган бўлиб қолдингми? Сен-а? Ўша текширувчиларингдан қўрқяпсанми?! Улар мендан зўрми? Юрагингни олиб қўйишдими?! Билиб кўй, ишимни бажармасанг, охири хунук бўлади! - Шундан сўнг Ризо ўз қуролини ишга солди. У Баҳромнинг мўлтираб турган қўзларига тикилиб шундай деди. - Ҳамид тирик! Истасанг қаердалигини айтишим мумкин.

Баҳромнинг юзи бўздай оқариб кетди. Ҳамидни «Бой ота»нинг қўлида, деб ўйлади. У қоғозга имзо чекди.

- Мана энди ўзингга келдинг, ит! Бу яхшилигингни сийлаш керак. Балки Ҳамиднинг қаерда яшириниб ётганини билгинг келаётгандир?

- Қаерда? - зўрға тилга кирди Баҳром.

Ризо жилмайди.

- Олма-Отада!

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Олма-Отада?!
- Ҳа, Бароннинг уйида ҳожатхонасини тозалаб юрибди.

Баҳром ўрнидан турди.

- Уни кўрдингизми?!

Ризо жилмайди.

- Одамларим кўрган! Истасанг сенга ҳам кўрсатишади! Мелиса хабар топса, уйинг куяди. Унга қўшиб сен ҳам куясан, мана бу юмшоқ, молтопар курсидан айриласан, қамаласан!

Баҳромнинг боши айлангандек бўлди. Юрагини булат мисоли ғам-күлфат босди.

- Ҳўжайн, шу кундан бошлаб жоним ҳам, идоранинг ишлари ҳам сизнинг измингизда. Одамларингизга буюринг, уни борса келмас томонларга жўнатишсин!

Ризо жилмайди.

- Ваъда беролмайман, ит. У тирик экан, сенинг ҳаётинг ҳар дақиқа хатарда! Буни унутма!

- Унда тинчтинг!

- Бунинг учун катта пул керак. Бунга чидамайсан!

- Пул топилади! Ўша ярамаснинг ўлигини кўрсангиз бас!

- Сўзингта ишонсам бўладими?

- Қасам ичаман!

- Битта калла эллик минг доллар туришидан хабаринг борми?!

- Эллик минг! Эллик минг, - худди ўзига ўзи гапиргандек ғудранди Баҳром. - Топаман, ҳўжайн, тополмасам қарз кўтараман...

- Мени уялтириб қўймайсанми? - Баҳром «Бой ота» учун текин емишга айланәётганди.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

Ҳамма нарсага тайёр бўлган,- ҳатто эллик мингни қандай топишини ўйлаб кўрмаган Баҳром қатъий оҳангда деди.

- Асло!
- Унда пулни тайёрла, Баҳромбой! Биласан, йигитларим сувни кўрмасдан этик ечмайди!
- Бир ҳафта ичидা тайёр бўлади, фоизга бўлсаям қарз кўтараман, хўжайин!
- Унда иккимиз шартнома тузамиз.
- Мен тайёрман!

Ризо уни бу қадар юраксиз, деб ўйламаганди. Ҳамидни йўқотиш учун ҳар қандай шартта розилиги ни билди.

- Пулни бир ҳафтада тўлайсан!
- Тўлайман!
- Бир ҳафтадан ўтиб кетса, ўтган кун учун бир мосинадан ёқилғи берасан.
- Розиман, хўжайин... Фақат тезроқ баттолни бир ёқлиқ қилсангиз бас!
- Ўзингта бу қадар ишонаётган бўлсанг, мен ҳам розиман.

- Қачон ўлигини кўраман?
- Келишганимиздек, келгуси ҳафтанинг шу кунида!

Баҳром аввалдан тайёрланган қофозга имзо чекди.

Ризо қофозни чўнтагига солиб, ўрнидан турди.

Эллик минг доллар унга тинчлик бермай қўйганди. Баҳром пулни топишига ишонарди. Шаҳарнинг казо-казо бойваччалари билан муносабати яхши. Хоҳласа фоизга, ҳоҳласа ишларини битириш эвазига қарз кўтариши мумкин. Лекин Олма-Отага кимни жўнатиш керак? Ризонинг хаёлига Бори келди.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

\*\*\*\*\*

- Сиз ўзингизга топширилган вазфани бажармаяпсиз. Бир ҳафтадан бери қоронғу дилимни ёритадиган хушхабар келтирмадингиз! Берган пулимни оқлама-япсиз!

Ризо эшикдан кириб келган Шарофатни шундай сўзлар билан қарши олди. У Ризони лов этиб ёниб, кейин сўнишини биларди. Олдига келди.

- Бундай қўпол сўз билан кутиб олишингизни ўйламовдим, иним, - деди жилмайиб. - Бу қадар заҳар сочишингизнинг сабабини билсан бўладими?! - деди ўзини кўлга олган аёл.

Унинг юзидағи кулгудан «Бой ота» муҳим янгилик келтирганини билди.

- Кейинги пайтда қорангизни кўрсатмай қўйдингиз? - деди ўзини босолмай. - Қоллон нима қиляпти, кимлар билан учрашяпти, билмасам! - деди қўллари-ни столга уриб. - Ахир душманимнинг бостган қадамидан огоҳ бўлишим керак эмасми?! У мендан ўч олиш, пайимни қирқиш, «синдириш» мақсадида пайт пойлаб юрибди. Зарбага қарши зарба тайёрлашим лозим. Шунинг учун сизга пул тўлаяпман!

- Аччиқланманг, дилозорим. Бунақада асабингизни чарчатиб қўясиз. Томга ҳам нарвон билан чиқилади.

- Гагларингиздан янгиликнинг иси келяпти... - Ризо ўзини кўлга олганди.

- Аҳмад Қоллоннинг ертўласида ётибди, - деди Шарофат паст овозда.

Ризо ўтирган жойида шамдай қотиб қолди.

- Нима, ким дедингиз?!

- Аҳмад-да, - қўрқа-писа такрорлади жувон.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

Ризо ўйланиб қолди. Кеча Қоплоннинг онаси вафот этган. Ўзи қишлоқда. Бирор ҳафта келмайди. Демак, Аҳмад билан гаплашолмайди. Уни зудлик билан тинчтиши керак. Акс ҳолда барча айблари фош бўлади.

- Менга қаранг, опа, ҳозироқ ишхонангизга жўнанг, бир йўлини топиб, Аҳмадни у ердан қочиринг. Қоплон билан учрашишига йўл кўйманг.

- Бу иш қўлимдан келмайди, иним.
- Чорасини топинг!
- Оғир ишни зиммамга юқлаяпсиз, Ризобек.
- Айтганимни қилинг, истаган пулингизни бераман. Тушундингизми?

Шарофат ўйланиб қолди. Аҳмад ётган ертўлага-ку, тушади. Аммо қандай кутқаради уни?!

- Ертўланинг эшиклари темирдан.
- Туйнуги борми? - сўради Ризо.
- Бор...
- Ҳозироқ бориб Аҳмад билан учрашасиз, қўлига темир арра берасиз, тезроқ даф бўлишини айтинг!

Таклиф Шарофат опага маъқул келди. Шундай қилса бирор ундан шубҳаланмайди. Аррани ташлайди-ю, гойиб бўлади.

- Ризобек, - деди Шарофат унинг олдига яқин келиб.
- Яна нима дейсиз?
- Қизим институтда ўқияпти, контракт пулини тўлаш керак!

- Ишни бажарган кунингиз пулни ўтказиб бераман!
- Ишонсан бўладими, иним?
- Эркакнинг гали битта бўлади, опа!

Жувон ишхонасига келиб, қўлига пақир билан

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

супургини олиб, тозалаш баҳонасида ертўлага тушадиган йўлак олдига келди. Вақт тушга яқинлашиб қолғанилиги учун атрофда ҳеч ким кўринмасди. У пастга тушди. Очиққан Аҳмад деворга суюниб ўтиради. Қадам товушини эшитиб, сергакланди. Шарофат кўйлагининг ичидан темир аррани олиб, ичкарига ташлади.

- Тезроқ қоч! - деди Аҳмадга. - Ризо тайинлади.

Аҳмад бир аррага, бир аёлга қарали. Жонини асрайдиган пайт келганидан, бу ерда ҳимоячиси борлигидан қувониб, ўрнидан турди. Кулф солинган ҳалқани арралай бошлади.

Аҳмад Қоплоннинг ертўласидан қочгандан сўнг одамларнинг эътибори тушмайдиган эски бинонинг ичидаги яшириниб ётди. Кўчаларда одам оёғи узилгач, Ризонинг олдига жўнади. Ризо хонасида эди.

- Кўлга тушибсанда, хунаса? - деди аламини ичига ютиб.

- Алдандим, хўжайин, - деди минфиirlаб.

- Сўроқ-савол қилишдими?

- Йўқ, Қоплон қаёққалир кетган экан.

- Сени ким тутиб келди?

- Шуҳрат Шарифович!

- Нимага тутиб келганини айтдими?

- Ҳеч нарса демади.

- Сендан шубҳаланганди, изингта тушган! Бахтинга Қоплоннинг онаси ўлиб қолди. Ҳозир қишлоқда. Кўлига тушганингда нима бўлишингни билармидинг?

- Билардим, хўжайин.

- Билмай ўл, хунаса! Мени бадном қиласдинг! Иккимиз пичоқлашардик! У ёки мен ўлардим!

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Сиззи сотмасдим, хўжайин!
  - Сен Қоплонни билмайсан, унинг азоблайдиган шундай усуулари борки, бирортасини қўлласа, бул-булдек сайраб юборганингни ўзинг билмай қоласан! Биззи ишда қўлга тушган одам айбни бўйнига олади. Олмаса, борадиган жойини кўрсатиб қўямиз! Бундан ўзинг хабардорсан-а?!
  - Беш йилдан бери хизматингиздаман-ку, хўжайин!
  - Лекин ақлинг кирмабди, хунаса!
  - Қайдан билай, онам касал эди-да.
  - Менга телефон қилиб, онамнинг аҳволи қандай, деб сўраганингда, бошингга бу кунлар тушмасди!
  - Ақлим калталик қилди, хўжайин! Уйга қўнгироқ қилибман...
  - Ақлинг ўлганингда киради. Энди нима қилмоқчи-сан?
  - Бошим қотди, хўжайин.
  - Паспорting чўнтағингдами?
  - Олиб қўйишиди.
  - Ўз қўлинг билан оёғингта киshan солибсан-да!
  - Тортуб олишиб, хўжайин!
  - Оғзингни очиб туравердингми, эшак?
  - Эрталаб анови мелисадан чиққан чол мени ички ишлар бўлимига олиб бориб топширмоқчи бўлган-ди...
  - Бахтинг бор экан, вақтида қутқардик!
- Ризо бир зум ўйланиб турди-да, кейин Аҳмадга юзланди.
- Янги паспорт топгунимизча бекиниб тур. Бу ердан кетмасанг улар сени тутиб олишади.
  - Қаерга бораман? Ҳужжатсиз ҳеч қаёққа чиқиб кетолмайман!

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Менинг дала-ҳовлимда турасан!
- Сиз нима десангиз шу!

Ризо ярим тунда Аҳмадни олиб, тоққа жүнаб кетди. Тонг ёришганда дала-ҳовлига етиб келишиди. Жалил машина овозини эшитиб уйғонди. Бўричалар улғайиб қолганди. Қора бўри Ризони кўриши билан бошини темирга уриб, асабий увлади.

- Бўрилар очга ўхшайди, Жалил, гўшт ташладингми?

- Ётар пайтим берувдим.
- Нега унда фингшияпти?
- Қора бўрининг одати шунаقا, хўжайин, сизни кўрса асаби бузилади.
- Сен нас, буларнинг овқатини вактида бермаётгансан!

Аҳмад ҳам қафас олдига келиб бўриларни томоша қиласди. Уларга яқин боришга юраги чопмасди.

- Аҳмад шу ерда туради, - леди Ризо қаршисида кўл қовуштириб турган Жалилга. - Унинг айтганини бажар. Тушундингми?

- Тушундим, хўжайин!
- Лекин унинг бу ердалигини ҳеч ким билмаслиги шарт! Агар оғзингдан гуллаганингни эшитсан, бўрилар ичига ташлайман, суякларинггача гажиб юборишади!

- Тушундим...
- Унда мен қайтдим. Вакт топганимда келаман.
- Жалил хўжайнинг ортидан эргашди. Машинасига утираёттанды гапини айтди.
- Хўжайин, энди менга рухсат берсангиз, уйимга бориб келай, бола-чақаларимни соғиндим.
- Болаларингни кўргинг келдими? - Ризо машина-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

сидан тушди. У Жалилнинг олдига келди. - Мен сенга минг бора айтганман, бундан кейин ҳам айтаман, болаларингни ўйлама!. Улар учун сен, сен эса улар учун ўлгансан! Ё гапимни унуддингми?!

- Эсимда, хўжайин, аммо ўтган сафар келганингизда бир ойдан кейин уйингта бориб келишга рухсат бераман, деб эдингиз?

- Мен сенга ваъда бермаганман!

Ризо қалтираб, букилиб турган хизматкорнинг бошига мушт туширди. Жалил зарбадан гандираклаб, ерга қуллади. Ризо машинаси томон юрди. Жўнаш олдидан Аҳмадни чақирди. Қулоғига ниманинир пиҷирлади. Хизматкорнинг кўнгли ўзи билан боғлиқ қандайдир ноҳушликни сезди. Ризо кеттандан кейин Аҳмад унинг тепасида пайдо бўлди.

- Қани, тоғнинг эгаси, ўрнингдан турчи? - деди қўлларини биқинига тираб. Дарроғина, нимjon Жалил ҳамон қалтираб, сабрсизлик қилиб, хўжайнинга ноўрин гап айтгани учун ўзини ўзи койиб ўтиради. Турқи совуқ бу одам энди ундан нимани истайди?

Жалил ўрнидан туриши биланоқ Аҳмад унинг суюқдан иборат билагидан чангллади.

- Қани, бу ёқقا юрчи, бўриларнинг отаси! - дея қафас томон судради. - Сен ўзбошимча ҳали бошлиққа гап қайтарадиган, унга ақл ўргатадиган бўлдингми? Сен болаларингни эмас, хотинингни соғингсан. Унинг қайноқ қучогини қўмсаб қолгансан! У билан қўшилишни истаб қолгансан! Ёки гапим ёлғонми?

Аҳмад Жалилни судраб, силтаб, қафас олдига олиб келди. Бўричалар безовталаниб, акиллаб, типирчилашарди.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Эшикнинг калитини бер! - сўради Аҳмад.

Жалил чўнтақларини пайпаслаб, калитни топиб берди. У ҳамон меҳмоннинг мақсадини тушунмасди.

- Энди калитнинг эгаси менман! Калитлар ҳам, бўрилар ҳам менинг измимда! Буйругимсиз бўриваччаларинг бир тишлам гўшт ея олмайди!

Аҳмад шу сўзларни айтиб, калитни олди-ю негадир ўйланиб қолди. Эшикни очса, йиртқичлар ҳамла қилиб, унга ташланмайдими? Шундан кўрқди. Кейин атрофга боқди. Кўзи тўнгакка тушди.

- Тўнгакларни келтир! - буюрди Аҳмад.

Жалил янги бошлиқнинг талабини шу он бажарди.

- Мана бу ерга қўй!

Хизматкор унинг айтганини бажарди.

- Устига чиқ!

Шу ёшга кириб бирорвга буйруқ бермаган, ўзидан кичикларнинг ҳам гапини қайтармаган Жалил янги бошлиқнинг мақсадини тушунмай тепага чиқди.

- Кўлимдан торт! - амр қилди Аҳмад. Жалил қўлини чўзди. Аҳмад тепага чиқиб, уйчанинг томини кўздан кечирди. Тинчи бузилган бўрилар олдинги оёқлари-ни кўтариб, иргишлаб акиллашарди. Аҳмад тунуқани кўчириб, четга сурди. Қора бўри тишларини шақиллатиб, тепага сапчиди. Бироқ боши етмади.

- Қани, бўриларнинг отаси, пастга туш-чи? - буюрди Аҳмад.

- Нима қиляпсиз, ука, бўрилар олдига қандай тушаман, улар мени ғажиб ташлашади-ку?!

- Кўрқма, улар сенга тегмайди. Ахир, ҳар куни овқат берасан!

- Раҳмингиз келсин, - кўзида ёш билан ялинди Жалил.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Дийдиёнгни йифиштири! Афти-ангори ўзгарган Аҳмад қарияга қараб ўшқирди. - Қани, имилламай туш!

- Аҳмаджон...

- Туш, онангни.. - Аҳмад хизматкорнинг қўлидан судраб ўзи очган туйнук оғзига келтирди. Жалил типирчилаб унинг қўлидан чиқмоқчи бўлди. Аҳмад газабланиб, мўйсафиднинг дуч келган жойига мушт туширади.

- Мени йиртқичлар ичига ташламанг, Аҳмаджон! Худо хайрингизни берсин, болаларингизнинг роҳатини кўринг! Улар мени ғажиб ташлашади. Уйда...

- Бас қил! - Аҳмад ҳолсизланиб қолган чолнинг бошига мушт тушириди.

- Тушмасанг ўлдираман!

- Аҳмаджон, раҳм қилинг, болаларимни..

- Ху болаларингни онасини... - Аҳмад чолнинг озғин белидан даст кўтарди. Жалил енгил эди. Икковлари томнинг қирғоғига келиб қолишганди. Аҳмад зўрга қаддини тиклаб, йиқилмаслик учун мувозанатини сақлаб қолди. Шунда ҳам чолни кўйиб юбормади. Аҳмад хизматкорнинг илигига шундай ўхшатиб тепдики, Жалилнинг кўзидан ўт чиқиб кетгандек бўлди. Аҳмад шундан фойдаланди. У Жалилни янада баландроқ кўтариб туйнукдан пастга ташлаб юборди. Сассиқ ис уфириб турган қафас ичига тушган Жалил шу заҳотиёқ бўричалар ғажиб ташласа керак, деб ўйлаганди. Аммо улар акиллашмасди, кўзларида ҳайрат бор эди.

Аҳмад бўриларнинг тек турганини кўриб, ҳайрон бўлди.

- Нега емаяпсизлар, қоринларинг тўқми, - деди

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР ///

уларга қаратा.

Бүри болалари Аҳмадга тикилиб туришаверди. Бундан унинг тоқати тоқ бўлди.

- Билиб кўйинглар, шу чолни мижимасаларинг, сизларга овқат берилмайди!

Шундан кейин у учага кириб кетди.

Жалил ўз қисматидан ҳаётида илк бор пушаймон бўлди. У кўллари билан бошини чанглаб йиглаб юборди. Садпора дилидан шу сўзлар отилиб чикарди. «Нега мени емаяпсан, бўрижонлар, қоринларинг тўқми? Ёки менга раҳмиларинг келдими? Болаларимни соғинганимни, уйимга кетмоқчилигимни сездиларингми?

Қисматимизни қаранглар, бўрижонларим! Сизлар ҳам онангизни соғингансиз, уни отиб ўлдиришганини биласиз Кечалари тушингизга кирав. Оппоқ, қайноқ сутга тўлган кўкракларини эмгингиз келар. Она сутининг хумори тутар. Мени ҳам болаларимнинг хумори тутди. Уларни соғинганман. Кўрмаганимга бир йилдан ўтиб қолди. Отам қачон қайтаркин, деб йўлимни пойлашаётган! Юрагим ёниб кетяпти. Уларни бағримга босиб, ҳилларини исказб ётгим келяпти».

Жалил гоҳ овоз чиқариб, гоҳ лаблари пичирлаб, ҳамон кўзларини тикиб турган бўриларга шу сўзларни айтди. Забонсиз жонивор унинг айтганларини қайдан ҳам тушунсин? Зоро, уларнинг кўнглидан нелар кечётганини Жалил ҳам билмасди!

\*\*\*\*\*

Жалил уч йил аввал Ризодан юз минг қарз кўтарганди.

- Менинг пулларим бўғоз, Жалил ака, - деганди

## Исҳоқжон НИШОНОВ

ўшанда Ризо ярим ҳазил, ярим чин қилиб. - Қанча сўрасангиз бераман, аммо болалайди-да!

Жалил бу гапни ҳазилга йўнди.

- Менга эркагидан беринг, Ризобек. Отангиз қиёматлик акам эди. Хизматларини қилғанман!

- Отам ўлиб кетганда менга бойлик қолдирмаган, aka, ўзи сизга қанча пул керак?

- Юз минг берсангиз бўлади, иним..

Ризо унинг қўлига пул тутқазди. Ярим ҳазил, ярим чин қилиб қўшиб қўйди.

- Унумтнанг, қанча ишлатсангиз, ишлатинг-у, аммо фоизини ҳар ойнинг охирида узатиб туринг!

Жалил пулни қўйнига солиб, уйига қайтди. Тўйни ўтказди. Орадан икки ой ўтиб, Ризо келди.

- Қанақа одамсиз, қарз олганингизга икки ой тўлди, на қайтарасиз, на фоизини чўзасиз. Бунақа эмас-да!

Жалил Ризонинг жиддий гапираётганини билмади.

- Яна бир ой сабр қилинг, пулни ҳаммасини жамлаб қайтараман.

Ваъда қилинган ой ўтди. Жалил топганларини йиғиштириб, Ризони излаб шаҳарга тушди.

- Мана, омонатингиз, иним. Катта раҳмат!

Ризо пулни санади.

- Бу фоизими?

- Тушунмадим, - ҳайрон бўлди Жалил.

- Олган қарзингизнинг фоизими, деяпман!

- Ҳазиллашманг, Ризобек, - Жалилнинг юзи шолғомдек қизарди.

- Ҳазиллашадиган гап қилмадим, - Ризо ҳамқишлоғининг сўзини кесди. - Мен бачканаликни ёқтирумайман. Яна шунча тўлайсиз! Эртадан ўтса, икки бош!

Жалил Ризонинг жиддий гапираётганини унинг

## ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

важоҳатидан билди.

- Мен сиздан фоизга пул олмаганман, - деди қалтираб.

Ризо столни муштлади, чойнак ерга тушди. Пиёладаги чой меҳмоннинг юзига сачради. Ризо чолнинг ёқасидан тутди.

- Ҳов, хунаса, мен сенга пулни бераётганимда, булар бўғоз, деганимидим?! Гапир, шу гапни айтганимидим?!

Жалил безгак тутгандек қалтирарди. Ризо уни силтади...

- Дегандингиз, - деди зўрга.

- Деган бўлсам, нега тоняпсан, хунаса?!

- Тўлайман, Ризобек, тўлайман!

Ризо унинг ёқасидан қўлларини бўшатди. Жалил кутулганига шукр қилди. Аммо эртаси куни пулни элтиб беролмади. Ризонинг тили билан айтганда, қарзи икки бошга кўпайганди. Жалил икки юз минг пул топишга қодир эмасди. Ризо буни биларди. Ҳафта ўтказиб, чолни излаб келди.

- Биламан, қарзингни тўлай олмайсан, отамнинг ҳурмати учун сенга яхшилик қиласай. Тоқقا чиқасан, ўша ерда ўзимга дала-ҳовли қураётганман. Қоровулчилик қиласан. Иш ҳақингни қарзингга ётқизаман!

Жалилга бу таклиф ёқди. Қарз ёмон, тўламаслик гуноҳ. Тоқقا жўнашга мажбур бўлди. Ризо бир йил ишлаб берасан, деб тайинлаганди. Бугун келганига роппа-роса бир йил тўлганди.

\*\*\*\*\*

Ризо ишхонасига келганда Бори шу ерда эди. Кўпроқ у билан маслаҳатлашар, ўзгалардан яширган

## Исҳоқжон НИШОНов

гапларини фақат унга айтарди. Ишхонасидагилар-нинг кўпчилиги бундан бехабар эди. Шу сабабли Аҳмадни тоқقا ташлаб келганини унга ёрилди. Қолаверса, Борининг фикрини билгиси келди.

- Хабаринг йўқ, - деди у Борига. Анови «Тилло йигит»нинг идорасида юрист бўлиб ишлайдиган Шуҳрат мелисанни танийсанми?

- Нега танимай, ахир у отнинг қашқасидек ҳаммага маълум-ку!

- Ўша Москвага бориб Аҳмадни тутиб келибди.

- Ё товба!

- Бахтга қарши Қоплоннинг онаси ўлиб, қишлоққа кетганди. Ер-ўлага қамаб кўйишган экан, одамларимни ишга солиб қочирдим.

- Ҳозир қаерда? - ташвишли овозда сўради Бори.

- Тоқقا ташлаб келдим. Бирор ой ўша ерда юрсин. Паспортини Қоплоннинг одамлари олиб кўйган-миш.

- Бу ишингизга қўшилмайман, - деди Бори. Ризо унга ўгирилди. Кўзларида ҳайрат бор эди.

- Нимага?

- Дала-ҳовлида юрса, албатта, Қоплон хабар топади. Одамлари яна тутиб олишади. Қочирганингиздан хабар топади. Сизга адовати кучаяди. Аввалги ишларни ҳам сизнинг гарданингизга қўяди. Ўрталарингдаги адоват кучаяди, жиққа мушт бўласизлар. Охири фожия билан тугайди. Шуҳрат ака уни сўроқ савол қилишга улгурган бўлиши ҳам мумкин.

Ризони ўй олиб қочди. Борининг гапида жон бор. Ойни этак билан тўсиб бўлмайди. Шу фикр илгари хаёлига келмаганидан афсусланди ҳам. Шошиб қолдими? Ҳавотирга тушдими? Дала-ҳовлисига ўзи таш-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

лаб келди. У ерга одамлари бориб туради. Бири бўлмаса, бошқаси Аҳмаднинг у ердалигини танишларидан бирортасига «гуллаб» кўйиши ҳам мумкин.

- Нима қилиш керак? - сўради боши қотган Ризо.  
- Уни четта чиқаролмайсиз, паспорти чатоқ. Тоғда ҳам сақлаёлмайсиз, одамлар кўради. Шаҳарга эса сифмайди.

- Маслаҳат бер!  
Бори бошлигининг кўзларига тикилди. Паст овозда деди:

- Бахридан ўтиш керак!  
Ризо ўйланди.  
- У мен учун керак, Бори. Уни йўқотсан, кўп нарсадан айрилиб қоламан!  
- Унда ўзингизга қийин бўлади, хўжайн. Шахматда шундай қонун бор. Шоҳни асраш учун вазирлардан воз кечилади.

Ризонинг боши қотди. Анча вақт мулоҳаза қилди. Охир-оқибат таклифни кўллади.

- Бу ишни ўзинг уddyалайсан! - деди.  
Бори маъноли бош иргади.



Насим телефон қилиб, Амирхоннинг етиб келмаганидан ташвишланаётганини айтди. Ўз навбатида Қоплон ҳам уни жўнатиб юборганини маълум қилди. Ҳатто қайси вагонга чиққани ва қайси хонада кетганини ҳам кўшиб қўйди. Бу билан Насимнинг кўнгли тўлмади. Амирхонни дараклашда давом этди. Қоплон ҳам хижолат эди. Ўша куни Амирхонни кузатиб қўйган йигитларини чақиртирди.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Уни ўзимиз вагонга чиқариб кўйганмиз, - дейишди йигитлари. - Ҳатто поезд кўзғалгунча вокзалдан кетмаганмиз!

- Нега унда Амирхон уйига етиб бормади?! Назаримда, сизлар мендан ниманидир яширяпсизлар? Билиб кўйларинг, мабодо алдаётган бўлсаларинг, икковларинг ҳам мендан омонлик топмайсизлар! - аччиқланди, Қоплон.

- Гапимизга ишонинг, - дейишди йигитлар. Негадир улар ўз бошлиқларининг кўзига тик қарашолмасди. - Поезд жўнаб кетгандан кейин уйга қайтганмиз!

Қоплоннинг кўнгли тўлмади. Йигитлар кеттандан сўнг хонада ёлғиз қолди. Ҳаёли Амирхонга кетди. «Қаерда юрган бўлиши мумкин? Ёш бола эмаски, адашиб қолса. Балки йўлда тушиб, қариндош-уруглариникида қолгандир?! Қолган бўлса, Насимга айтиб қўймайдими?

Қоплон миясидаги даҳшатли фикрларни кувишига ҳаракат қилгани билан юраги таскин топмади. Бир ташвишнинг ортида иккинчиси турарди. Аҳмадни эслади. Нега қочди? Ким ёрдам берди? Темир панжарани кесиш учун аррани қаердан олган? Омборда бир парча ҳам темир йўқ эди-ку? Бундай саволлар уни боши берк кўчага тиқиб кўярди. «Қочишига кимдир ёрдам берган», деган гумонли савол юрагини эзарди. Қанчалик бош қотирмасин, кўринмас одамнинг сийратини кўз олдига келтиролмасди. У яхши биларди, одамларининг ҳаммаси оқибатли йигитлар. Улардан хоинлик ва хиёнатни кутиш мумкин эмас.

Қоплоннинг назаридаги Аҳмад узоқда қочиб кетмаган. Паспорти Шухрат акада. Шу атрофда беркиниб юрган. Эртами-кеч дараги чиқади. Одамлари изига

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

тушган. Шуҳрат ака изига тушган. Модомики, Аҳмад унинг уйига бостириб кирмаган, Дилдорани зўрламаган ва қимматбаҳо қоғозларни олиб чиқиб кетмаган бўлса, нега қочди? Гуноҳи йўқлигини исботламайдими?

Қоплон Аҳмадни яхши биларди. Кўли қинғир бўлиб қолмай, балки, меҳрисиз йигит эди. Ишдан ҳайдаб юборгандан кейин Ризонинг паноҳига кирди. Кекса изқуварнинг шубҳаланишига ҳам шу сабаб бўлгандир? Ризо унинг бу ишларидан хабардормискин?! Агар кўли бўлмаса, Аҳмадни тутиб беради. У Қоплоннинг уйидаги нималар бўлганидан хабардор.

Қоплоннинг хаёлини телефоннинг овози бузди. Ўрнидан туриб, гўшакни олди. Кўнғироқ қилаётган Насимнинг одами эди..

- Хўжайнинг қўшма корхона қуриш тўғрисида шартномани бекор қилдилар. Ўртага ташланган пулни зудлик билан қайтаринг! - деди у.

Қоплон дўстининг бундай қарорга келишининг сабабини тушунмади. Нима бўлди унга? Чиндан ҳам аразладими? Россиялик шерикларига «пул тайёр, зудлик билан цехларни жўнатинглар», деб илтимос қилганди. Юк бир ой ичидаги қелиши мумкин. Пулни қайташиб берса, уларнинг олдида бебурд бўлиб қолмайдими? У Жабборни чақирди.

- Насимбек пулни қайташибизни талаб этяпти. Биз билан ҳамкорлик қилишни истамасмиш!

- У аҳдидан қайтадиган одам эмасди, - ҳайрон бўлди Жаббор.

- Менимча, Амирхоннинг етиб бормагани учун биздан аразлаган!

- Ҳақиқатан ҳам Амирхон нега шу кунгача етиб

бормадийкин?

- Бу ерда қандайdir сир бор. Кимdir ўртамизга нифоқ солиш мақсадида Амирхонни яширган!

- Мен олдига бораман. Ҳамма гапни унга тушунтираман. Зора инсофга келса!

Таклиф Қоплонга маъқул келди.

- Яхши бўларди. Амирхонни жўнатганимизни тушунтириш. Чинданам биз билан ҳамкорлик қилишни истамаётган бўлса, пулинни қайтариб бер! - деди Қоплон темир қутидан эллик минг долларни олиб, Жабборнинг қулига тутқазар экан.

- Пулни қайтарсан, россиялик дўстларимизга нима, деб жавоб қиласми. Улар насияга иш қилмасликларини олдиндан айтишганди-ку?!

- Сен келгунча мен бу ҳақда ўйлаб қўраман. Балки Бароннинг олдига ўтармиз! - деди Қоплон.

Жаббор кечки поезд билан Душанбега жўнади. Аммо у ерда нималар кутаётганини билмасди.

Жаббор Насимни совуқ кутиб олишини хаёлига келтирмаганди. У билан бегоналардек саломлашди. Жаббор қаттиқ ранжиганини тушунди.

- Пулни келтирдингми? - сўради Насимбек. Унинг овози Жабборнинг қулоғига совуқ эшишилди. Ёнидан эллик минг долларни олиб, стол устига қўйди. Насим унга қайрилиб қарамади...

- Мен сизлар билан тузган шартномани бекор қилдим! - деди. - Ҳатто Қоплон билан дўстлигимиз ҳам ниҳоясига етди!

- Тинчликми, бундай қарорга келишингизга сабаб борми? - сўради Жаббор.

Насим унга юзланди. Кўзларида газаб ўти ёнарди.

- Сабабини «Тилло йигит»дан сўра, ўша тушунти-

## ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

риб берсин!

- Агар Амирхоннинг бедарак йўқолғанлиги учун шундай қилаётган бўлсангиз, адашасиз, Насимбек! Бунда Қоплонбекнинг айби йўқ. - деди Жаббор босиқлик билан ўртадаги вазиятни юмшатиш мақсадида. - Одамларимиз уни вагонга чиқариб қўйишган.

- Насим олисда, у ҳеч нарсани билмайди, деб ўйловдиларингми? Ҳаммасидан хабардорман. Амирни қандай ўлдирғанларинг менга аён!

Жабборнинг бадани жимиirlаб кетди.

- Нималар деяпсиз, Насимбек! Қоплонбек сизни ҳам, йигитларингизни ҳам хурмат қиласди. Амирхонни ўлганини мен энди эшитиб турибман! Балки бу тұхматдир?!

- Тұхмат?! Мен сени алдаяпманми? Испот керакми? Шундай дейишиングни билардим. Қоплон бекорга «одамларим Амирни поездга чиқариб қўйиши», деб телефон қылган экан-да?! Аслида сенлар Амирни вагонга чиқармагансанлар! Уни бўғиб, жасадини сойга ташлаб юборгансанлар! Мен аҳмоқ Қоплоннинг сўзига ишонибман!

- Амирхоннинг ғойиб бўлишидан Қоплонбек қаттиқ ташвишга тушди. Бу иш билан унинг ўзи шуғулланмоқда.

- Айборни изляпсизларми?! Бу гапинг билан мени хотиржам қилмоқчимисан?! - Насимбекнинг қўллари мушт бўлиб тугилди. - Излаётган бўлсаларинг, балки бирор хабар топгандирсизлар? Мана, топасанлар! - Насим икки бармоғи орасидан бошмалдоғини кўрсатди ва Жабборнинг кўзларига яқин келтирди. - Амирхоннинг жасади темир йўл бекати этагидаги сойдан топилганига бир ҳафта бўлди, хуна-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

са! Уни сенинг одамларинг ўлдириган!

- Бундай бўлиши мумкин эмас! Далилсиз ва исботсиз нарсаларни бизнинг гарданимизга юкламанг! Хўжайн Амирхонни иззат-икром билан қузатган.

- Исбот керакми сенга?! - Насим гезарган юзини рўмолчаси билан артди. У терлаб кетганди. - Қўлимда Қоплоннинг қотилигини фош қиласидан далилларим бор. - Насим эшик олдида турган йигитлардан бирини чақирди.

- Темур!

Темур учиб келди.

- Буюринг, ака!

- Расмларни келтир!

Жабборнинг тили курмакланиб қолди. Наҳотки, гаплари рост бўлса? Унинг оёқ-қули музлаб қолганди.

Темур расмларни келтириди.

- Мана, ака!

Насим расмларни Жабборнинг қулига тутқазди.

- Кўзинг билан кўр!

Жаббор суратларни қулига олди. Икки йигит Амирхоннинг қўлтиғидан кўтариб, машина томон судраб бораёттани акс эттирилганди. Йигитларнинг юз кўриниши тескари бўлса-да, уларнинг бўй-басти аниқ тасвирга туширилганди. Воқеа шоҳ бекатда бўлганлиги поезд ва иншоотлардан билиниб турарди. Жабборнинг зътиборини йигитларнинг кийими тортди. Улардан бирининг сочи елкасига тушиб турарди. Бундай одамлар Қоплоннинг тўдасида йўқлигини Жаббор яхши биларди.

- Булар бизнинг одамларимиз эмас, - деди расмдан кўз узмай.

- Сен ўз одамларингни танимай қолдингми? Тон-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

моқчимисан?! - маст түядек бўкирди Насим. - Сенга яна исбот керакми?

Унинг кўзларидан ўт чақнарди. Юзи илон чақсан-дек кукариб кетганди. - Манови машина кимники, балки уни ҳам танимасдирсан!?

Насим иккинчи суратни Жабборнинг қулига тутқазди.

Бу расмда узун сочли йигит Амирхонни Қоплоннинг машинасига чиқараётгани акс этирилганди.

Жаббор уни рақамидан таниди. Ўзини оқлашга асоси қолмаганди. Жабборнинг жим қолиши Насимнинг назарида таслим бўлганлигини билдири.

- Амирхоннинг қотили топилиб, менинг олдимга келтирилмагунча шу ерда қоласан! - деди Насим ва йигитларига ишора қилди. Соқчилар Жабборнинг қўлтиғидан олиб, ташқарига судрашли.

\*\*\*\*\*

Спорт мажмуаси курилиши жадал суръатлар билан давом этарди. Бундай улкан иншоот ҳали шаҳарда йўқ эди. Шу сабабли кўпчиликнинг дикқат-эътиборини тор-танди. Шаҳар ва вилоят раҳбарлари ҳам бу ерга тез-тез ташриф буюриб туришарди. Қоплон қандай қилиб бўлса-да, мажмуани шарқона усулда барпо этишини ўйлаганди. Кўқондан олиб келган усталари деворларга ва эшикларга шу қадар жозибали ишлов беришган эди-ки, бу ҳар қандай одамни ўзига маҳлиё этарди. У бисотидаги пулларни сарф қилиб бўлганди. Маблағ топгунча ишни тўхтатиш, усталарга дам бериш мумкин эмасди. Сўнгти пардозлаш ишлари охирлаб қолганди. Узоги билан ўн беш кунлик иш қолганди. Бунинг устига Россиядан чинни идишлар ишлаб чиқарадиган цех ва асбоб-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

ускуналар келаётганди. Пул ҳаводек зарур эди. Жаббордан эса негадир дарак бўлмасди. Қоплонбекнинг боши қотди. Хаёли Баронга кетди. Бир гал телефонда гаглашгандарида унга спорт мажмуаси қураёттанини айтганди. Ўшаңда кекса лўли:

- Сенинг мамлакатингдан етишиб чиқаётган спорчилар бутун оламни ҳайратта солмоқда. Айниқса, ўзбек кураши билан боксининг довруғи етти иқлимни забт этди. Ёшларни спорт билан шугулланиши учун ажойиб иншоот қураёттанингдан мен ҳам гуурланаман, қандай ёрдам керак бўлса, тортинма, «Тилю йигит», - деб айтганди. Бароннинг олдига боришга ўзининг вақти ҳам, имконияти ҳам йўқ. Курилишни ташлаб кетолмасди. Одамлари орасида Баронни факат Анвар танирди. Қоплонбек уни жўнатишга қарор қилди.

- Олма-Отага бориб, Баронга учрайсан, қўлига мана бу мактубни топширасан! - деди у Анварга конверт тутқазиб

- Қачон жўнашим керак?

- Эртага учасан, тезда қайтишинг керак.

Анвар эрталабки самолёт билан Олма-Отага учди. Етиб борган заҳотиёқ аэропортдан Бароннинг уйига қўнғироқ қилди. Гўшакни Ҳамил олди.

- Менга Барон керак эди. - деди Анвар.

- У киши яқинда шаҳарга чиқиб кеттандилар. Нима ишингиз бор?

- Қачон қайтади?

- Кечгача кутишингизга тўғри келади.

Анвар кечки рейс билан уйга қайтиши зарур эди.

- Унда мен икки соатдан кейин қўнғироқ қиласман. - деди хафсаласи пир бўлиб.

- Қўнғироқ қилишингизга ҳожат йўқ, уйга келаверинг. Барон кўчада узоқ юрмайдилар.

## /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР ///

- Раҳмат сизга!

Ҳамид гүшакни жойига қўяр экан, ташқаридан Бароннинг овози эшитилди.

- Ҳозиргина телефонда сизни сўрашди? - деди у Баронга.

- Ким экан?

- Кимлигини билмадим...

Барон хизматкорига кўзларини қадади.

- Сенга минг бор айтганман, ким қўнғироқ қылса аввал исмини сўра деб! Эс кирмас экан сенга, Ҳамид!

Бароннинг хаёлига Ризо келди. Бир ойдан сўнг ўзим қўнғироқ қиласман, деганди. Айтган муддати ҳам ўтди. Аммо дараги йўқ. Агар у бўлганда телефон қилиб ўтирасди, ўзи кириб келаверарди.

Барон хонасига кирди. Кун иссиқ эди. Йўл юриб ҳориганди. Ўзини тушакка ташлади ва шу заҳоти ухлаб қолди.

...Ҳисоб-китобли ишлар кўпайиб кетганлиги боис, Алёна узоқ вақт хонасида ўтириб ишларди. Тушга яқин уйга қўнғироқ қилди. Гўшакни Барон кўтарди.

- Ҳамид керак эди. Уни уйга жўнатиб юборсангиз. - деди қиз.

- Ҳозир уйда ишлари кўп, вақти йўқ, оппоғим, - деди кекса лўли қизининг илтимосини рад этиб.

- Унда кечки пайт жўнатинг!

Барон гўшакни қўйиб, Ҳамидни чақирди.

- Уйдаги ишларни бажариб бўлганингдан сўнг, Алёна-нинг олдига бор.

- Хўп бўлади, хўжайин!

Ҳамид уйдаги ишларни тезда бажариб бўлди. У чиқиб кетгандан кейин эшик тақиляди. Чолнинг ўзи бориб эшикни очди. Анварни таниди.

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Хўш, Қоплонимнинг ишлари қандай? Курилиш битиб қолдими? -сўради ичкарига кириб танишишгандан сўнг.

- Якунланиб қолди, амаки, усталар пардозлаш ишларини ниҳоясига етказиш арафасида. Байрам куни мажмуани ёшлар ихтиёрига топширамиз...

- Мени ҳам таклиф этасизларми?

- Сизсиз маросим маросимдек ўтармиди, амаки.

- Қоплон хайрли ишларни қилаёттанидан кувондим.

Яқин йилилар ичида сизлар кураёттан спорт мажмуасидан дунёга машхур спортчилар етишиб чиқади, - деди Барон завқланиб.

- Қоплонбек юртимиз шуҳратини ошириш, жаҳонда тенгисиз спортчи йигитларнинг қўпайишини истаб, шу иншоотни қуряпти, амаки. Мажмууда нафақат кураш, балки спортнинг бошқа турлари билан шугулланиш ҳам мумкин.

- «Тилло йигит» узокни кўзлаб иш кўради. Бундай йигитлар билан ўзбеклар фахрланса арзиди.

- Албагта!

- Хўш, олдимга бекорга келмагандирсан?

- Қоплонбек фақат иши тушганда олдимга одамини жўнатади, деб ўйламанг, амаки.

Анварнинг хижолат бўлгани сўзларидан билинди.

- Тортинмай айтавер, қандай юмуш билан келдинг? мақсадига ўтди Барон.

- Хўжайин Россиядан чинни идишлар ишлаб чиқаралинг цех сотиб олмоқчи, юк ҳозир йўлда. Қоплонбекнинг қўли калталик қўлиб, қийналиб турибди, - деди Анвар.

- Қандай муаммо бор экан?

- Хўжайин муаммони шу қоғозга ёзган бўлса керак.

## ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

Анвар ёнидан конвертни олиб, Баронга узатди.

- Қачон қайтмоқчисан? - сўради лўли чол хатни ўқиб чиққач.

- Бугун қайтишим керак, аммо охирги самолёт жўнаб кетди.

- Эрталаб кетарсан, бу кеча менинг меҳмоним бўл, иккимиз отамлашайлик. Кўпдан бери кўнглим хижил бўлиб, улфатчиликни кўмсаб юргандим..

Бағри кенг лўли чол Анварни ошхонага бошлади.

\*\*\*\*\*

Душанбега жўнаб кетган Жаббор етиб борганилиги тўгрисида телефон қилмади. Қоплон ташвишга тушиди. «Унга нима бўлди? Нега қайтмаяпти? Наҳотки, Насим қасд олиш мақсадида ушлаб қолган бўлса?» Қоплоннинг кўнглига қил сигмай боши оғриб, ўзини ёмон сеза бошлади. Қаерга борса, Жабборни эсларди. Насимбекка сим қоқди. Бироқ унинг кўнғироқларига дўсти жавоб қилмади. Амирхонни излаётган одамлари ҳам янгилик келтиришмади. Қоплон Шуҳрат Шарифовични чақирди. Амирхонни суриштиришни илтимос қилди. Изкувар темир йўл бекатига жўнаб кетди. Кечки пайт нохуш хабар билан қайтди.

- Бир ҳафта бурун Амирхоннинг ўлиги сойдан чиқибди. Марҳумнинг яқинлари жасадни юртларига олиб кетишибди.

Қоплон аланга ичидаги қолди.

- Ким, ким бу ишни қилган?! - ўрнидан туриб, қичқириб юборди у. - Кимнинг қасди бўлиши мумкин менда? - у ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

- Ўзингизни босинг, Қоплон, - Шуҳрат Шарифович

## Исҳоқжон НИШОНОВ

биrozdan кейин унинг ёнига келди. - Ёмонлик қилгандар жазосиз қолмайди. Ҳаммаси қўлимизга тушади.

- Амирхон ўлган бўлса Насимбек Жабборни қўйиб юбормайди. Қонга қон, жонга жон деб уни ўлдириши мумкин! - Қоплон бошини кутариб изқуварга қаради.

- Уни тезроқ қутқариш керак!

- Телефон қилдингизми? - сўради Шуҳрат Шарифович.

- Кўнғироқларимга жавоб бермаяпти.

- Унда кимнидир жўнатишимиш керак. Вазиятни юмшатмасак, Жабборни қийнашлари аниқ!

- Насимбек гапга қулоқ соладиган одам эмас. Билганидан қолмайди. Жабборни қутқариш йўлини топиш зарур, Шуҳрат Шарифович. Айтганингиздек у ҳозир азоб чекиб ётган бўлиши мумкин.

- Бирдан бир йўл қотилнинг кимлигини аниқлаш! Бунинг учун ҳафталаб, ойлаб кутишимиз лозим.

- Унгача Жабборни ўлдириб қўйишади. Яхшиси Насимбекнинг олдига ўзим бориб гаглашаман!

- Бошқа одам жўнатинг, Насимбек ҳозир аламда қовурилиб, кўзига қон тўлган. Жаҳл келганда ақл кетади, деган гап бор.

- Пешонамга ёзилгани бўлади, Шуҳрат ака! Одамларимнинг азоб чекиши мен учун иснод!

Олти кундан бери Жаббор ерўлада ётарди. Бир чимдим қуёш нури тушмаган қоронгу хонанинг деворлари цементдан бўлганлиги учун нам ҳаво унинг соғлигига путур етказганди. Жаббор шамоллаб қолганди. Кун сайин иссифи кўтарилиб, аҳволи оғирлашиб борарди. Овқат олиб кирған йигитга мазаси йўқлигини, иложи бўлса, бошқа хонага ўтказилилари-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

ни илтимос қилди. Бироқ Насим унинг сўзларини инобатга олмади.

Қоплон эрталаб дўстининг олдига етиб келди. Аммо у «Тило йигит»ни қабул қилишни хоҳламади.

- Мени йўқ денглар. Кўришни ҳам, гаплашишни ҳам истамайман, - деди хабар келтирган Темурга. - Изига қайтариб юборинглар!

Бу гапни жаҳл устида айтган Насим бироз ўтиб ўйланиб қолди. «Нега энди учрашмаслигим керак? Ахир мен айбор эмасман-ку? Қилғиликни у қилган, ўзимни панага олишим қўрқоқликнинг белгиси-ку!»

- Тўхта! - деди эшик олдига бориб қолган Темурга.  
- Ўзим чиқаман!

Қоплон дарвоза олдида турарди. Илгарилари бу хонадонга кўп келганди. Мана шу болохонали уйда Насим иккиси тунлари ухламай, дарс тайёрлашган. Ўзларининг янги фирмаларини ривожлантириш тўғрисида баҳслашиб тонг оттиришган. Қанчадан-қанча тунларни бедор ўтказишган...

Ичкаридан Насим чиқди. Иккисининг кўзлари учрашди. Бу қўзларда ғазаб эмас, балки дўстликнинг соғ, беғубор учқунлари ялтиарди. Улар бир-бирларига қараб туриб қолишли. Бирдан соғинчга тўлган юраклари патиллаб кетди. Қўзлардан ёш сизиб чиқди. Иккиси ҳам бир пайтнинг ўзида қучоқларини ёзиб, бир-бирлари томон талпинишиди. Қоплон ҳам, Насим ҳам ўзини босолмади. Йиғлаб юборишиди.

- Дилдорадан кейин онамдан ҳам айрилиб қолдим, дўстим!

- Нега хабар қилмадинг? Онанг менинг ҳам онам эди-ку?!

- Сени безовта қилишни истамадим!

## Исҳоқжон НИШОНОВ

- Бу хатойинг ўлгунимча юрагимда сақланиб қолади.

Насим дўстининг бошига тушган кулфатдан бехабар эди, Қоплон Жабборни жўнатаётганда бу ҳақда унга индамасликни тайинлаганди.

Улар ичкари киришди. Қоплоннинг қайтишига уй эгаси рухсат бермади.

- Бир кеча тунаб кетасан, ёшлигимизни элашиб ётамиз, йўл юриб чарчагансан, - деб туриб олди. Улар ёшликлари ўтган болохонада тунашди. Бироқ уйкулари келмади. Қоплон босқинчи уйидаги акцияларни олиб чиқиб кетгани, Дилдора шарман漳агарчиликка чидамай, жонига қасд қилгани, Аҳмадни Москвадан тутиб келишгани, кимdir қочириб юборганини сўзлаб берди. Бу ишларда каттагина гуруҳнинг қўли борлигини айтди. Бироқ «Бой ота»дан шубҳаланганини яширди..

- Бу ишларни сени кўролмаган одамлар қилган, - деди Насим. Аҳмадни ушласанг ҳаммаси фош бўлади. Унинг одамлари йигитларингнинг ичидаги бўлиши керак. Бекорга қочириб юбормаган. Амирхоннинг ўлимида ҳам ўша лаънати гуруҳнинг қўли бўлиши керак...

- Бу ишни Шуҳрат Шарифовичга топширганман. Биласан, у узоқ йиллар милицияда ишлаган. Ҳозир Аҳмаднинг изига тушган. Яқин кунлар ичидаги қўлга тушишига ишонаман.

Насим бирдан хаёлга толди. Амирхоннинг бекатдаги суратини ким жўнатган, деган савол илк бор миясига урилди. Расмларни олиб чиқди.

- Буни сенга кўрсатиш ниятим йўқ эди, - деди расмларни дўстининг олдига ташлаб. - Ҳозирги гап-

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

ларинг мени ҳам ўйлантириб кўйди. Балки суратлар атайлаб ўша тўда томонидан жўнатилгандир?

- Бу йигитлар менинг одамларим эмас, - деди Қоплон суратларни қўздан кечириб. Иккинчи суратда ўз машинасининг рақамини кўриб, ажабланди.

- Машинамни бир ярим ой аввал сотиб юборганман. Сурат қалбаки, Насим, буни компьютерда ишлашган.

Қоплон қайтганда Анвар Олма-Отадан келганди. Барон унинг илтимосини ера қолдирмаганди. Юз минг доллар бериб юборганди.

- Ҳамил Олма-Отада экан. - деди Анвар Бароннинг саломини топшириб бўлгач.

- Қайси Ҳамил? - ҳайрон бўлди Қоплон.

- Баҳромнинг шофёри-чи?!

- У ерда нима қиляпти, хумпар?

- Бароннинг уйида ишляяпти!

- Адашмадингми?

- Ўз кўзим билан кўрдим.

- Сени танидими?

- Билмадим, назаримда танимади. Бароннинг уйига келаётганимда ёнимдан ўтиб кетди.

- Бўлиши мумкин эмас, - деди Қоплон. - Кочувда юрган одам ўзини ҳаммага ҳам кўрсатавермайди! Сен адашгансан!

- Йўқ, мен танидим, хўжайин! Ўз кўзим билан кўрдим.

Қоплон ўйланиб қолди. Шаҳарда «Ҳамил Қоплон-бекнинг одами экан, нефть базаси директорида қасди бор экан, уни ўлдиртиromoқчи бўлибди», деган мишишлар болалаб турган пайтда бу хабар Қоплон учун кутилмаган зарбадек таъсир қилди. Одамларнинг гап-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

сўзлари унинг асабларини қанчалар бузмади. Руҳини синдиримади. Наҳотки, у Бароннинг уйида яшаётган бўлса?

- Гапларингга шубҳам бор. - деди у Анварга.  
- Ишонмаётган бўлсангиз, ўзингиз бориб кўринг!

Ёки Баронга қўнғироқ қилиб, у билан гаплашинг!

Қоплон яна хаёл дарёсига шўнғиди. Шаҳардаги миш-мишларга барҳам беришни, ўзини оқлашнинг бирдан-бир йўли Ҳамидни тутиб келиш эди. У абраҳ қочувда юрса, миш-мишлар болалайверади.

- Ҳамидни Бароннинг уйида яшаёттганлигини ҳеч кимга айта кўрма! Эртага Шухрат Шарифовични жўнатаман.

- Барон Москвага кетди. Унинг қайтишини кутиш керак! - эътиroz билдириди Анвар.

«Тилла бола» ўйланиб қолди...

\*\*\*\*\*

Бароннинг асл исми Вания эди. Ота-онаси нега унга бундай ном кўйишганининг сабабини ўзи ҳам билмасди. Аммо бу исмни уннуттанига ўттиз йилдан ўтди. Ҳозир бирор уни Вания, деб чақирса аҳамият ҳам бермайди. Ёшлигига лўлилар унга Барон, деб ном беришган. Шу ном билан яшаяпти. Кекса лўлининг ёшлиги барча лўли болалариникидек кўчада ўтди. Кўча тарбиясини олиб, катта бўлди. Жуда шўх ва айни пайтда қайсар эди. Ўртоқларини ўз йўлига sola оларди. Шу сабабли маҳалласидаги ўзи тенги болаларга етакчилик қилди. Ўғирликдан бошқа йўллар билан топилган буюмлар унинг рухсати билан тақсимланарди. Аммо Барон ўз шерикларига бирорнинг ҳақини

## ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

сўрамасдан олишга рухсат бермасди. Ўғирлик қилганлар унинг ғазабига дучор бўларди. Бундай болаларни аяб ўтирасди. Оғиз-бурнини қонатиб, гуруҳдан ҳайдарди. Ҳайдалган болалар иккинчи бор қабул қилинмасди. Унинг бу ишлари катталар томонидан ҳам маъкулланарди. Шунинг учун кексалар унга Барон номини беришди.

Кекса лўлилар ҳам бу йигитта меҳр қўйиб қолишиди. Унга ўз ташвишларини айтишарди, ёрдам сўрашарди. Барон эринмасди. Қийналган лўлиларга ёрдам берарди. Бу унинг ҳурматини оширди. Обрўсини қўтарди. Барон лўлиларни бир жойга тўплашга ҳаракат қилди. Ҳатто четда яшайдиган миллатдошларини ҳам химоясига олди. Уларнинг тўй ва маросимлари Бароннинг иштирокисиз ўтмасди.

Барон кейинчалик ишга кирди. Бошқа шерикларини ҳам ишлашга даъват этди. Металлургия заводида оддий ишчи бўлиб ишлаган Барон вақти келиб, шударажада бойиб кетишини ҳеч ким хаёлига келтирмаган бўлса ажаб эмас. Ҳаётининг қўп қисми муҳтоjлик, қашшоқлик, хор-зорликда ўтган бу йигитча кекса отонасини боқиш учун нон тополмаган кунлари бўлди. Иттифоқ тарқаб кетгандан сўнг у ишлаётган заводга четдан маҳсулот келмай қўйди. Ишчи ўринлари қисқарди. Баронни ҳам ишдан четлатишиди. Аросатда қолган лўлининг хаёлига рангли металларни тўплаш фикри келди. Бироқ ҳамёни чатоқ эди. Бир ўзи ишлашига тўғри келди. Шаҳар ва овуллардаги хонадонларнинг ҳар бирига муҳтоjлик юкидан эгилган бошини сукди. Қўлига илинганди металлни уйига келтириб ташлади. Сотишга ошиқмади. Егуликка нон қолмаганда бошқа иш қилиб, пул топди. Ўша йиллари

## Исҳоқжон НИШОНОВ

тиним билмай ишлади. Тўплаган темирларини катта-роқ пулга сотиш пайти келишини кўнгли сезарди. Бу орада аёли дардга чалинди, ётиб қолди. Ётди-ю қайтиб турмади. Барон унинг жасадини совуқ тупроққа қўйганда, танҳогина фарзанди Алёна эндингина ўн бир ёшга тўлганди. Барон хотинининг маъракаларини ўтказиб, яна ишга шўнғиб кетди. Ёнига қизини ҳам олди. Ёшгина Алёна елкасига темир-терсак юкланган қоп ортди. У айрим қизларга ўхшаб, одамови эмасди. Шўх ва бийрон, қора қошлари остидаги мунчоқдек мовий кўзлари доимо чақнаб турадиган ўйинқароқ бўлиб ўсганди. Барвақт ташлаб кетган онасининг ҳасратида ғам-андуҳларга ботган юрагидаги аламларини отасига сездирмасди. Фақат кечалари дардларини ёстиққа айтиб, у билан ҳасратлашарди. Ёстиқ эса унинг сирларини яширди, кўз ёшларини ютди.

Алёна тез улгайди. Сарвқомат, хипча бел, қора қошли, чақмоқ кўзли бу дилбарни кўрган йигитларнинг бошидан ақли учарди. Қизнинг изидан эргашганлар, унинг бир оғиз сўзини эшлишга ошуфта ошиқлар факат лўлиларгина эмас, балки бошқа миллат йигитлари орасида ҳам талайгина эди. Аммо Алёна севги изҳор қилмоқчи бўлган йигитларнинг куйиб ёнишларига парво қилмади. У отаси каби мағрур эди. Ошиқларининг кўзига тик боқарди. Қўлларини нозик, хипча белига қўйиб, шундай бўралаб эркакчасига сўкардики, улар қочгани жой тополмай қолишарди. Бечора йигитлар ажабтовур феъл-атворли бу дилбарнинг кўзларига бошқа чалинмасликка ҳаракат қилишарди.

Кутимаганда Алёнага шу маҳаллада яшайдиган Қодир исмли чечен йигити кўнгил қўйиб қолди. Илк бор севги изҳор қилиб, юзи шилинган бўлса-да, қиз-

## ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

нинг ортидан қолмади. Доим йўлини пойлади. Алёна кўча эшикларида уюм-уюм бўлиб ётган темирларни рангларига, турларига қараб ажратиш билан банд бўлағди. Қодир қизга ёрдам бергиси келарди. Зилзамбидек оғир юкларни қизнинг елкасидан олиш мақсадида унинг олдига келарди. Алёна дастёр бу йигитнинг ёрдамини ҳеч қандай қаршиликсиз қабул қиласди-ю, бироқ иши битгач, ҳайдаб соларди. Тегажоқлик қилгудек бўлса, мушти ёки қўлига илинган буюм билан сийларди.

Қодир қизнинг ортидан қолмади. Қишининг совуғида ҳам, ёзнинг жазирамасида ҳам уйи атрофида айланаб юраверди. Бу орада қиз бир ёшга улғайди. Кўнглида худди бевақт келган баҳорнинг тафтидан очилган гунчадек муҳаббат чечаклари куртак ёйди. Қалбидаги пинҳона бу гулнинг эрта очилганини биринчи бўлиб Қодир сезди. Ва унинг ифоридан маст бўлди. Бироқ қизининг бошқа миллат йигитига кўнгил бергани Баронга ёқмади. Қодир билан учрашганини кўрганда томиридаги лўлиларга хос бўлган қизикқонлик қони кўпирив кетарди. Бироқ фарзандининг кўнглини чўктириб қўйишдан чўчирди. Ва бу ҳақда унга ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қиласди:

- Сенинг томирингда буюк миллатимизнинг қони оқмоқда, қизим. Сен фақат ўзимизнинг йигитларимизгагина кўнгил қўйишинг шарт. Токи сендан бино бўлган зурриётнинг томирида менинг тоза қоним оқсин. Фарзандларинг бизнинг асрлар оша ардоқланаб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий урфодатларимизни давом эттирсин. Агар сен чеченга турмушга чиқадиган бўлсанг, билиб қўйки, мен ўз миллатдошларимнинг тавқи-лаънатига дучор бўламан. Улар биздан

## Исҳоқжон НИШОНОВ

юз ўтиришади, нафрат кўзи билан қарашади. Яхшиси Қодир билан муносабатингни уз. У билан учрашишни бас қил. У менга муносиб куёв бўлолмайди. Ўз навбатида чеченлар ҳам биз лўлилар каби қатъий ва қайсар ҳалқ, ўз миллатларининг қонини иккинчи бир миллатнинг қонига қўшишга қаршиидирлар. Ҳозир ёшсизлар, севги ва ишқнинг шаробидан маастсизлар. Ҳеч нарсани тушунив етмайсизлар. Вақти келиб, оила қурганларингда, бола-чақали бўлғанларингда менинг сўзларим нақадар ҳақ эканлигини тушунасан. Қилган ишингдан пушаймон бўласан. Буни унутма, Алёна!

- Лўлилар нима деса дейишсин, аммо мен Қодирни севиб қолдим, дада! Сиз миллат ва элат, дин дейсиз, аммо Худонинг олдида ҳаммамиз бир бандамиз-ку. Шундай бўлгач, нега менинг баҳтимни миллат шаъни, диний русумлар тўсиши керак? Нега бир миллатнинг қони иккинчи бир миллатнинг қонига қўшилмаслиги керак, экан? Бунда муҳаббатнинг қудрати қаерда қолади?

Лўли чол афсуслангандек бошини чайқади.

- Ҳали ёшсан, гўрсан ва ҳеч нарсани тушунмайсан. Сенинг кўзларингни муҳаббат деган туйгунинг парда-си тўсиб қолган. Оила ҳам куарсан, бола-чақали ҳам бўларсан, ёшинг ўтиб қолганда менинг сўзларимни тушуниб етарсан.

Алёна отасининг сўзларини қулоғига олмади. У йигит билан ҳар кун учрашиб турди. Кунларнинг бирида, кўкдаги ой ўн беш кунлик бўлганда, юлдузлар осмонга балроқдек сочилган, майин эпкин қалампирмунчоқ исинни оламга таратётган кечада улар бир-бирларининг бағриларига синтиб, бир умрга бирга бўлишга қасам ичишиб, ковушдилар. Бу ҳақда Алёна отасига кейинрок

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

айтди. Барон ўзининг бошини деворларга уриб йиғламади, телбалардек аклдан озиб, құлига пичок олиб, қизини құвла-  
мади. Унинг сўзларини индамайгина тинглади, кейин оппоқ сочли бошини күтариб, қизига ўткир нигоҳла-  
рини қадаб шу сўзни айтди:

- Бахтингни берсин, қизим. Қодирга айт, тўй кунини белгиласин. Шундай тўй қилиб берайки, бундай шо-  
диёна никоҳ кечаси ҳали бирорта лўлининг ҳаётида учрамаган бўлади.

Отасининг сўзларидан Алёнанинг хавотир ва қўркув-  
дан увишган юраги илиб, боладек суюниб, ўрнидан туриб, Бароннинг чўяндек қорайган, серажин ва айни  
дамда ёқимли ис уфуриб турган юзидан чўлпиллатиб  
ўпди. Бу қизнинг ўз падарига бўлған адoқсиз меҳр-  
муҳаббати бўлибгина қолмай, балки севгилиси билан  
бир умр баҳтли ҳаёт кечиришга, отасининг мағрур  
бошини лўлилар олдида хам қилмасликка берилган  
ваъда ҳам эди.

Тўй Барон ваъда қилғандек дабдабали ўтди. Бундай  
маросим шу пайтгача бирорта лўлининг хонадонида  
бўлмаганди. Қария эшигини ҳамма учун очиб қўйди.  
Куй-қўшиқлар садоси ярим тунгача янгради. Бу никоҳ  
Баронга чинданам баҳт олиб келди, деб айтса бўларди.  
Иши юришиб кетди. Тўплаб қўйган металларни эллик  
баровар фойласига сотди. Бадавлат одамлар орасида  
мартабаси ошиб, дўстлари кўпайди. Тўйга ўша бадав-  
лат кимсалар ҳам ташриф буюришиб, Барон хонадони-  
нинг кўрки ва файзига айланди.

Барон ёлгизи ва овунчоги бўлған қизини шаҳар  
марказидаги беш хонали уйига кузатиб қўйди. Ота-  
бала ўртасидаги айрилиқ шу тарзда бошланди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Бароннинг ишлари

## Исҳоқжон НИШОНОВ

юришиб кетганди. Кўл остида бир неча ишчи бўлиб, улар металл йиғиш билан шуғулланишарди. Барон уларни қўшни шаҳарларга, овулларга жўнатарди. Чол пулни қанчалик яхши қўрмасин, ўз ҳамкорларини алдамасди, бирорнинг ҳақига хиёнат қўлмасди.

\*\*\*\*\*

... Алёна Ризонинг одамини излаб меҳмонхонага келди. У Маҳмуднинг хонасига кўтарилиди. Эшик очиқ эди. Ичкарига кирди. Бу пайтда Маҳмуд ваннахонада чўмилаётганди. Ювиниб-тараниб чиқди. Аёл дераза олдидаги курсида оёқларини чалиштириб ўтиради. У ўзига оро бермаган бўлса-да, очилиб кетганди. Елкасига ёйилиб тушган қўнғир соchlари деразадан тушиб турган офтоб шуъласида олтингек товланаарди. Қиз Маҳмуднинг кўзларига аввалгидан ҳам мафтункор ва гўзал куринди. Назарида ёшариб, тўлишиб, бир хуснига ўн хусн қўшилгандек эди. Этнидаги кўйлаги хипча қоматига ярашиб тушганди.

- Мени кечиринг, ювинаётгандим, - деди Маҳмуд.
- Ҳечқиси йўқ, - деди Алёна ярим ялонғоч ҳолда тепасида турган йигитнинг сурбетларча тикилишидан ғаши келиб. Маҳмуд аёлнинг ёнига ўтиреди.
- Қачон келдингиз? - сўради Алёна.
- Икки кун бўлди, менга Бароннинг Москвага кетганини айтишди.
- Дадам иш билан кеттандилар. Бугун-эрта қайтсалар керак.

Маҳмуд рюмкаларга конъяқ қўйди.  
- Мен ичмайман, - эътиroz билдириди Алёна. - Соғлигим кўтартмайди.

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

- Бир хўплам... қўнгил учун. Ахир кўришмагани-  
мизга ҳам бир йил бўлди.

Алёна унинг қўлидан қадаҳни олди.

- Шуни истайсизми?

- Таклифимни қабул қўлганингиздан хурсандман.  
Тўгриси сизни кўрган кунимдан бери эс-хушим ўзим-  
да эмас. Бу ерга келган кунимоқ сиз билан учрашиш-  
ни ўйлагандим.

Алёна индамади. Конъяқдан номигагина татиб,  
қадаҳни стол четига қўйди.

Улар анчагина суҳбатлашиб ўтиришди. Маҳмуд  
ҳамон ўзини қўлга ололмасди. Хаёлини ёмон ўйлар  
чулғарди. У Аёлнага яқинроқ сурилиб олишдан ўзини  
тиёлмади.

- Мен турмушга чиққанман, - деди аёл. - Эрим  
чечен. Чеченлар хиёнатни кечиришмайди!

Алёна тезроқ кетиши лозим эди. Мақсадини айтди.

- Отамдан олган пулни қайтариш муддати ўтиб  
кетди. - деди қиз. - Лекин сизлар бизни алдадиларинг.  
Ваъдага хиёнат қилдиларинг!

Маҳмуд совуқ жилмайди. У қадаҳга ичимлик қўйди.

- Шу мақсадда отангиз билан маслаҳатлашмоқчи-  
ман. - деди Маҳмуд.

- Менимча отам сиз билан суҳбатлашишни истама-  
са керак. Сизни кўрган заҳоти фазаби қўзийди.

Йигит қизарган кўзларини суҳбатдошига тикди.

- Бу эркакларнинг иши. Бу ишга сизнинг аралаш-  
маганингиз маъқул, хоним!

- Гапингизга тушунмадим, пулни менинг қўлимдан  
сиз олгансиз. Қолаверса, мен отамнинг ҳисоб-китоб  
ишларини олиб бораман.

Алёнанинг дадил гаплари Маҳмуднинг асабларини

## Исҳоқжон НИШОНОВ

таранглаштириди.

- Мен ишларимга аёл кишининг аралашишини ёқтиримайман. Баронни тан оламан! - деди қўрслиги тутган Маҳмуд. - Пул масаласида фақат унга жавоб бераман. Тушундингми?

Алёнанинг асаблари таранглашиди.

- Пулни мендан олгансан, жавобини ҳам менга беришинг шарт! Хўш, пул қани? Нега вақтида қайтармадинг?!

Маҳмуд яна қадаҳга конъяк кўйди ва уни биркўтаришда бўшатди.

- Қани, ойимтилла, ўрнингдан тургин-да, хонани бўшатиб қўй, акс ҳолда гулдай башарангни отанг танимайдиган қилиб қўяман.

- Номард! - қичқирди Алёна.

- Манжалаки!

- Ифлос!

- Шаллақи!

Алёнанинг оғзидан Маҳмуд учун ҳар қандай ҳақоратдан оғир сўзлар чиқди. У ўрнидан турганини ва столни айланиб ўтиб, қизнинг қўнғир сочларидан тутганини ўзи билмади.

- Ким ифлос, фоҳиша? Мен ифлосманми?! - Маҳмуд қизнинг сочини аргамчидай буради. Алёна оғриқча чидаёлмай қичқирди.

- Мен сенга ҳали номард бўлдимми?! Эркаклигими ни кўрсатиб қўяйми?!

Маҳмуд Алёнани диванга судради. У қаттиқроқ қичқирмоқчи бўлди. Бироқ йигит кафти билан оғзини тўсганди. Аёл унинг юзини таталаб ташлади. Йигит бўридай қутурганди. Мушти билан қизнинг бошига солди. Аёл ҳушидан кетди. Кўзини очганида,

## ||||| ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР |||||

Маҳмуд тўшакда ялонғоч ҳолда ҳансираф ётарди. Алёна ўзини қўлга ололмади. Аланга ичида ёнаётган одамдек жисми-жони ўртанди. Бир пайтлари отасининг уйидаги ҳафталааб меҳмон бўлган бу пасткаш кимсанинг юзсизлигидан виждони азоб чекарди. Алёна ўрнидан турди. Кўйлагини ростлаб, эшик томон юрди. Маҳмуд қизнинг ортидан шу сўзни айтиб қолди.

- Соғинсанг, яна келарсан!

Алёна пастга тушди, машинасининг эшигини очди. Буюмхонани тимирскилари. Унинг қалтираётган қўллари тўппончанинг дастасидан тутди. Қуролни сумкасига жойлаб, ортига қайтди. Йўлакда ҳеч кимга дуч келмади. Рўйхатга олиш бўлимида чой ичиб ўтирган аёллар унга қайрилиб боқишмади. Фазабдан вужуди титраётган аёл тепага кўтаришлар экан, унинг лабларидан биргина сўз учиб чиқарди.

«Ўлдираман!»

Бир пайтлари юрагига бир парча чўғ ташлаган лўли қизнинг висолига етганидан мамнун бўлган Маҳмуд оёқларини узатиб, юрагининг дукуллашини босолмай ётар экан, хаёлан Баронни эслади. Қизи тўшакдаги воқеани айтса, суякларини синдириб ташлайди... Ўзини оқлашга устаси фаранг бўлган Маҳмуд кекса лўли чолнинг ғазабини босиш йўлини ўйлади. «Қизингни ўзи бўйнимга осилди», дейди ва бунга чолни ишонтиради ҳам. Ахир меҳмонхонада одам йўқ эмас-ку. Зўрлаганда қичкирарди, бироргасини ёрдамга чакираварди.

Ўйлар уммонига фарқ бўлган Маҳмуд эшикнинг очилганини ва Алёнанинг кириб келганини сезмади. Қиз тепасига келгандагина уни кўрди.

- Яна келдингми, жонидан? - иршайиб деди Маҳ-

## Исҳоқжон НИШОНОВ

муд. - Кел, ёнимга ёт, ачом-ачом қилайлик!

Алёна гапирмади. Сумкасидан тўппончани олиб, Маҳмуднинг пешонасига тўгрилади. Шундагина у қизнинг мақсади бошқа эканлигини тушунди. Кайфи тарқаб, рангү-кути ўчиб кетди. Соқов одамдек гўнғиллади.

- Алёна. Алёна... мен... мен ҳазиллашгандим. Пулни қайтараман. Истасанг ҳозир Ризога телефон қиласман. Куролни тушир... Кўпроқ ичиб, шунаقا бўлиб қолди, кечир...

Алёнанинг шанғиллаб турган қулогига Маҳмуднинг сўзлари кирмасди. Кўзларига жирканч нарсадек кўринарди. Аҳидан ҳеч нарса қайтаролмасди. Баромоги тўппонча тепкисига ёпишиб турарди.

Махмуд аёлнинг оёқлари остига йиқилди. Қурол жим эди. Вақт унинг фойдасига ишлатётгандек эди. Маҳмуднинг юрагида умид уйғонди. «Отиш нияти йўқ, бўлганда эшикдан кирибоқ тепкини босган бўларди. Шунчаки қўрқитмоқчи», дея ўйлади. Юраги бир қадар жойига тушгандек ҳам эди. Ўрнидан турмоқчи бўлиб, кўлларини ерга тиради. Шу баҳонада бир ҳамла билан тўппончани тортиб олмоқчи бўлди. Бироқ туришга улгурмади. Алёна тепкини босганди.

### БИРИНЧИ КИТОБ ТУГАДИ

*3000 сур.*

Адабий-бадиий нашр

# ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

*КИССА*

Биринчи китоб

Мұхаррір: Нұрбек Абдуллаев

Тех. Мұхаррір: Собитхон Абдухомитов

Мусақхих: Улұғбек Умаров

2012 йилнинг 10 сентябрда теришга берилди. 2012  
йилнинг 5 октябр куни босишига рухсат этилди. Бичими  
60x84 1/16. Ҳажми 13 босма табоқ. Газета қозозига оғсет  
усулида босилди. Буюртма № 324. Адади 2000 нұсха.  
Баҳоси келишилган нархда.

"Наманган" нашриёти, Нашриёт лицензия рақами  
AN-156. 2009 йил августдан берилған  
Наманган шаҳри, Навоий кӯчаси, 36-үй.

ZAKOVAT NASHRIYOT UYI MCHJ босмахонасида  
Газета қозозига оғсет усулида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,  
"Чорбоғ" кӯчаси, 17 уй